

*Элке Хайденрайх
Бернд Шредер*


Азалий ишқ

Роман

*Ҳафиза Қўчқорова
Фурқат Соатов
таржимаси*



Тошкент - 2013



УЎК: 821.112.2

КБК 84(4Нем)

84(4Нем)

X18

Ҳайденрайх, Элке, Шредер, Бернд.

Азалий ишқ: роман / Э. Ҳайденрайх, Б. Шредер; тар-
жимонлар: Ҳ. Қўчқорова, Ф. Соатов. - Тошкент: Nihol на-
шриёти, 2013. - 200 б.

УЎК: 821.112.2

КБК 84(4Нем)

Тақризчилар:

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
профессори Шавкат Каримов,
Филология фанлари доктори, профессор
Баҳодир Каримов

Муҳаррир:

Эргашев Орзукул

Мусаҳҳиҳ:

Дилдора Рахмонова

Саҳифаловчи:

Фурқат Соатов

Техник муҳаррир:

Беҳзод Нурмуҳамедов


ISBN 978-3-446-23393-5

© 2009 Carl Hanser Verlag München

Satz: Satz für Satz. Barbara Reischmann, Leutkirch

Druck und Bindung: Friedrich Pustet, Regensburg

Printed in Germany



N1 31820
2

“Азалий ишқ” оҳанрабоси

Ходи Тоқтошнинг эскирмас, ҳамиша охорли сатрларида “Севги ўзи эски нарса, ҳар юрак уни янгилар” деган ҳикмат бор.

Дарҳақиқат, ошиқ ва маъшуқаларнинг севги дostonлари доимо барча минтақаларда ранг-баранг кўринишларда мадҳ этилган. Улар ҳақида битилган поэтик ва прозаик асарлар, агар улар чинакам инсоний туйғуларни ифодалаган бўлсалар, турли авлодлар, турли халқларнинг маънавий мулки бўлганликлари ҳақиқат.

Немис адаблари Элке Хайденрайх ва Бернд Шредер қаламларига мансуб “Азалий ишқ” романи бир-бирлари висолига ета олмаган ошиқлар ҳақида бўлмай, қирқ йиллик биргаликдаги турмушнинг аччиқ-чучугини баҳам кўрган Лоре ва Ҳаррининг ўзаро табиий ва самимий мулоқотлари, ўй-мулоҳазалари, бир-бирлари ҳақидаги тавсиф ва тўхтамлари ўзига хос оригинал композицияда – 33 та мустақил ва айни пайтда бир-бирини тўлдирадиган ҳикоялар эр ва хотин ўйлари ва диалоглари тарзида берилган.

Роман никоҳ ва турмуш қуришдек муқаддас хилқатга беъэтибор бўлаётган ёшларга ўзаро бир-бирларига суянчиқ бўлган, бир-бирларисиз яшашни тасаввурларига сиғдира олмайдиган жуфтлик – Ҳарри ва Лоренинг турмуш тарзлари кўпчиликка ўрнатилган бўлиши билан маънавий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Муаллифларнинг таржимаи ҳоллари, роман воқеалари ва персонажларининг феъл-атвор ва характерлари билан танишиб, китобхон “Элке Хайденрайх ва Бернд Шредер ўз ҳаётларини тасвирламадилармикан?”, деб ўйлашлари мумкин, - деган ўй ҳам келиши мумкин.

Муаллифларнинг У. Нойхаузер ва Ш. Драфга берган интервьюларида таъкидлаганларидек, романдаги Лоре ва Ҳарри уларнинг айнан ўзлари эмас. Аммо уларга дахлдор кўп ҳолатлар қаҳрамонлар характерларига синдириб юборилган. Масалан, Э. Ҳайденрайх ёзувчи, адабиётшунос, сценарист ва телебошловчи сифатида ўз “Лоре” си сингари китобга ўч. У 2-немис телевидениесида китоб мутолаасини тарғиб қилувчи кўрсатувнинг доимий бошловчиси. Дардига дармонни ҳам, малҳамни ҳам китоблардан олади.

2002 йил сентябрида шифокорлар унда саратон хасталигини аниқлаганларида, жарроҳлик операцияси ва нур терапиясини бошидан кечирганда ва дори-дармондан нажот кутган пайтларида унга телевидение раҳбарияти кўрсатувларга бошловчилик қилишни таклиф этишгани унинг жонига оро киради. Тақдирнинг бешафқат ҳазилига қасдма-қасд, телевидениедаги ширин ташвишларни хосиятли юмуш деб ҳисоблаган адиба ҳозирги кунда ҳам фаол ижодкордир. Ҳаммуаллиф Бернд Шредер билан чорак аср мобайнида турмуш қурган Элке Ҳайденрайх ажралишганларидан кейин ҳам яқин дўст бўлиб қолдилар, кўплаб асарларни ҳозир ҳам биргаликда ёзишмоқда.

“Азалий ишқ” ҳам ҳар икки ижодкор фантазиясининг маҳсулидир. “Энди, - дейди Элке Ҳайденрайх, - азалий ишқ аввалгидек ёндириб-куйдирмаса ҳам, илиқлик тафти тарк этгани йўқ. Менинг ҳамроҳим, Бернднинг ҳам ўз оиласи бор. Аммо ижодда ҳамкору-ҳамдастмиз”.

Романда Лоре ва Ҳарридан бошқа, Лоренинг онаси Лени, укаси Тео, уларнинг қизлари Глория ва набиралари Лаура образлари ҳам бетакрор. Лоренинг онаси “одамининг сояси”га айланган, тўшакка миҳланган Лени гарчи асарнинг бирор жойида кўринмаса ҳам, Ҳарри ва Лоре

ҳикоялари орқали китобхонда қандай аёл эканлиги ҳақида аниқ тасаввур қолдириши, муаллифлар ҳикоя усулининг нечоғли маҳоратлилигидан далолатдир. Романда бобо ва набира, она ва қиз мулоқотлари авлодлар ўртасидаги анъанавий қадриятларга муносабат, улар ўртасидаги ҳазм қилиш мушкул бўлган зиддиятлар ишонарли ифодаланган.

Элке Ҳайденрайх асарлари, шу жумладан, “Азалий ишқ” ҳам кўп тилларга ўгирилган. Адиба ижодига назар солар эканмиз, улар жаҳоннинг йигирма беш тилига таржима қилинганлигини таъкидлаш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Энди икки оғиз таржима ва таржимонлар ҳақида:

В. фон Хумбольдт ёзувчи ва таржимон А.Шлегелга ёзган мактубида таржима ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Ҳар қандай таржима менга бажариб бўлмас вазифани сўзсиз ҳал этишга уриниш бўлиб кўринади. Чунки ҳар қандай таржимон сув остидаги икки тошнинг бирига урилиб мажақланиши мумкин, яъни у ёки аслият матнига берилиб, аслият тилида гаплашувчи ҳалқ ва тил ранг-баранглигига қаттиқ амал қилиши, ё бўлмаса ўзи яратган таржимада ўз ҳалқининг ўзига хослигини акс эттириши мумкин”.

Таржима ишига бундай эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш натижалари ўлароқ, соҳа жонкуярлари “Таржиманинг меъёрий назариялари” ни шакллантиришга интиланлар ва унда яхши таржима нима-ю, яхши таржимон кимлигини белгиловчи қатор талабларни баён қилганлар. Уларнинг таъкидларига кўра

1. Таржимон ўзи ўгираётган матн мазмунини мукамал тушуниши лозим.

2. Таржимон қайси тилдан ўгираётган бўлса ўша тилни, шунингдек, матн ўгирилаётган тилни аъло даражада мукамал билиши лозим.

3. Сўзма-сўз таржима қилиш тенденциясидан қочиши лозим, зеро бу усул аслият мазмунини сохталаштиради ва аслият гўзаллигини йўққа чиқаради.

4. Таржимада умум истеъмолидаги нутқ шакллари-дан кўп ва ҳўб фойдаланиши лозим.

5. Сўзларни тўғри танлаш ва ўз ўрнига тўғри қўйиш орқали ўқувчида шундай таассурот қолдириши лозимки, токи аслият “оҳанг”и таржимага кўчсин.

Юқорида қайд этилган меъёрларни мазкур роман таржимонлари ўзлари учун дастурил амал деб қарайдилар.

ЎзМУ хорижий филология факультети немис филологияси кафедраси ўқитувчиси Ҳафиза Кўчқорова немис бадииятига биринчи марта қўл ураётгани йўқ. У даставвал Й.Цинкнинг “Сокинлик қирғоғида”, М.Л.Кашницнинг “Ёзувчи”, “Оқ айиқлар”, немис-турк адабаси Э.С.Уздамарнинг “Юрт”, М.Валзернинг “Ички туғёнлар” асарларини ўзбекчалаштириб, қаламини чархлаган ва таржима оламининг “ўз одами”га айланган, десак муболага бўлмас.

Женни Эрпенбекнинг огизга тушган романи “Макон истаб”нинг Ҳафизахон томонидан муаллиф билан бақамти қилган ижодий ҳамкорлиги натижаси ўлароқ амалга оширилган ўгирмаси таржимонлар ва таржимашунослар баҳс-у-мунозараларининг сабабчиси бўлганлиги диққатга сазовордир. Бу сафарги таржима учун танланган Элке Ҳайденрайх ва Бернд Шредернинг “Азалий ишқ” романи Ҳафиза Кўчқорованинг немис адабаси ижодига биринчи мурожаати эмас, таржимон Элке Ҳайденрайхнинг “Эрика” асарини ҳам таржима қилиб, немис адабаси ижодий лабораториясига киришга ҳаракат қилган.

Таржима машаққати ва лаззатини бирга баҳам кўрган Фурқат Соатов “Азалий ишқ” романига қадар немисларнинг манзур адиб ва адибалари Д.Кеельман, Ж.Эрпенбекнинг ҳикояларини таржима қилиб, “Умидсиз уй” номи билан алоҳида китобча тарзида чоп эттирган. Мазкур таржималар ёш таржимонларнинг 2010 йилда Дўрмон ижод уйида муҳокама қилинган, устоз таржимонлар назарига тушган ва яхши баҳоланган эди.

Ҳафиза Кўчқорова ва Фурқат Соатовлар ҳам муаллифлар йўлидан бориб, “Азалий ишқ”ни ижодий ҳамкорликда таржима қилганлар.

Таржима амалиётида бир асарни икки ижодкор томонидан ўгирилиши ҳамма вақт ҳам ўзини оқламайди. Чунки ҳар бири ўз услубига эга таржимонлар бир асарни турли қисмларини турли услубда ўгириб қўйишлари хавфи бор. А.Зегерснинг “Барҳаёт ўликлар” романининг ҳашар таржимаси бунга мисолдир.

Бундай салбий амалиётдан фарқли ўлароқ Ҳафиза Кўчқорова ва Фурқат Соатовларнинг ижодий тандеми яхши самара берган, дейиш ўринлидир. Чунки улар китобни бўлишиб олиб, таржима қилмаганлар, қилинган ўгирмалар ўзаро кўрилиб, мақбул мулоҳазалар инobatга олинган. Муаллифлар билан таржимонларнинг ўзаро мулоҳазалари ҳам асарни ўзбекчада мутаносиб тарзда гавдалантириш имконини берган.

Роман таржимаси билан танишиб, шундай тўхтамга келдикки, аслиятдаги жумлалар, диалоглар қурилиши, персонажлар нутқи раvon, осон англашилади. Бу, табиийки, таржимада оригинал учун хос бўлган сўз, ибора, мақол, матал ва фразеологизмларни муқобилларини топши ва ўрнида қўллаш имконини беради. Одатда рус ёки Европа тилларидан таржима қилинганда таржимон ўзи

сезмаган ҳолда, беихтиёр европача (русча) гап тузиш қолипларидан фойдаланганини сезмай қолади. Мазкур таржимада бундай тилимиз учун ноқулай структуралар йўқ даражада.

Элке Ҳайденрайх ва Бернд Шредерларнинг “Азалий ишқ” романи билан ўзбек китобхонининг танишишлари ҳозирги замон немис романи ҳақидаги тасаввурларни бойитади, немис воқелиги билан яқинроқ танишиш, қолаверса, географик жиҳатдан турли минтақаларда яшовчи халқларни ўзаро яқинлаштиради. Мазкур роман ўзбек ўқувчилари қизиқиб ўқийдиган китоблар сафидан жой олиши шубҳасиздир.

Шавкат Каримов
Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети профессори

1. ЛОРЕ

Яна охири йўқ тортишувлар, ниҳоят жўнаб кетадиган бўлдик. Унгача дунёда қанча ҳақоратли сўз бўлса, ҳаммасини эшитдим. “Бу ҳақда гапирмоқчи эмасман: мени умуман қизиқтирмайди. Албатта, у – менинг қизим, бироқ унинг шахсий ҳаёти борган сари ҳиқилдоғимга келаётир, умри хазон бўлади ахир, шу йигитни у қай гўрдан топди...” – дерди у жиғибийрон бўлиб. Мен бўлсам:

“Ҳарри, кўпам асабийлашма, бир оғиз гапирмасдан ҳам масалани ҳал қилса бўлади, кел, шу аҳмоқона тўйга тинчгина бориб кела қолайлик, сен ҳақсан, бу – бир номақбул тўй, аммо нима бўлганда ҳам қизимизнинг тўйи-ку, қанча гапирмайлик, жаҳл қилмайлик, бари беҳуда энди”, дегим келарди-ю...

Ростданам, бу қиз яна қандай томоша бошламоқчи. Ҳаррининг панд-насихатларидан тўйиб кетган бўлсам-да, у худди бир нималарни олдиндан билаётгандек туюларди менга, мен Ҳаррийимни яхши биламан. Ҳар қанча бақир – чақир қилмасин, барибир ҳақли эди.

Глориянинг ҳаёти фақат бахтсизлик, омадсизликда ўтаяпти. Ахир, ўттиз саккиз ёшида учинчи эр, бири биридан баттар турмуш. Сезиб турибман, бу эри ҳам кўнгилдагидек эмас. Ахир, онаман, оналар бундай нарсаларни қалбдан ҳис этадилар. Бу никоҳ ҳам омонатдек, назаримда... Қизимизнинг тарбиясида нимада адапдик экан-а? Ахир у кичкиналигида қандай ширин, беғубор эди, тилларанг кўнгироқ сочлари, юлдуздек чақноқ кўзлари... Пианинони қойилмақом қилиб чалишларини айтмайсизми!... Биз уни ҳеч бир ишга мажбурламасдик. Мактабни ташлаб кетмоқчи бўлганида ҳам, Ҳиндистонга боришни ихтиёр қилганида ҳам ҳеч нарса демаганмиз. Ўша ҳеч нарса дема-

ганимиздир балки бизнинг хатоимиз. У биз сингари ҳаёт кечиришни истамасди. Ёшлар ҳамиша шундай – катталар йўлидан юришни хоҳлашмайди. Эй худо, биз қандай яшаймиз, шунчалик ёмонми? Никоҳимиз қанча тўфонларга дош берди. Олтмиш саккиз йиллик умрдан кейин биринчи марта шу ҳақда ўйлаяпман. Глория-чи? Аллақанча бетайин хушторларидан ташқари учинчи бетайинга илакишиб қолди. Ҳаррига нима дейишимниям, қизимни қандай оқлашимниям билмайман. Ҳозирча ҳеч нарса демаганим маъқул. Яхшиси, хатни ўзи ўқиб, ўйлаб кўрсин.

Ҳа, худди шундай қиламан.

*

- Хатни ўқидингми?
- Ўқидим...
- Унда бирор нима десанг-чи!
- Хўш, нима дейишим керак?!
- Нима бўлгандаям қизимиз, ахир...
- Ҳа, шундай, қизимиз... Лекин унинг қилиқлари, бемаъни ҳаёти ҳиқилдоғимга келди.
- Шундай дейишингни билардим.
- Унда нега сўраяпсан?
- Демак, бормаимиз, шундайми?
- Йўқ, нега, сен боришинг мумкин. Лекин мен бормаيمان. Арзанда қизингнинг қай гўрлардан топиб олган янги бир қаллиги билан танишмоқчи эмасман.
- Қизимиз эндигина ўттиздан ошди. Балки ҳали...
- Нималар деяпсан, яқинда қирққа чиқади. Бу навбатдаги аҳмоқгарчилигидан бошқа нарса эмас. Нега энди қайта-қайта турмуш қуриши керак? Шунчалигам калтафаҳм бўладими одам?
- Биз ҳам турмуш қурганмиз.
- Ҳа. Фақат бир марта. Биз севишиб турмуш қурганмиз.

– Севишиб?..

– Ҳа, шундай эмасми?

– Бу ҳақда сен билан қирқ йилдан сўнг баҳслашмайман.

– Бўпти, сен бораверишинг мумкин, мен бўлсам ўша Баседовни кўргим келмаяпти.

– Бредов.

– Бредов, Баседов. Осси¹ ёки?..

– Бўлиши мумкин. Бунисини билмадим. Ҳарри, унинг пули кўп, деб ёзибди қизинг. Балки, энди... бекаму кўст яшар...

– Уни қара-я! Бекаму кўст яшаш учун ўшанга муҳтож бўлиб қолибдими? Ахир ўзининг ҳам маълумоти бор-ку!

– Маълумоти?.. Тўғри, бир эмас, учта дипломи бўларди, агар учала ўқишини ҳам ташлаб кетмаганида. Устига-усти фарзанди бор, уни деб тиним билмайди, бечора, ўзинг биласан-ку, бола боқиш осон иш эмас. Бирор-та бойга илакишса нима бўпти?..

– Анови Шлуффидан кўра яхшироқ демоқчисан-да?

– Шлуффман эди фамилияси. Эй худойим-ей, йигирма йиллик гапни кавлама, у пайтларда қизимиз энди ўн етти ёшда эди, Ҳарри.

– Ўша Шлуффиси билан Ҳиндистонда тўй қилганди. Яна нимаям дейиш мумкин.

– Хўп, майли. Нима бўлганда ҳам, мен бораман.

...

– Тўй қачон ўзи?

– Кузда.

– Лайпцигдами?

– Ҳа.

– Анови Оссимида? Пул топишдан бошқа яна қандай ҳунарлари бор экан?

¹ Осси (нем. Ossi) – Шарқий германиялик (сўзлашув услуб.)

- Бу ҳақда ёзмабди.
- Шунақа дегин. Демак, яна бир балоси бор.
- Ҳозир ақлдан оздирасан мени, Ҳарри. Ўтирсанг-чи, жўялироқ гаплардан гаплашайлик.
- Мен беҳуда вайсамаяпман. Бир нимани биламанки, гапираман. Лаура ҳақида ҳеч нарса ёзмабдиям.
- Ёзибди. Лаура Франк билан тил топишиб олганмиш.
- Яна қанақа Франк?
- Бредовда.
- Франк Баседовми?
- Йўк, БРЕДОВ!
- Эй, Яратган Эгам, нима қилишни ҳам билмай қолдим. Қиз меники-ю, набира иккимизникими? Бу гапларнинг ҳеч бирини ҳазм қилолмаяпман. Тушуняпсанми?
- ...
- Лоре, тушуняпсанми?
- Ҳа. Албатта.
- Кўрдингми!

2. ҲАРРИ

Ҳар сафар Глорияга боғлиқ бирор кўнгилсизлик юз берса, Лоре кўпинча: “Ҳарри, қаерда хато қилдик экан?”, – деган саволи билан таъбимни хира қиларди. Яратганга шукрки, ҳозир бунақа гаплардан қулоғим тинчиган.

Лоре, биз ҳеч қаерда хато қилганимиз йўқ! Вояга етган фарзандлар ҳаётда тўғри йўл топиполмаса, бунга фақат тарбиядаги хатолик сабаб деган гапларга қўшилмайман. Биз Глорияга эркинлик бериб қўйдик. Ҳар доим фикрини инобатга олдик, ўз ихтиёрига қўйиб бердик. Ҳеч қачон раъйига қарши чиқмадик. Ҳеч нарсага зориқтирмай ўстирдик. Глориянинг хатоси - буларнинг қадрига етмагани. Бу кундек равшан ҳақиқат.

Эндигина йигирмага қадам қўяётган Глория Ҳиндистондан қайтиб келган кунлар эди. Суҳбат асноси: “Қизим, пианинони жуда яхши чалардинг, давом эттирмаганинг ёмон бўлди-да”, дедим. Унга бу қобилият кимдан ўтганлигини билмадим-у, аммо ўта иқтидорли эди. Ниҳоятда ёқимли куйлар, оҳанглирида сеҳру жозиба мужассам эди. Шунда у шартакилик билан: “Қаттиққўлроқ бўлишингиз керак эди!”, – дея айбни ўзимга ағдарди. Ана холос! Суюкли қизалогимизни бирор нимага мажбурлай олганимизда, буни шахсан ўзим биринчилардан бўлиб амалга оширган бўлмасмидим? Қаттиққўлроқ бўлиш... Қанақасига? Нима, уни калтаклашим керакмиди?! Жазолабми ёки бўлмаса эркини чеклаб қўйиш биланми? Мактабни тугатишига мажбурлашимиз керакмиди? Уша лўттибоз Шлуффи билан Ҳиндистонга кетишига тўсқинлик қилганимизда нима бўларди? Кейинроқ бир бетайиндан иккиқат бўлиб қолганида ҳомиласини олдириб ташлашга ундашимиз даркормиди? Йўқ, асло, биз

бундай қила олмасдик. Биз учун катталарнинг сўзи қонун бўлган, уруш азобларига дош берган оила тарбиясини кўргандик. Машаққатли дамларда Лоре иккимиз доимо елкадош бўлдик. Албатта, Лоре қизимизнинг доимий сирдоши эди. Эҳтимол, у қизимиз нимада хато қилган бўлиши мумкинлиги ҳақида обдон ўйлаб кўриб, сўнг биз қаерда қаерда адашганимизни айтаётгандир.

Шундай қилиб, Франк Бредов. Мендан атиги ўн ёш кичик, биз ҳали танишиб улгурмаган бу йигит ҳақида бугунгача ҳеч қандай гап-сўз йўқ эди, ҳатто қизимизнинг ўзи уни ярим йил олдин ҳам танимасди. Франк Бредов, Лайпциг, сентябрь ойида никоҳ маросими, дабдабали тўйга таклифнома... Буни жиддий қабул қилиш керакми? Бу унинг учинчи турмуши бўлса, устига-устига бунчалик сохта дабдаба! Тўғриси, ақлим шошиб қолди. Франк Бредов. У ҳақда интернетдан баъзи маълумотларни олдим. Шундай қилиб, бўлажак куёвимизнинг отаси Экхарт Бредов – “Бредов Ҳамбург қурилиши” (ВВН) фирмаси хўжайини, кўчмас мулк эгаси, қўл остида бир минг икки юз киши ишлайди. Унинг ўғли Франк Бредов ёш ўринбосарлардан ва яна Лайпциг шаҳридаги ВВН шохобчасининг бошқарувчиси, қўл остида тўрт юзта ишчиси бор. Демакки, азизам Лоре, бу олифта Шарқий Германиядан бўлиши мумкин эмас. Лайпциг... Дарвоқе, қурилиш идорасидаги ҳамкасбим Поленц ГДР ва ГФР бирлашганидан кейин у ерга кўчиб ўтганди-ку! Шунини эслаб, Поленцга сим қоқдим. Ажойиб хабарлар: кескин ўзгаришлар давридан сўнг Бредовлар оиласи грюндерлик² даврига тегишли, жуда катта ер майдонига эга ҳашаматли виллани қўлга киритишга муваффақ бўлган.

² Германияда грюндерлик даври 1870-1871 йиллардаги франк-прусс уруши давридан кейинги ислохотлар даври

Франк Бредов ушбу мулкни ўз номига хатлаб олиб, қайта тиклайди ҳамда отаси тасарруфидаги шохобча сифатида фаолиятини йўлга қўяди.

– Йигит – отасининг меросхўри, – деди Поленц. – Табиийки, Шарқий Германияда бой одамларни хуш кўришмас эди.

Поленцнинг таърифича, Франк Бредов ўзига бино қўйган, турқи совуқ йигит. Яқинда бу димоғдорнинг оғзи куйибди. Дангиллама кошонаси рўпарасига, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуднинг қоқ ўртасига, сунъий майса ётқизилган теннис майдончасини ноқонуний равишда барпо этган экан. Ҳокимият эса буни таъқиқлабди. Ҳозирда у тегишли идоралар билан шу масала юзасидан судлашиб юрибди экан. Поленцнинг айтишича, охиrhoқибат бу йигит теннис майдончасидан воз кечишига тўғри келади, ахир бутун шаҳарни кўчмас мулк бозорига айлантириб бўлмайди-ку!

Сўнгра ҳамкасбим нима сабабдан айнан шу киши билан қизиқиб қолганимни сўради. “У – бўлажак куёвим”, – деб мақсадга кўчганимдан сўнг Поленцни саросимага тушганини пайқадим. Энди бўлса, у айтган гапларини хаспўшлашга урина бошлади. Бу табиий. Поленцга кўп ҳам хижолат бўлмаслигини, бу йигит ўзимга ҳам унча маъқул эмаслигини, у ҳақида бор ҳақиқатни билмоқчилигимни айтиб, кўнглини хотиржам қилдим.

– Ҳа, айтганча, – деди охирида Поленц, – онаси ягона вoрисни дунёга келтиргач, фирма империя деб аталадиган бўлди.

“Империя!” Бу сўз фақат унинггина хаёлига келиши мумкин. Буларнинг ҳаммасини Лорега қачон, қандай қилиб етказишимни билмай қолдим. Эҳтимол, рафиқамнинг тўйга ёмон хаёллардан холи бўлиб бормоғи ҳам яхшидир. Худо кечирсин-у, балки ўзимни касалга солиб оларман. Яна ким билсин?!

– Лоре, у чиндан ҳам бахтини топдимикан? Бу ҳақда билсак бўладими ё бунинг ҳам фарқи йўқми?

– Ўйлашимча, бунинг ҳожати йўқ. Қизимиз бу сафар адашмади.

– Шундай бўлса яхши-ю, бироқ буни қаердан билдинг?

– Ўзи шундай деди.

– Нима, аввалги хушторларига илакишганида ҳам худди шундай демаганмиди?

– Демаган.

– Йўғ-э?

– Бунчалар мижгов бўлаверма. Қизимиз улғайиб, ақли тиниқлашганини тушун, ахир. Телефондаги гапларидан буни илғаб олиш қийин эмас. Авваллари бундай эмасди.

– Ростданми?

– Бир сафар унга кутилмаганда қаршингда ўзига тўқ йигитнинг пайдо бўлиши қандайдир муаммолар пайдо қилмаяптими, деб сўрадим. У бўлса: “Ойижон, Франк шунчаки ўзига тўқ эмас, балки бойвачча, ўта давлатманд, аммо бу тафовут бизга муаммо туғдиргани йўқ”, деди.

– Шунча мол-дунё унга осмондан тушибдими? Ё меросми?

– Шундай деса ҳам бўлаверади. Отаси Ҳамбургда қандайдир кўчмас мулклар билан шуғулланаркан. Франк эса унинг ягона фарзанди, устига устак унинг ҳам Лайпцигда фирма шохобчаси ва ҳашаматли вилласи бор.

– Ўша виллада яшашадими?

– Ҳа, албатта. Франк, Глория ва Лаура. Яна хизматчилар ҳам.

– Хизматчилар ҳам? Ўша эрка қизалоғимиз хизматчилар билан тил топишиб кета олармикан?

– У ҳам вақти келиб улгаяди, Ҳарри. Вилла жуда катта, таъмирланган, атрофи гўзал ҳайкаллар билан безатилган, катта ери, отхоналар, гўзал сайргоҳ, яна назоратхонаси ҳам бўлса керак. Тасаввур қилиб кўр-а, уйи олдида шахсий теннис майдони ҳам бор экан.

– Аҳоли яшайдиган жойнинг қоқ ўртасидаги ҳайкаллар билан ясатилган вилла олдида-я?

– Ҳа. Нима қипти?

– Лайпцигда одамлар истиқомат қиладиган жойнинг қоқ марказида шахсий теннис майдончаси бўлишига рухсат этилиши мени таажжубга солган бўларди.

– Ўйлашимча, бироз қаршиликлар ҳам бўлган, лекин Франкнинг ҳамма ерда танишлари етарли, у бу майдонни қандайдир “Майсазорларни хусусийлаштириш” деб эълон қилмоқчи. Қизиқ-а, шундай эмасми? Майсазорларни хусусийлаштириш. Никоҳ кечасида буни ҳам нишонлашди. Глория Франкка тўй совғаси сифатида баланд кузатув ўриндиги совға қилмоқчи.

– Баланд кузатув ўриндиги? Нима, у овга ҳам бориб турадимми?

– Йўғ-ей, у теннис майдончасида ҳакам ўриндиги бўлиб, мабодо Глория ким биландир теннис ўйнаса, Франк ўша юқори ўриндиқда ўтириб ўйинга, нима дерди, ҳакамликми ё ҳисобчими, шунга ўхташ ишни қилиши учун.

– Худди ҳукмдор ўз тахтида салтанатига юқоридан назар солиб, баҳо берганидек.

– Ҳарри, личингларингни кўп ҳам тушунавермайман.

– Бу ҳолат сурат каби кўз олдимда гавдаланди. У баландми ё пастми?

– Ўртача, теннис майдонига мос деб ўйлайман.

- Ана холос, мен бўлажак куёв ҳақида сўраяпман.
- Куёвнинг бўйи бироз пастроқ ва тўлачадан келган.
- Глория шундай дедими?
- Йўқ. Бунинг сенга қандай қилиб айтиш кераклигини билмай турибман, Ҳарри, ҳатто мен ҳам қизимизнинг ҳаётида кутилмаган бундай бурилиш юз берганига ишонқирамай турибман. Барибир хавотирланади-да одам.
- Ҳечам хавотирга ўрин йўқ. Қизимиз энди, сен айтмоқчи, ишончли қўлларда-ку!
- Айнан шу нарса мени ташвишга солади.
- Қизингни турмуш ўртоғининг ким эканлиги эмас, балки биринчи навбатда пуллари қизиқтирган.
- Мен Франкни аслида қандай инсон эканини, Глория ҳақиқий бахтини топганига ишонсам бўладими, йўқми, шуни билмоқчиман.
- Билдингми, ахир?
- Шундай деса ҳам бўлади. Бир пайтлар малака ошириш курсида танишиб қолган, ҳозирда Лайпциг шаҳар кутубхонасида ишлайдиган бир ҳамкасбимга қўнғироқ қилиб, уни сўроққа тутгандим.
- Изқувар Лорегинам, гамхўр она. Хўш, у нима деди?
- Унинг айтишича, Бредовлар оиласини Лайпциг-да деярли ҳамма таниркан. Маҳаллий оила, урушдан олдин амалдорлардан бўлишган. Сўнг муҳожирликда жон сақлашиб, яна қайтиб келишган. Ҳамкасбим Франкни яқиндан таниркан. У ўта олийжаноб, мисол учун кутубхонани қайта қуришга катта маблағ ажратган, шаҳри учун қўлидан келган яхшилиқни қилган, хушфёъл ва ўта мулойим киши эмиш.
- Шу билан бирга паст бўйли ва тўлача.

- Шундай.
- Демак, бўйи Глориядан тахминан бироз пастроқ.
- Эҳтимол.
- Лоре, нима деб ўйлайсан, агар қўшнимиз уйи олдаги катта майсазорда теннис майдончасини қурса...
- Бунинг суҳбатимизга нима алоқаси бор, бу бутунлай бошқа нарса.
- Ўтирган жойимизда теннис коптокчалари қулоқларимиз остидан учиб ўтади. Қўшнимиз эса ҳакамлик ўриндиғида ўтириб олиб, ўн беш, ўттиз, сўнгги копток, дуранг, дея ҳаммаёқни бошига кўтарганча қичқирса-я. Сенга ёққан бўлармиди?
- Албатта, йўқ.
- Балки бу ҳолат Лайпцигдагиларга ҳам ёқмас.

3. ЛОРЕ

Кўнглим нотинч. Балки хурсанд бўлишим керакдир. Ёлғизгина фарзандим бой одамга турмушга чиқаяпти, энди бекаму кўст яшайди. Бечорагина болам. Унга энди кимлардир ғамхўрлик қилади. Қанчалар аҳмоқона?! Одам дегани мустақил бўлмайдами? Глория эса ҳеч қачон бундай қилмаган. У минглаб ишларнинг бошини тутди, лекин бирортасининг уддасидан чиқмади. Фарзандли бўлгач эса, пул топиш учун ҳар қандай ишни қилишга мажбур бўлди. Мана энди бойвачча эр билан ортиқча қийналишига ҳожат қолмайди. Энди ёш ҳам эмас. Шу турмушини ушлаб қолса қолди, йўқса... Эҳ... Йўғ-э, бундай хаёлларга боришим яхши эмас. Бу сафар ҳам ўхшамаса, қизимнинг пешонаси ярқирамаган экан. Аммо эри билан ажрашадиган бўлса, ҳеч қурса мўмайгина товон пулига эга бўлиши мумкин.

Бутун умрим давомида тинимсиз ишладим. Касбимсиз ҳаётни тасаввур қила олмайман. Кутубхонада ишлайман, назаримда кутубхона менга, мен эса кутубхонага керакдек. Бугунгидек адабий кечаларни ташкил этишни ҳеч ким менчалик уддалай олмайди. Бошқа ходимлар жуда ёш, гўр ёки бўлмаса ҳамкасбим Криста каби семиз, аҳмоқ ва ялқов. Криста ҳаминиша ўтириб олиб кавшангани-кавшанган. Ёшим туфайли мени нафақага чиқармоқчи бўлишди. Кейин эса мендан ўн икки ёш кичик Кристани кетказишга қарор қилишди. Ишхонага бирор нафи тегмайдиган ходимнинг жавобини бериб юбориш керак-да. Менинг бўлса ҳали кўп йиллар ишлаш ниятим бор. Ахир уларга керакман. Масалан, Криста Мартиндек катта ёзувчи учун тадбир ташкил қила оладими? Ҳозиргидек пирог кавшаниб юришнигина қойиллатади, холос. У Мартиннинг бирорта ҳам китобини ўқимаган, қиёфасини компьютерда кўрган, холос.

Илгарилари яхши эди. Ҳар бир китоб учун картотекалар очилар, орқасида бу китобдан неча марта фойдаланилгани, кимлар фойдаланганини билса бўларди. Ҳозир ҳаммаси компьютерда. Ҳатто китобнинг ҳам электрон нусхаси бўлармиш. Ё тавба! Бу – янги давр. Ундан қанчалик нафратланаман. Нега энди янгиликларнинг ҳаммаси автоматлаштирилиши шарт?!

Бугун ўзи кайфиятим ёмон. Бунга ҳавоми ёки қаричилик сабабми, биладим. Хуллас, баҳона кўп. Ўзимни ҳорғин ҳис қиляяпман, кайфиятим тушкун. Бироқ буларни ҳеч кимга айтмайман.

Лоре – ҳамisha кучли! Лоре ҳаммасининг уддасидан чиқади! Ҳаррининг ёнида ҳам ўзимни дадил тутишим керак. Ҳаррининг қовоғи солиқ, ҳамма нарсадан норози бўлиб вайсагани вайсаган. Баъзан бу қилигидан газабим кўзийди. Ҳозир ҳам тўйни баҳона қилиб, асабларимни эговламоқда. Қанчалик жонга тегди бу тортишувлар? Баррибир, мен билан бирга боради. Тўй ҳақида ўйлаганим сайин даҳшатга тушаяпман. Лекин бундай гапларни ҳеч кимга, айниқса, Ҳаррига айтиш мумкин эмас.

*

– Ҳарри, биласанми, тўйдан ростдан ҳам хурсандман.
– Шунга мени ишонади, деб ўйляяпсанми? Сени нима хурсанд қила олишини билмайди, деб ўйлайсан, шекилли?
– Тўй чинданам зўр ўтади. Ҳаммаси ажойиб бўлади.
– Одамлар чиройли нутқлар сўзлайдилар..
– Демак, тўйга бирга борамиз-а? Ёлғиз ўзимни юбор-массан?

– Ҳали ҳеч нарса деёлмайман, Лоре. Эртага Глория билан қўнғироқлашиб кўрай-чи. Бу билан унинг кайфиятини текшириб кўраман.

– Шунга бугун қилсанг бўлмайдими?

- Иложи йўқ.
- Нега?
- Бугун Эде билан гольф ўйнамоқчиман. Кайфиятим бузилишини хоҳламайман.
- Ҳаммасини олдиндан биладигандек гапирасан-а, қизимиз билан гаплашиш наҳотки кайфиятингни бузса?
- Илтимос, Лоре, тортишмайлик.
- Аччиқ бўлса-да, бу ҳақиқат-ку. Сен доим ҳамма ишни бузиб юрасан. Шуни биласанми ўзи?
- Қачон, нимани бузибман?
- Ҳаммасини. Мана ҳозир кайфиятимни бузаяпсан.
- Ўзи кун бўйи кайфиятинг ёмон эди. Ҳозир кетаман, ёлғиз ўзинг ўтиравер.
- Бу кайфиятимдан эмас. Жаҳлим чиқаяпти.
- Нимадан? Яна мен айбдордирман?
- Жаҳлим чиққани, ҳозиргина сенга бугун ишхонамизда тадбир бўлишини айтдим. Мен билан борсанг қандай яхши бўларди. Бироқ сенга мендан кўра гольф афзал. Биров эшитса ҳайрон бўлади. Ҳарри гольф ўйнармиш!..
- Қанақа тадбирни айтаяпсан?
- Қўявер... Бугун кутубхонамизда Мартин билан учрашув бўлади.
- Ким у Мартин?
- Эй худойим, бу қандай савол? Мартин Вальзерни айтаяпман.
- Вальзерми? Нима сабабдан?
- Нима сабаб бўларди. Янги китоби тақдимоти бўлади. Сен эскиларини ҳам билмасанг керак. Ахир, китоб ўқимайсан-ку. Сен шўрликка гольф бўлса бўлди.
- “Қочоқ от” ини ўқияпман-ку...
- “Қочоқ” эмас, “Учар от”.
- Хўп, ана “Учар от” ҳам дейлик. Шунисини ўқияпман-ку.

- Бу китоб чоп этилганига анча бўлган.
- Қачондан буён китобнинг янги, эскилиги аҳамият касб этадиган бўлиб қолди?
- Китоб ўқимайсан ҳам, қизиқмайсан ҳам, савиянг пайсайиб кетяпти.
- Ҳали савиямга шубҳа қиляяпсанми? Ўзи биргина сен ақлли бўсанг, ҳамма нарсани билсанг бўлди-да.
- Сен-чи, умуман ўқимайсан. Шунини тан оларсан?
- Ҳар куни газета ўқийман-ку.
- Ҳа, “Спорт” ними. Бу мутолаа ҳисобланмайди.
- Ундай эмас. Сиёсатга оид янгиликларни ҳам ўқиб тураман. Спорт билан ҳам шуғулланаман.
- Гольф рўйхатингдан қолиб кетмасин.
- Эй, намунча гольфга ёпишиб олдинг?
- Энди фикримни ўзгартирдим, демагин.
- Эде билан тоза ҳавода бўлишни хоҳладик, ўзинг ҳам шуни истардинг-ку. Кўм-кўк майсазор устида чиройли коптокчаларни соатлаб у ёқдан бу ёққа думалатиш бирам мароқли. Нимага бунга қаршилиқ қиласан, билмадим.
- Бу машгулотингни Глориянинг вилласидаги теннис майдонида қилсанг ҳам бўлади.
- Бу бошқа масала.
- Нега энди?
- Лоре, қўй энди шуни. Мен кетдим.
- Бугун уйга кеч қайтаман.
- Мен ҳам.

4. ҲАРРИ

Мартин! У ҳам гольф ўйнармикан? Қаёқда, бунга вақти бўлмаса керак, чунки китобларини ивирсиб ётган кутубхоналарда тарғиб қилиб, бутун ўлкани бошдан-оёқ изғиб чиқмоғи керак. Бундай тадбирларни кўргани кўзим йўқ, шунга ўхшаш маърузалардан нарироқ юришга ҳаракат қиламан. Китобхонлар! Олмон тили ўқитувчилари, касбхунар ўргатувчи хонимлар, туппа-тузук рафиқам Лорегга ўхшаш аёллар... Яна улар маданият арбоблари эмиш!.. Лоренинг шундай тадбир бўладиган кунларда тонгданок ўзини қўярга жой тополмай юришларини жиним суймайди. Ўша бетайин муаллиф қаерда ҳордиқ чиқаради, нимани севиб истеъмол қилади, гўштни хуш кўрмайдиганлар тоифасиданми, нафси пиводан кўра винога ҳакалак отиб кетганми, чойни ёқтирадимми ёки қаҳваними ва яна шунга ўхшаш икир-чикирлар ҳақида қайғуришга Лоредан бошқа ҳеч ким йўқдек. Сўнгра меҳмонхонага боради-да, мутолаа учун олтишлик чўгланма стол лампаси ҳамда илтифот билан битилган “Хуш келибсиз!” лавҳасини унинг хонасига жойлаб келади.

Қош қорайгач, ўзига оро берган Лоре кечада ҳаяжон билан ижодкор ҳақида Википедиа сайтидан олган аллақандай маълумотларни бор овозда ўқиб беради. Кейин энг олдинги қатордан жой эгаллаб, гўё ижодкор унга барча эзгуликларни тилаётгандек диққат билан қулоқ тугтиб ўтиради.

Лоре бир вақтлар ўшалардан биттасини севиб қолганди – шунга ҳам роппа-роса ўн беш йил бўлди. Рафиқам эликни қоралаб қолган, у эса йигирма ёшли шоир эди. Исми ёдимдан кўтарилибди. Ўшанда Лоре бошқача бўлиб қолган: номига хат келиши биланоқ ўз

хонасига равона бўлар, сирли телефон қўнгироқлари чеҳрасини муҳаббатнинг анвойи тусларига солар, авваллари доимо кераксиз деб қоралаган, аммо кейинроқ тез-тез қатнай бошлаган малака ошириш семинарлари кўпайган, ҳамма ёқни эса бир қанча қисқа мисрали тушуниб бўлмас шеърлару, севиклисига бағишлов номалари босиб ётарди. Бироқ кун келиб, буларнинг бари саробга айланди-қолди. На дил изҳорлари битилган номалар, на муҳаббатнинг жарангдор оҳангига айланган қўнгироқлар ва на семинарлар давом этди. Ўшанда рашкнинг беаёв исканжасида тўлғанаётган вужудимнинг азобини еттинчи осмонда учиб юрган Лоре қаердан билсин? Биз бу ҳақда ҳеч қачон оғиз очмадик. Вақт ўтгач, ҳаммаси ўз изига тушди. Бир муддат эҳтиросларимизни қондириш ҳам, ишқий алоқаларимиз ҳам кўнгилдагидек кечди.

Лоре адабий кечалар вақтида ўзини бошқача тутар, ҳаяжонга берилар, кутубхонадаги ролини ортиги билан ўйнарди. Гўё усиз ҳеч нима амалга ошмайдиган, унинг назаридан қолганларнинг бари ҳеч нимани тушунмас ёки бўлмаса аҳмоқ ва яна ялқов эди. Айтишича, ўрнини ҳеч ким босолмас эмиш. Бир неча ойга ўз ўрнини бўш қолдирса, гўё ҳаммаси издан чиқиб кетади-да, кутубхона, ундаги китоблар, муаллифлару китобхоналар учун қоронғи кунлар бошланади. Аммо унинг ҳамкасблари тиниб-тинчимас бу билагонни иложи бўлса, бугуноқ нафақада кўришни исташарди.

Ростини айтганда, бу масалада режалар тузиб қўйгандик. Мендан бир йил кейин у ҳам нафақага чиқиши керак эди. Кейин дунё бўйлаб саёҳатга чиқмоқчи, жанубий ўлкаларни бир муддат макон тутиб, ҳатто сеҳрли диёр – Американи ҳам бориб кўрмоқчи эдик. Ҳаётимизнинг шу онигача нималарни орзу қилган бўлсак, барини рўёбга чиқармоқчи эдик, аммо бари рўёга айланди-қолди. Икки

йилдирки, нафақадаман, кун бўйи уйда ёлгизман. Майли, ҳаётдан зерикканимча йўқ ҳали. Ўтаётган онларимдан мамнунман. Бутун оламга татигулик боғим бор, ахир.

Кейинги пайтларда шундоқ ҳам қурилиш идорасига оёғим тортмай қолганди. Ёш, илмий даражаси бор ҳамкасблар ҳамда бемаъни меъморлар билан тупрогим бир ердан олинмаган. Яхшиси, боққа қарайман, гуллар ўстираман, уй атрофини гуллар билан безатаман. Бу ишлар билан доимо банд бўлиш мумкин, шунингдек, қизиқишларимга вақт ажрата оламан, оғайниларим билан учрашаман. Мисол учун, Эде билан охирги пайтларда гольф ўйнаб турибмиз.

Ётиги билан ўйлаб кўрадиган бўлсам, Лоренинг нафақага чиқишини хоҳлайманми, йўқми, билмайман ҳам. Мабодо, рафиқам ҳам уйда бўлса, нонуштадан сўнг пешингача газета мутолаа қилиш одатимни ташлашимга тўғри келади, деб қўрқаман. Ўртамизда майда-чуйда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Хўш, шундай бўлишини истармидим?

Ўша гольф ўйини Эде билан бўлган гаров туфайли эди, у ютқазди ва шартга кўра, ўн соатлик ўйин ҳақини тўлади. Бизга ажратилган вақтнинг олти соати ҳам ортда қолди, бироқ бу мен учун эмас экан. Бу кексалик инжиқлиги эмас. Буни шунчаки бемаънилик деб биламан, у ердаги одамлар ҳам бемаъни.

*

– Биласанми, Лоре, мабодо ҳозирнинг ўзида томоша кўрсатмоқчи бўлсанг, ғирт бемаънилик бўлади. Кимки Германия социал демократик партияси ёки бўлмаса атроф-муҳитни ҳимоя қилувчи “Яшилар” партиясига аъзо бўлса, уларга гольф ўйини таъқиқланади.

– Ўзинг ҳамиша гольф ўйнаганларга ва “Мерседес” эгаларига қарши эдинг-ку. Энди эса ўйиндан бўшамай қолдинг, “Мерседес” да ҳам юрибсан.

– Буларнинг ҳар иккаласи ҳам сиёсий қарашларимга хиёнат дегани эмас.

– Ҳар ҳолда маданиятли инсонларнинг гольф ўйнаганини билмайман.

– Қўйсанг-чи!

– Бирортасини ҳам.

– Мартин бундайлар тоифасига кирмайди, шундайми?

– Вальзерми? Ҳеч қачон!

– Эденинг айтишича, Болтиқ денгизи бўйида ажойиб гольф майдонлари бор эмиш.

– Эде!

– Уни қоралаяпсанми?

– У овсар-ку!

– Ҳечам ундаймас.

– У маданиятдан анчагина йироқ ва яна...

– Ё худойим, у тиш доктори, унда нима қасдинг бор?

– Умри бино бўлиб, бирорта китоб қўлига олганмикан?

– Ҳа, олган, ўқиган. Бири – дурагайлаш усуллари ҳақида, иккинчиси – гольф тўғрисида.

– Кутилган жавоб.

– Охирги йилларда Эде ўзгарди, унда ўсиш даври бўлди.

– Қара-я, буни пайқамабман ҳам.

– Германия Озодлик партиясидан “Яшиллар” гача – бу ҳеч нима эмасми?

– Ҳа, бу – унинг обрўси, аммо...

– Эде сиёсатдан хабардор, у билан нафақат яхшигина суҳбат қуриш, балки бугунги сиёсат ҳақида баҳслашиш мумкин. Ҳар ҳолда у кўзини гафлат босган ҳамкасбларингдан ақллироқ. Унинг устига на “Тутқич бермас тулпор” китобини ўқийди ва на Вальзернинг китобхонлик кечасига боради.

– Шу жумладан, сен ҳам.

– Мен...умуман олганда бориш ниятим ҳам йўқ эмас.
– Нега энди тўсатдан қароринг ўзгариб қолди?
– Ўша илҳом париларига ошно шоир жанобларига бир неча саволларим бор эди.

– Ўтинаман, Ҳарри, мени уятга қўйма.
– Азизам, бундан қирқ йил муқаддам олмон талабалар ижтимоий уюшмасига аъзо бўлгандим, Эде эса насроний талабалар иттифоқи таркибида эди, ўшанда Вальзер Олмония Коммунистик партияси аъзоси бўлмаса-да, улар билан ҳамфикр эди. У ўзининг “Аниқлик” асарида собиқ ГДР шаънини кўкларга кўтарди. Бугунги кунда мен ва Эде “Яшиллар” партияси тарафдоримиз, гольф ўйнасак-да, барча воқеа-ҳодисаларга ижтимоий адолат назари билан баҳо берамиз. Вальзеринг бўлса, бугун “Сименс” фирмаси иш юритувчилари миллионлаб маблағларни ўмариб, порахўрлик қилиб ётган, немис ҳукумати халқнинг сўнгги чақасигача шилиб олаётган, одамлар маблағларини Лихтенштейн банкларига қўяётган бир паллада ҳаммаси жойида, деб ҳайқирапти.

– Бу гапларни қаердан олдинг?

– Бу маълумотларни газетада ёзишади – китоблар-дамас.

– Бунисидан хабарим йўқ эди.

– Сенинг ўша севикли Мартининг яхши ёзувчи бўлиши мумкин, бироқ сиёсий қарашларини оладиган бўлса, бир чақага арзимайдиган одам.

– Буларнинг бари ижодкор учун аҳамиятсиздир.

– Мулоҳазаларинг таҳсинга сазовор. Ҳа, айтганча, эртага сўнгги маротаба гольфга бораман ва шу билан сенинг таъбиринг билан айтганда, аҳмоқона фаолиятимга нуқта қўйилади.

– Хайрият, баъзан тўғри қарорлар ҳам қабул қиласан.

5. ЛОРЕ

Аслида, бунчалик куюнмасам ҳам бўлади. Биламан, Ҳарри ҳақ. Ҳар доим ҳам эмас-у, лекин кўпинча унинг баъзи масалаларда ҳақлигини тан олмай иложим йўқ. Вальзер масаласида тўғри айтади, лекин нима қилай, асосан ёзувчиларни ёқтираман. Шоирларнинг ҳаммаси мен учун шоир. Дарвоқе, биз уларсиз нима қилган бўлардик? Дунё санъатсиз, маданиятсиз қандай кўринишда бўлган бўларди? Ҳарри буларсиз ҳам соғлом фикр юрита оладиганлар тоифасига киришини доим таъкидлайди. Унга пиво, тамаки, газета, боғ ва тоза ҳаводан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Баъзан қовурилган юмшоқ чўчка гўшти ва бир бўлак мазали қотган нон ҳам унинг қувончига сабаб бўлиши мумкин. Эркакларнинг хурсанд бўлиши осон-да. Менга эса ҳаётдан мамнун бўлмоғим учун кўп нарса керак. Ҳамиша гўзалликка, чиройли муסיқага эҳтиёж сезаман. Баъзан нималарнидир истайман, аммо нималигини билмайман. Ҳеч қачон Ҳаррига ўхшаб хотиржам бирор муқим машғулотга вақт сарфлай олмайман. Мана, у ҳозир ҳам ёнимда ўтирганча бутун диққатини “Франкфуртер Аллгемайне” газетасидаги спорт янгиликларига қаратган. Ўша газетадаги фельетонни ўқиб, ишлар ёмонлигини ҳис қилдим. Худди Криста Вольфнинг “Ҳеч бир ерда” китобидагидек. Газетанинг охириги бетида таъзияномаларга кўзим тушди: Верена Берг оламдан ўтибди. Верена...

У илгари бизга яқин жойда яшарди. Ҳалигача негадир ўша аёл билан Ҳарри ўртасида нимадир юз берган деб ўйлайман. Шу ҳақда гап бошланса, Ҳарри ҳамиша инкор этарди. Аммо аёл киши бундай нарсаларни ҳис қила олади. Ҳа, майли, бунга ўн йил бўлди, энди рашк қилмайман, бироқ ўшанда қалбим қаттиқ яраланганди. Верена Берг.

Семиз, қизил сочли шоира эди. Ўшанда Ҳарри тўсатдан шеърлар мутолаа қила бошлаган, менга ҳам унинг асарларидан ўқиб берар, ўқиётганида кўзлари порлаб кетарди. “Ажойиб шеърлар-а, тўғрими? – дерди тинмай, – бирикки жумлада бутун бошли ҳаёт квинтэссенция³ си берилган-а?”

“Ҳа, зўр”.

Келиб-келиб Ҳарри шеъриятга қизиқиб қолса-я! Унга неча марта шеър ўқиб беришга уринганман, эътибор бермаган, умуман эшитмасди ҳам, шеъриятни бўлмагурлик, деб ҳисоблаб келган. Тўсатдан... Верена Берг. Квинтэссенция эмиш. “Мен ҳеч вақосиз, бўшлиқ узра...” шунга ўхшаш ҳавойи сўзлар.

Энди у вафот этибди. Бизнинг авлодга ҳам навбат яқинлашиб қолибди-да. Эримга бу хабарни айтсаммикан, деб ўйлаб қолдим. Барибир, бу саҳифаларни ўқимайди. Ўлим тўғрисидаги хабарларни одатда мен ўқийман. Мана яна биттаси: мен билан бир кунда туғилган эркак ҳам вафот этибди. Кун бўйи ёмон кайфиятда юрдим. Умрим поёнига етиб қолибди-да...

Ўта ҳолдан тойган, гамгин, ҳафсаласи пир бўлган одамдекман. Айни дамда ҳеч нарсага ишонмасдим, бахтга ҳам, ўзим соғинган гўзалликка ҳам бефарқ бўлиб қолдим. Ҳеч нимани ўйлаб куюнмаяпман. Ҳарри эса пивосини ичганча, кайфи чоғ ўтирибди. Шу дамда фикримдан қайтдим. У соғлом турмуш тарзи кечирмайди. Демак, мендан олдин бу дунёни тарк этади, кейин-чи? Умуман олганда, унинг гольф ўйнашидан қувонишим керак. Ҳеч бўлмаса шунинг учун кўчага чиқади, бироз ҳаракат қилади.

³ Квинтэссенция – бу ерда: асосий моҳият, мағиз

- Халал бермайманми?
- Хўш?
- Ўлим тўғрисидаги хабарларни ўқигандим.
- Қўйсанг-чи, бунақа гапларни, Лоре, нуқул газетанинг совуқ хабарлари сени ўзига тортади-я.
- Баъзан биз таниган одамлар ҳам бўлиб қолади шундай жойларда.
- Хўш, бугун кимдир бор эканми?
- Ҳа.
- Айт-да, бўлмаса.
- Верена.
- Верена. Ким у Верена?
- Буни сен сўраялсанми? Ҳаётингда нечта Верена бор ўзи? Берг. Верена Берг.
- Йўқ, бўлиши мумкин эмас.
- Бўлиши мумкин. Кўрдингми, сенга барибир эмас.
- Бу нима деганинг? Уни нафақат мен, балки сен ҳам танийсан, шунинг учун... Кўрсат-чи, қаерда ёзишибди?
- Мен ўқиб бера қоламан: “Мен қўрқинчли бир махлуқ эмасман, ажина ҳам эмасдирман, қаршингда улкан қалб соҳиби турибди”.
- Унинг мисраларими?
- Эй Худо, йўқ. Ҳюго фон Ҳоффманстал-ку бу, давом этайми?
- Майли. Неччига кирган экан?
- Буни билсанг керак. Ахир, маъшуқанг эди-ку.
- Лоре!
- Хўп, хўп. “...Яратган суюкли бандаси Верена Бергни ҳузурига чорлабди. У олмиш икки ёшида ўз ажали билан вафот этди. Жойи жаннатдан бўлсин”.

– Верена. Олтмиш икки ёшида? Шундай гўзал, кучли аёл-а? Саратон бўлса керак!

– Уни ўшандан бери кўрмаганмидинг?

– Йўқ, нега энди кўришим керак? У узоқ йиллар давомда хорижда, менимча Францияда яшади.

– Женевада. Конрад ким?

– Билмадим. Турмушга чиқмаган. Акасидир балки.

Оҳ, Верена. Қанчалик оғир...

– Гапингга ишонаман.

– Бу нима деганинг, ачинмаяпсанми, ахир? Танишимиз оламдан ўтди-ку.

– Мен унчалик таниш эмасдим. Уни сен яхши танийсан. Жуда яхши танирдинг.

– Ошириб юборяпсан. Тан оламан, уни ёқтирганман. Глория тугилгач, орамиздан гап қочган эди. Ўша пайтлардагина у билан онда-сонда учрашиб турганман.

– Ундан кейин учрашмаганман, дегин.

– Йўқ, асло.

– Бунга ким ҳам ишонар эди?..

– Эй Худойим, Лоре, неча йилдан бери шу рашк билан яшаяпсан? Ўттиз йилми, юз йилми, мана яна бошладинг.

– Бошлаётганим йўқ, ўзинг-ку ҳаммасини кавлаштираётган.

– Нимани бошляяпман? Аёлларни ёқтиришни-ми?

– Ёқтириш яхши. Мен бола боқиб ўтирганимда, сен...

– Биласанми, Лоре, бунақа гиди-биди жонимга тегди. Ташқарига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олиб келай.

6. ҲАРРИ

Тўғриси яна айтганда, бу ҳол одамнинг кулгисини қистатади. Мана турмуш қурганимизга қирқ йил бўлибди ҳамки Лоре ана шундай бўлар-бўлмас рашкли киноялари билан мени ўзидан узоқлаштириб келади. Лорени нимага бунчалар ҳар сафар нишини санчиши сабабини тушунмайман. Ҳар ҳолда бу рашк изтироби эмасдир. Бунга унинг асоси ҳам йўқ. Ўқтин-ўқтин Лоренинг кўнглини тирновчи кунлар ҳам алақачон ўтмишга айланиб улгурган. Умримизнинг сўнгги чорраҳаларида турмушимиз елканли қайиқ мисол ҳаётнинг очиқ денгизи узра сайрга чиққан. Лоре хонимнинг ўша ёш шоир йигитча билан бўлган қайноқ ишқий муносабатлари ҳам қўл тегса парчаланиб кетгудек нозик турмушимизга раҳна солмаган, ажралиб кетишимизга сабаб бўлмаганди. Унга ўзи нима тинчлик бермаётган экан? Баъзида у ҳаётини бошқа бир инсон билан ўзга бир оламда бўлишини хоҳласа керак, деб ўйлаб қоламан. Унинг қандай инсон эканлигининг аҳамияти йўқ, аммо у ким бўлишидан қатъи назар Лоренинг қизиқишлари билан бирдек нафас олмоғи, баъзида ўзи таъкидлаб турувчи қалби санъатга ошнолардан бўлиши ва яна мисол учун Пиза (Италия) ўлкасида навбатдаги энг яхши майхонани зиёрат қилмайдиган, аксинча рафиқам билан черковма-черков кезувчи инсон бўлиши даркор. Мен эса унга ҳаёт шони чоғида гўзал санъат фаслини тухфа этолмас кимса бўлсам керак. Афсуски, буни Лоре кеч пайқади. Мен шунчаки меҳмонхоналарнинг қалбим сизмас ётоқхонаси, тор йўлаккли поезд ва самолётларда ўзга ўлкаларга саёҳат қилишни хуш кўрмайман. Бир сафар Истанбулга саёҳат қилган эдик. Ўшандан буён қанча вақт ўтди. Чамаси саккиз, тўққиз йил аввал. Ўшанда икки-

миз бир аҳволдаги бозорларнигина оралашга вақт топгандик. Исландия-чи, атиги бир ҳафта, у ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Ижарага олган машинани бошқариб борарканман, Лоре Ҳаллдор Лакснесснинг сохта ҳиссиётлар битилган асарини тинмай мутолаа қиларди. Эндиликда жон деб қадрдон боғимда тер тўкаман. Кўнгилим риштаси боғланган бу бир парчагина табиат бўлагидан атиги бир ҳафтагина йироқлаб кетсам ё бўлмаса Crocostia⁴ чечаклари кўз очганининг гувоҳи бўла олмасам, вужудимни олов мисол изтироб қучар, дунёнинг қайсидир бурчагидаги катта бутхонада бўлсам-да, арзимаган шиллиққурт найзагулни еб қўймадимикан, деган ўйдан безовта бўламан.

Ишончим комил, Лоре ҳаливери севикли кутубхонасидан воз кечмайди, чунки у кексаликда қилган ниятлари, саёҳат қилиш ҳамда умри давомида улгурмаган ишларга улгуриш... буларнинг бари амалга ошмай қолишидан чўчийди. Кўҳна Рим, ҳашаматли Санкт Петербург кўчалари, ижод ўчоғи Ваймарни кўрмоқчи, лекин фақат менсиз, ёлғиз ўзи сафарга чиқмоқчи. Бир вақтлар шоира аёл билан боғлиқ бўлган ишқий саргузаштларимни Лоре қалбининг туб-тубида сақлаб келаётганининг ўзи қулгили бир ҳол. Ҳа-я, мен Эрнст Янделнинг⁵ Оттос Мопс номли шеърдан бўлак бирор шеърни ёд билмайдиган, санъатдан йироқ бир кимсаман ахир. Айтганча, Верена Бергчи! Ё худойим, Лоре бундан ўттиз йил муқаддам биз учун қанчалик хатарли бўлган ишқий муносабатлардан беҳабар эди. Ўшанда Верена шаҳар маданият уйига эндигина кўчиб ўтган эди. Мен эса ўша маданият уйининг қайта таъмирланишига масъул эдим ва унга бутун вужудим билан қиршиб кетган эдим. Ўшанда Лоре билан

⁴ Crocostia - сапсаргуллар оиласига мансуб, ватани жанубий Сахара ва Мадагаскар, атаги 7-12 турли мавжуд ўсимлик

⁵ Эрнст Яндел - австриялик шоир ва ёзувчи

турмуш курганимизнинг учинчи йили Веренага боғланиб қолгандим. Тўғри, Лорега бўлган туйғуларим қадрли эди, бироқ Верена юракда ўзгача бир ҳис уйготарди. Иккиси ҳам мен учун азиз, иккиси билан ҳам бирга умргузаронлик қилишга тайёр эдим. Кейин Лоре оғироёқ бўлди-ю, виждон азобида қолдим. Лекин Веренадан воз кечишни ҳам истамасдим, қатъиятсизлигим панд берарди.

– Ўша кутубхоначининг олдига бор, у сенга кўпроқ мос келади, - дерди Верена ҳар гал. Глория дунёга келгач, Веренанинг қайноқ муҳаббати завоқ топди. Мен эса ожиз бир банда...

Узоқ вақтгача бу кечмиш хаёлидан озод бўлолмадим, йиллар давомида Веренани унутолмадим, орқаворотдан ундан хабардор бўлиб келдим. Вақт ўтиб уни йўқотдим. Ё Тангрим, бугун у орамизда йўқ. Ҳа, сен ҳақсан, Лоре, бу мени изтиробга солади, аммо буни сенга очиқ айта олмайман.

*

– Ҳм, сенга нима бўлди ўзи? Балки машмашангни бас қиларсан.

– Унинг хуштори эдинг-ку.

– Ҳечам-да.

– Қўйсанг-чи, бундан деярли қирқ йил аввал ўша Верена билан ошиқ-маъшуқ бўлиб юрганларингни билмайди, деб ўйлайсанми?

– Менга бундай кечинмалар ёт эди. Худо ҳаққи, бас қил.

– Сенинг мана шундай ўжарлигинг мени ҳаддан зиёд газаблантиради. Ростдан ҳам унга ишқим тушиб қолганди, десанг орамиздаги муносабатларга путур етармиди? Яна у бу дунёдан кўз юмган бир паллада-я.

– Лоре!

– Бу ҳам бўлса бир-биримизни қай даражада билишимизнинг бир кўриниши. Сен ҳеч қачон кечинмаларингни очиқ баён қилмагансан.

– Хўш нимани эшитишни истайсан ўзи? Мушоира кечаларининг бирида танишиб қолганимиз, бир ҳафтагина бирга бўлганимизими? Умр бўйи сен билан бир бутун бўлиб яшаб келдик-ку, қанақа айбимга иқрор бўлишим керак?

– Очилиш маросими эди, мушоира кечаси эмас.

– Уни қара-я?

– Тўғриси айт, сен буларни эслашни истамайсан, тўғрими?

– Йўқ, нега энди, аксинча мен...

– Мен сенга фақат Мира ҳақида айтмоқчи эдим.

– Мира?

– Ҳа, албатта Мира.

– Ҳа-я, Мира анави санъатшуносми?

– Уф!

– Мира, ё Парвардигор, оти ўчгур фамилияси нимаиди?

– Буни сен билишинг керак эди, шекилли мен эмас.

– Мира – қандайдир К – Ку – Кусс⁶! Ҳа, Мира Кусс! Унинг тўлиқ исми-шарифи шундай!

– Ажойиб жарангларкан.

– Кусц. Охирги ҳарфлар с ва ц. Кусц.

– Ҳа, ҳар доимгидек уларнинг номини яхши эслаб қоласан-а.

– Ё худойим, уларнинг исмини ёдда тутишимнинг нимаси ёмон?

– Нимаси яхши?

⁶ Кусс - немис тилида “Бўса” маъносини англатади, бу ерда Kuss - Kusz сўз ўйини

– Биз ҳар сафаргидек – айтиш жоиз бўлса, қум солиб тўлдирилган майдончада танишиб қолгандик, ота-онаси югославиялик бўлишига қарамасдан ўшанда улар Олмониядан қўним топишганди. Отасининг ресторани бор эди. Мира Кусц – унинг исми ростдан ҳам шундай эди. Тўғри бу санъаткорга муносиб исм эмасди.

– Ўзи ҳам санъаткор эмасди.

– Аксинча. У расмлар соларди, қолаверса нималарнидир қоралаб, ёзиб юради.

– Маънисиз суратлар-у, ҳеч нимага арзимас шеърлар. Унга қараганда Веренанг ҳам дурустроқ ёзарди. Миранинг шеърларини эса сендан бошқа ҳеч кимнинг эшитишига тоқати йўқ эди. Бари бемаъни нарсалар.

– У ҳатто катта муваффақиятларга эришган, кейинчалик бир қанча мукофотлар соҳибаси ҳам бўлганди.

– Бу ҳақда эшитмаган эканман.

– Чунки айнан унинг шеърлари сенга хуш келмасди. Бироқ бу Мирани ижодкорлар даврасидан чиқариш дегани эмас.

– Шундайми?

– Мира нимагаки қўл урган бўлса, уларнинг бари менга маъқул бўлган.

– Сен эса фақат у туфайлигина кўргазмаларга боргансан.

– Албатта, биз ахир яқин дўст эдик.

– Сен уни эъзозлаб, у қаерга борса, ортидан соядек эргашиб юрсангда, унга етиша олмадинг.

– Эҳ, Лоре...

– У сендан воз кечди ... шундан сўнг менга эътибор қила бошладинг.

– Асло ундай эмас. Мира...

– Мен эса сўнгги танлов эдим.

– Бу беъманилик-ку ахир, қанчалар лаззатли, ошиқона ҳаёт кечирганимиз эсингдан чиқдимиз?!

– Аввалига қалбимда сенга аталган муҳаббат учқунлари йўқ эди. Сени қаҳри қаттиқ ва мужмал ким-са деб билардим, қисқаси сен менинг орзуимдаги инсон эмасдинг.

– Ана холос, мана сенга босиб ўтилган машаққатли турмуш сўқмоқларидан кейин аён бўлган асл ҳақиқат. Йўқса, нега бундай ишқий кечинмаларни бошдан кечирдик?

– Ўзингга банди қилганинг боис менда қачонлардир бошқа чора қолмаганди.

– Сени ўзимга банди қилганим йўқ, аксинча меҳрингни қозонган бўлсам керак.

– Аксинча, сен ишончимни поймол қилгандинг.

– Бу кулгили-ку ахир, қачонлардир Мирага бўлган ишқини бугун тан олмайди, деб ўйлайсанми?

– Верена билан бўлган ишқий кечинмаларингни ҳам тан олмагандинг.

– У билан орамизда айтишга арзигулик ҳеч нима бўлмаган, бўлмайди ҳам.

– Энди бунинг аҳамияти йўқ, қандай қилиб шу кунгача бир ёстиққа бош қўйиб келдик экан-а?

– Илк мартаба очилиш маросими сабаб бўлиб учрашиб қолгандик.

– Шундай де.

– Мира Кусц бугун нималар билан машғуллигини билишга қизиқади киши.

– У ҳақдаги маълумотларни кўр. Уни аниқ халқаро тармоқнинг google сайтида мукофотлари билан топасан. Мира хонимчанг билан учрашиш бахтига мушарраф бўларсан эҳтимол.

- Нега энди у билан учрашишим керак?
- Балки сенга ўзининг жимжимадор илиқ шеърларидан ўқиб берар. Ким билсин яна ўтмишдагидек: “Ой шуъласидаги хиёбонда юлдузлар парвозини кузатамиз”... ва ёки яна шунга ўхшаш эҳтирослар. Ақл бовар қилмайди-я.
- Ё парвардигор, Лоре, бундай қабиҳлигинг билан нимага эришмоқчисан ўзи! Бу нимаси? Буни турмуш ўртогим қирқ йилдан сўнг ҳам мени рашк қилапти, деб тушунайинми?
- Рашк? Мен ҳеч қачон рашкчи бўлмаганман.
- Мени қизғониб келгансан ва шундай бўлиб қолади, азизам.

7. ЛОРЕ

Яшаш осонмас. Қарилик эса ғирт кўнгилсизлик. Йўқотишларни айтмайсанми?.. Куч кетади, сочларинг, тишларинг, гўзаллигинг сени тарк этади ва яна дўстларинг... ҳатто армонларингдан жудо бўлиб борасан. Ҳамма ёгимда йўқотишлар... Аммо Ҳарри ёнимда, бундан бахтиёрман. Баъзан шундай эканлигига иккиланаман. Йўқ. Ундай эмас.

Бахтлиманми? Билмадим. Лекин, бир нарсадан мамнунман. Ҳарри яхши одам, назаримда, фақат у туфайлигина оиламиз сақланиб қолди. Бугунги кун учун камёб ходиса, айниқса, ҳозирги нотинч замонда. Балки бахт уни ушлаб қолишликдадир, ким билсин яна? Балки шундай кўрмоқликни истагани учундир. Кулсак бирга кулдик. Бошқа-бошқа хоналарда ётсак-да, бир биримизни ҳамон севамиз, яқинда у ваннахонага орқамдан кириб олди, роса хириглашдик, худди ёшлардек. Ҳарри меники. Ҳеч нимага қарамасдан у меники. Мунозарабоп мавзуимиз ҳар доим Глория бўлиб келган... Ҳарри бутун умидини шу қизига боғлаган эди...

Мен Глорияга ишониб, унга суяниб бўлмаслигини аллақачонлар фаҳмлаган эдим. Ҳарри ҳамиша уни санъатшунос ёки шифокор ёхуд судья, ё бўлмаса сиёсатчи бўлади, деб ўйларди. Бутун орзусини унда кўрарди. Мен эса нега бундайлигини сира тушуна олмасдим. Глория ҳатто мактабни эплаб тугатмади, олий маълумот ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмади, бунинг ўрнига Шлуфман деган кимса билан Ҳиндистонга кетиб қолди... Эркаклар... Глориянинг ҳаёти фақат эркаклардангина иборат бўлди.

Эҳ, бу эркаклар. Шу тўй ўзи мен учун ҳам ортиқча даҳмаза. Лекин нима қилай, боришимиз шарт. Бу галги-

синиг тўғри танлов эканлигига умид қиламиз. Телефонда қизимнинг овозидан унинг бахтиёр эканлиги сезилиб турарди. Тўғрироғи, кайфи чоғ эди унинг. Кулиб гаплашди, катта тўй дастурхони ёзишни режалаштиришаётган экан, дўстлари ҳам ташриф буюришаркан, қариндошларимизни эса тўйда кўргим йўқ. Мен акам ва унинг асаблари бузуқ, жиззаки, юзини уч марта торттирган хотинини назарда тутаяпман. Аммо, майли нима ҳам қилардим, тўй тўйдек бўлсин, буниси охирги тўй бўлсин ишқилиб. Агар онам бўлганида борми, истеҳзоли иборалари билан уни чақиб оларди. Бироқ онам шўрлик саккиз йилдан буён ошқозон зонди билан бирга ҳушсиз аҳволда тўшакка михланиб қолган, беҳуш, одам деб аталган жисм... тирик қолмоғи учун ҳар ойда минг Евро тўланади. Тирик қолмоқлик учун, нега? Тео онамизнинг яшашини истаяпти. Яшашини. Лекин бу аҳволда қандай қилиб яшаш мумкин? Нима учун, ким учун ахир? Боши ҳамиша ёстиқда, онамнинг олдида қолган куним йиғлайвериб... ёнида ўтириб худодан унинг ўлимини сўрайман... Жони қийналаётгандир, ахир. Тео эса ҳеч қачон онамнинг ёнида қолмайди.

Аммо онам ҳозир шу ерда бўлганида, шу Бредовдан, Бредовмиди ўзи фамилияси? Мени биринчи марта унинг фамилияси қизиқтирмаётганди, онам унга қараб, сўраган бўларди: Хўш? Бирор нима қўлингиздан келадими ўзи?

*

– Ҳарри, бирор қарорга келдингми?

– Мен сенга “Ҳа”, дедим-ку. Шугольфни ҳам тўхтатмасам бўлмайди. Қизиқ ўйин эмас экан. Бунинг ўрнига иккаламиз ҳар замонда сузишга борсак нима дейсан?

– Ҳўл сочларни кўргани кўзим йўқ.

– Онанг бутун умри давомида ҳар куни сузишга қатнаган-ку.

– Шунинг учун ҳам ҳозир шлангда ётибди. Аммо юраги соппа-соғ. Шу керакмиди бизга?

– Биз ҳам албатта шифокор кўригидан ўтиб туришимиз керак.

– Йўғ-е, врачга боргинг келмасди-ку!

– Боришимиз шарт эмас, уйга ҳам келишлари мумкин.

– Бўпти, унда шундай қила қол.

– Шундай қиламан. Сенга нимадир бўлдим? Бир неча кундан бери ўзингдамассан?

– Тўй ҳақида ўйлаяпман.

– Мен ҳам. Ўйласам даҳшатга тушаяпман.

– Ҳарри, ахир у бизнинг...

– Ҳа ҳа. Лекин сен адашяпсан, Лоре. У энди бизнинг ўша жажжигина қизалоғимиз эмас. У энди аёл, ўз ҳаётини ўзи кура олмайдиган аёл. Ниҳоят бунга тўғри кўз билан қарайдиган фурсат келди. На бирор касбни, на эркакларни эплай олди. Фармацевтлик илмини ҳам охиригача етказ олмади, ҳатто мактабни тугатмади, ҳар йили янги бир фирмада янги иш бошласа...

– Жиллақурса ёши йигирмадан ошиб, битта фарзандли бўлишига қарамасдан ўқишини тугатди-ку.

– Чунки боласига биз қарадик, устига устак кечки мактаб директори биланам гаплашган эдим... Ҳа бўпти, буларни қўявер. У ҳозир нима қиляпти ёки нима қилмаяпти?

– У ижодий кечалар ташкил этиш агентлигида ишляпти.

– Сен гаплашиб бердингми?

– Шундай деса ҳам бўлади. Битта танишим билан гаплашдим.

– Шу тўй қачон ўзи?

– Сентябрьда.

– Сентябрда. Унгача ҳали вақт бор экан. Балки унгача яна ўйлаб кўрар.

– Ҳарри! Бунчалик бешафқат бўлма, айти дамда мен буни кўтара олмайман.

– Нима бўлди ўзи?

– Эртага онам тўқсон учга кирган бўлар эди. Эртага онам туғилган кун.

– О шунақами. Тўқсон уч? Неча йилдан бери?..

– Саккиз йилдан бери.

– Уникига борасанми?

– Албатта бораман. У ахир менинг онам-ку.

– Анчадан бери бундай эмас. Энди бундай бўлмайди ҳам. У фақат нафас оляпти. Шугина, холос. Лоре, бу ёққа кел, дилингни оғритмоқчи эмасдим. Эй худойим, Лоре, йиглама, нима бўлди сенга ўзи?

– Билмадим. Ҳамма нарса, ҳаммасидан ҳафсалам пир бўлди. Ҳаммаси ёлгон.

– Сен нимани кутган эдинг?

8. ҲАРРИ

Лоренинг наздида ҳеч нима тўқис бўлмаган, ҳамиша нолигани-нолиган. Аввал бошдан шундай. Баъзида Лорегга, бу кетишингда Метцгер хонимнинг ўзи бўлиб қоласан, деб қўяман. Оттилие Метцгер хоним кўшнимиз. Саксондан ошган, кўрс бу аёл бир умр Яратгандан, атрофини ўраб турган оламдан, ҳаётдан нолиб келади. Тўғри, ўтмиши қайғули бўлган, деб ўйлайман баъзида, бироқ бунга унинг ўзи ҳам қай бир маънода сабабчи, ношукурлиги сабабдир, эҳтиёол. Метцгер хоним, калтабин, унинг устига кўриш қобилияти паст, яна оқсаб юради. Хоҳ уй олдида, хоҳ кичик бог ёнида бўлсин койингани-койинган. Унинг оғзидан “бу фожиа” деган сўз тушмайди. У ҳамма нарсада фожиа кўради. Хоҳ куннинг жазирамаси бўлсин, хоҳ қаҳратони, ёмғир ёғиши-ю қуёш порлаши, заррин қиш келадими, ё баҳор, ҳатто хат элгувчининг эрта ва ёки кеч келиши, эшик қўнғироғини чалиб огоҳлантириши ёки қутини шунчаки уй эшиги олдида қолдириши ҳам фожиа. Бир сафар аёлга юзланиб, Метцгер хоним, сайёрамиздаги миллионлаб одамлар оч-ночор, биз эса уларга ёрдам қўлини чўза олмай томошабин бўлиб туришимиз катта фожиа, дея уқтирдим. У эса гапларимга парво ҳам қилмади, бу ҳақда эпитишни ҳам истамади, аксинча харид қиладиган аввалги нонлари бугунгидек салга уваланиб кетмагани, нон дўқонидаги сотувчи аёл Метцгер хонимнинг кўзлари ожизлигидан фойдаланиб унга алақачон истеъмолдан чиқиб қолган нонларни сотаётгани катта фожиа эканини таъкидлаб арз қила кетди. Метцгер хоним мен ва ёки оила аъзоларимдан бирортасининг у учун бажонидил харид қилиб келишга бўлган беминнат таклифини рад этар, боиси бу хизматлар эвазига у миннатдорчилик билдириш керак деб

билиб, бу ишни ўзи бажарарди. Бироқ шунга қарамай не-гадир Метцгер хоним билан тил топиша билардим. Бунга сабаб у билан салом-алиқдан нарига ўтмаганим, аёлнинг фожиакор ўйларига эътибор бермаганимдир эҳтимол. Лоре бўлса Метцгер хонимни умуман хушламас, баъзида Метцгер хонимдаги хусусиятларини ўзида мужас-сам этиши ҳақидаги ногоҳоний мулоҳазаларим билан қалбини огритиб қўярдим-у, ўртамизда даҳанаки жанжал қўзғалиб кетарди. Менга ўхшаган лақма эркаккина мана шундай ўйлар билан яшайди. Лорени эндиликда санъат-нинг ранг-баранг олами-ю, адабиёт дунёсига гарқ бўлиб бораётгани, бу унинг ҳаёти мазмунига айланганига шубҳа билан қарашим кўнглини мендан совутиши турган гап-да. Шунга ақлим етиб туриб ҳам билганимдан қолмайман. Мен учун бутилкадан қадаҳга қуйиб қўйилган оромбахш Цеисс пивоси қаршимда виқор-ла савлат тўкиб турганда, ҳаёт тотли бўлиши тайин. Эҳ Лоре, бир неча ўн йиллардан буён бирга мана шундай зиддиятлар осмонидан бирдек нафас олиб келарканмиз, сен мени авваламбор ўз ман-фаатларинигина ўйлайдиган, тақдир ҳукмига осонгина кўниб кетаверадиган эркак деб биласан, мен бўлсам доим сенга ўша севимли китобларингда кўрсатилмас сиёсий ва иқтисодий муносабатларни бошқа тарафларини тушун-тириб боришим даркор.

Бироқ Лорени талвасага соладиган нарса уни Мет-цгер хонимга қиёслашдан-да кўпроқ онангга ўхшайсан дея танқид қилишимдир. У ҳар доим мендан дашном эши-таркан, ғазаб отига минади. Лоренинг ташқи кўриниши онасига ўхшаши менга маъқул, боиси қайнонамни ҳурмат қиламан... Умуман олганда, ардоқлардим дейишим жоиз ... Ленини қадрларди. Лоре бундай онанинг ягона қизи бўлиш, шундай кўрс онанинг қалбига йўл топиш осон

бўлмаганини, бу муттасил давом этадиган кураш бўлганини тушунаман албатта. Бироқ бу гайритабиий феъл-атворли аёл ўзида ҳазил, мутойиба ва гайриоддий кучни мужассам этганди. Лоре доим таъкидлаганидек, икки оёқли қувват манбаи. Лени оламга тўлақонли қарама-қарши фикрларди. У бир томондан эскиликни ёқловчи, бошқа томондан эса черков ақидаларини қораловчи аёл эди. Саксон ёшида Римга бориб, Рим папасини отиб ташлаш мақсади ҳам йўқ эмасди. Вилли Бранд унинг орзуидаги эркак эди, бироқ Лени бажонидил ажнабийларни панжара ортида кўришни истарди. У салбий фикрласа-да, бироқ кексалар клуби ва қаҳвахонада эшитган барча жаҳолатпараст мулоҳазаларни қоралаб гапирарди. У ўтакетган хасис бўлиб, кераксиз буюмларни ҳам арзон бўлгани боис харид қилаверарди. Ўзи таъкидлаганидек, дўконлардан ўмарган нарсалари катта иқтисодий завод бирлашмаларига зарар етказмайди. У ўзига керак бўлмайдиган, бизга ҳам нафи тегмас нарсаларнинг барини ўмариб келаверарди. Бир сўз билан айтганда, бу унга ёпишган касаллик эди. Бир сафар Ленини жиноят устида тутиб олишди, Лени эса уларга Лоренинг телефон рақами ва кутубхонанинг манзилини берди. Бу ишга тартиб посбонлари аралашарканлар, Лоре уятда қолди. Ленининг уйини тинтув қилган ходим уердан ҳеч нима топа олмади, боиси аёл аллақачон ўмарган молларини бизнинг уй гаражига яшириб қўйганди. Дезодоранд идишлари, шоколад қутиси, қуритилган хитой қўзиқорини, тиш тозалагич, кўзойнак артгичлар, бир қанча ўралган печеньелар. Ушбу нарсаларни бағри кенглик қилиб ёру, биродарларга улашдик. Ленининг бу қилмишларини ўткинчи хасислик иллоти деб уни ростдан ҳам озод қилишгач, у ўмарган молларини олиб кетмоқчи бўлиб қолди. Биз эса ўгирланган молларнинг бир қисмидан фойдаландик, қолганларининг истеъмол муддати ўтиб улгурганди. Ё Худо, мендек бечора

кекса аёлни тунайдиган қандай қабих кимса бўлдинглар, дея биздан норози бўлганди, ўшанда. Мен бўлсам, унинг гапларидан ичим узилгунча қотиб кулгандим.

Шўрлик Лени. Ҳозирда уни дард тўшакка михлаб қўйган, энди у ҳеч ким, руҳи на тириклик ва на ажал бағрида. Эҳ Лоре, қанийди онангнинг суратию сийрати сенда жо эканини, бу ҳолни қанчалар ижобий қабул қилишимни пайқасанг эди. Тўғри, ўғирликка қўлинг бермайди. Лекин барибир ... ҳар доим жасур, доим метин ирода, ҳамма вақт олға илдамловчи. Шундай, азизим Лоре.

*

– Лоре, нега кўзгу олдида бунча узоқ қолиб кетдинг? Ниманидир кўриб қолдингми?

– Ҳарри, кексайганим сари онамга ўхшаб бораётганлигимни пайқаддингми?

– Йўқ, буни ҳатто сезмабман ҳам.

– Чинданми?

– Албатта.

– Чунки сен менга эътибор бермай қўйдинг.

– Бу нима деганинг?

– Агар менга қараганингда буни пайқаган бўлардинг.

– Бас қил, Лоре.

– Кўринишимнинг сенга энди умуман фарқи йўқ.

Ҳамиша шундай бўлган! Ташқи кўринишим ҳақида бирор марта илиқ фикр билдирганингни эслай олмайман.

– Жиддий гапиряпсанми?

– Тўйимиздан бир йил сўнг Италиянинг Лаго Магиори соҳилига дам олгани боргандик. Луино шаҳридаги дўкондан чиройли кўйлак сотиб олдим ва уни ресторанлардан бирининг аёллар хонасида кийиб олдим.

– Кўйлакни эслайман, унинг ранги яшил, сариқ ва яна ажабтовур яшил ранглардан иборат эди.

– Шунга ўхшаш. Ўша кўйлак яшил ва сариқ рангда эди. Соҳил бўйлаб муҳаббатдан сармаст, бахтдан масрур кезардик. Сендан олдинроққа чиқиб, нозу ишва билан боқдим ва ҳозир кўнглингдан нималар кечаётганлигини сўрадим. Қандай жавоб қайтарганинг ёдингдами?

– Йўқ, ёдимда йўқ. Билишим шартми?

– “Бағримга кел, Лоре”, дегандинг. Ана, қара, яна куляпсан.

– Тўғри-да, бу кулгили-ку!

– Ростданам бу жуда эриш туюлганди. Ўшанда сени ташлаб кетиш ҳақида, сен менинг умр йўлдошим бўлмаслигинг ҳақида ўйлаб қолгандим. Ҳақиқатдан ҳам, Ҳарри, ўшанда кетмоқчи бўлганим рост... Сен эса қалбимда нелар кечаётганини пайқамандинг ҳам.

– Яхшиям, ўшанда шундай қилмаганинг.

– Нима ҳам дердим, бу ҳақда узоқ баҳслашиш мумкин.

– Эҳ Лоре...

– Кўзгу қаршисида илк бор қишлоқ аёли сурати менга кўчганлигининг гувоҳи бўлдим.

– Онангдаги бу чехрани қадрлаганман, бунинг сенда ҳам акс этиши менга ёқади.

– Қўлларим ҳам уникидек. Вестфалленлик заҳматкашларнинг қўллари каби.

– Оёқларинг ҳам уники каби чиройли.

– Ана холос, Ҳарри. Хушомад қиляпсанми?

– Яна сенга онангдан мутойибага мойиллик ҳам ўтган.

– Ундан ўтган салбий хислатларни ҳам айтсанг.

– Бирортасини эслолмайман.

– Демак, унга ўхшамайман, шундайми? Унга ўхшаб қолишдан доим қўрққанман.

- Ҳадигинг асоссиэ.
- Буни шунчаки кўнглим учун айтяпсан. Аслида кўнглингдан “Ё Худо, у онасининг ўзи-я”, деган ўй кечмоқда.
- Буни хаёлимга ҳам келтирмадим. Сен бутунлай ўзгача ҳаёт кечирдинг, мактаб, таҳсил, касбинг, дўстларинг, узоқ турмушинг... Унда буларнинг бирортаси ҳам йўқ эди.
- Аммо томиримда унинг қони оқмоқда, лаънати ирсият...
- Лоре, менга бир разм сол, вужудимда отамнинг сиймоси гавдаланади. Унинг ўжарлигию ғазаби қонимга сингиб кетган.
- Мағрурлик, хушфеъллик, яна қатъият ҳам.
- Яна садоқат ҳам.
- Хўп, майли.
- Лоре, қандай бўлсанг, борингча севаман.
- Ҳарри, бу гапни анчадан бери айтмагандинг.
- Ўшанда бунга имконият йўқ эди.

9. ЛОРЕ

Тўғриси айтсам, Мартин иштирокидаги адабий кеча жуда ёмон ўтди. Унчалик ёмон эмасу... кулфатнинг ўзгинаси. Йўғ-ей, унчалик эмас. Бироқ билмадим, мен тасаввур қилган даражада чиройли ўтмади ишқилиб.

У мени умуман танимади. Бўлмаса уч марта кутубхонамизга келган, орадан йиллар ўтди, балки шунинг учундир, лекин икки-уч менга қараб қўйди, барибир танимади. Унинг кайфияти ёмон эди, поезд кеч қолди, челақлаб қуйгандек ёмғир қуяр, поезд кечиккани боис вокзалдан олиб келиш ҳам кўнгилдагидек бўлмади, жуда ҳам жаҳли чиққан эди. Аммо буларнинг бари саҳнага чиққач, унут бўлди, ижодкорларнинг барчаси саҳнага чиқишса яшнаб кетишади. Ҳаволаниш – уларга хос, бу яна ушбу тадбирда ўз исботини топди. Зал одамга лиқ тўла, Вальзер эса бир нималарни гўлдирар, аммо ёмон ўқимади, кўплаб дастхат берди, кекса аёллар билан илтифот ила суҳбатлашди, ёшлар томонидан берилган икки-учта саволга ипидан игнасигача жавоб берди, танқидни кўтара олмайди, шунинг учун ҳам бир италиялик уни бу борада қирғичдан ўтқазмоқчи бўлганида ўзини дарҳол қўлга олди, бундан зерика бошлаганимни пайқадим. Яхшиси уйга кетганим маъқул деб ўйладим. Илгарилари ҳечам бунақа бўлмас эди, қаламқашлар ўртасида ҳамиша ўзимни бахтиёр сезганман...

Миямдаги ўйлар чалқаниб кетди. Мен энди барларда соатлаб ўтириб стол атрофида бирининг гапини бошқаси илиб кетаётган эркакларнинг қизиқарли ҳикояларига мафтун бўлмас эдим.

Ҳарри ёнимда эмасди. Бундан ҳам жаҳлим чиқди ва шу билан бирга у оқшомини хотиржам ўтказаётганига

бироз гашим ҳам келди. “Қандай бўлди?”, сўради у уйга қайтганимда, “Ажойиб”, дедим мен ҳар галгидек, лекин аслида ундай эмас эди, бу нарсалар унинг учун қизиқ эмаслигини билиб, шундай деб қўя қолдим. Бир қарашда бу каби бадий ўқишлар эскича қарашларга ўхшаб кетади. Нега бундай қилинаркан-а? Ахир ҳар бир одам китобни ўзи ўқиши мумкин-ку. Бундан ташқари эшитиш учун дисклар бор. Муаллифларни ойнаи жаҳонда, шунингдек, интернетда кўришимиз мумкин. Нега энди ҳатто бугунгидек ёмғирли ҳавода ҳам ноқулай бир хонада муаллиф томонидан эшитилиши керак? Буни билмайман. Балки бу ишимдан воз кечишим керакдир. Касбдан завқланиш йўқолса, бу иш билан шуғулланмай қўйган маъқулдир. Аммо мен яна нима ҳам қила олишим мумкин. Ҳарри билан кун бўйи уйда ўтириб баҳслашишдан бошқага ярамайман. Илгарилари режалар тузардик, кексайганимизда вақтимиз бўлганида... деб ўйлар эдик, шундай кунлар келганида эса... Ҳа, мана энди ёшимиз бир жойга бориб қолди, хўш энди-чи? Ҳатто сузишга бориш учун куч йўқ. Саёҳатга чиқиш учун эса хоҳиш, бунга ҳам баҳона тайёр: меҳмонхона каравотлари ёмон. Яхшиямки, телевизион дастурлар бор. Кун бўйи китоб ўқиб бўлмайди. Харид, пишириш, тушда бироз мизгиш, чой, сайр, онамни кўришга бориш, кечки янгиликлар, бир рюмка вино, Глория ҳақидаги суҳбатлар, кейин эса уйқу. Бу қандай ҳаёт бўлди? Балки бу бошқа давлатлар, одамлар учун бахтли ҳаёт дейилар. Бироқ мен учун бари ўта даҳшатли эди, чарчаган эдим. Мен учун ҳаётнинг ҳайратланарли жиҳати қолмаган эди, қувонишни унутган эдим, унинг қачон кетганини ҳам билмайман. Глория юра бошлаганидамиди? Ҳарри нафақага чиқиб, ҳали ҳеч бир юмушсиз ўтирганидами? Нега энди рағбат бўлсин? Ўзимнинг катта ишларга қўлим бормади-

ку. Тўғри, баъзи-баъзида театрга, концертга бориб турардим. Гоҳ-гоҳида Ҳарри бирга борарди. Бироқ орадаги танаффусларда негадир уйда бўлиб қолгим келарди. Ақлдан озяпмизмикан? Бу ёшда одам ана шундай зерикарли бўлиб қоладими? Бу балки – қариш жараёнидаги оддий ҳолдир?

Ҳеч бўлмаганда саломат эканлигимизга шуқр қиламан. Тео юраги инфаркт эди, Рита соғлом-ку, бироқ ўз хоҳиши билан юзларини торттириш учун наркоз олади. Бу қандай аҳмоқлик? Шу тариқа ҳам касаллик орттириб олиш мумкин-ку. Бизда ҳали ҳаммаси жойида, кунларимиз бир зайлда ўтаяпти, ҳатто уйқусиз тунларимиз ҳам, қачонлардир уйқу умуман керак бўлмай қолади. Деярли керак бўлмай қолади. У эса аллақачон ухлаб қолди. Хуррак отаётганини эшик орқали эшитаман. Мен эса ҳали уйгоқ ва безовтаман. Балки бошқа ақли расороқ эркак билан яшаганим маъқулдир? Бундай ўйлаш яхши эмас. Ҳарри яхши одам. Менинг ҳам феълим оғир. Кайфиятим ўта ўзгарувчан. Буни эса Ҳарри ҳар доим ҳам кўтара олмайди. Токи ўзимга келиб олишимга қадар у боғида куймалашади. Яхшиямки, боғимиз бор экан. Боғ ишларини кўргани кўзим йўқ, ҳеч қачон ер чопишни, дарахтлар атрофида ўралашишни хушламаганман. Хайрият, ишим бор. Ишим менга завқ багишлайди. Китобсеварлар билан яхши тил топишаман. Адабий кечаларни ... бундан кейин Криста амалга оширадими? Бу йилги ташкилий ишлар мен учун сўнггиси бўлади. Сўнг фаолиятимга чек қўяман.

Яна пишириқлар пиширарман.

Ё Парвардигор, нималар деяпман ўзи.

*

– Ҳарри, бирор нима пиширайми?

– Айнан нима пиширмоқчисан?

– Илгарилари Франкфурт сосискаларини хушлар эдинг.

– Худо ҳаққи, Лоре, ўзи шундоқ ҳам семириб кетаяпман. Истасанг, бир нечта тайёр пиширилганидан сотиб олишимиз мумкин, бироқ пиширмагин.

– Тайёрлари унчалик эмас-да.

– Бу фикр мияннга қаёқдан кела қолди? Пишириқларга вақтинг йўқ деб ўйлардим.

– Бўпти, пиширмаганим бўлсин. Буни унут.

– Мол гўштидан овқат тайёрлаб берайми?

– Зўр бўларди, пишира қол. Мол гўштидан яхши овқат тайёрлайсан.

– Онам ҳам доим мақтаган.

– Онангни кўргани боришимиз керак.

– Борганимиз билан у ҳеч нимани сезмайди, эшитмайди. Бундан эзилиб кетаман.

– Ошқозонига зонт улаш учун Теога қаршилик кўрсатмаганимга ҳалигача ўзимни кечирмайман. Ҳозир онангни худди астронавтлар каби овқатлантиришяпти ва шу туфайлигина тирик, ҳеч нимани ҳис қилмаса-да, у яшайпти.

– Буларни кўтаришга бардошим етмайди. Биз албатта бундай хатога йўл қўймаслигимиз керак, масалан мен шундай аҳволга тушишни истамайман.

– Ҳали юзга кирасан.

– Майли-ю, бироқ юз йил умр кечиришни ҳам ис-тамасдим. Сен бу кетишингда, шунчалик кўп чекишинг ва пивоҳўрлик қилишингдан парваришга муҳтож бўлиб қоласанми, деб қўрқаман.

– Унақамас, бир нафасда жон таслим қиламан.

– Ҳар кимнинг орзуси ҳам шу.

– “Франкфуртер аллгемайне” газетасидаги анкета саволларидан энг охиргисида ҳамиша: “Қандай ўлишни истайсиз?” деб сўралар эди.

– Ҳа, эсимда, ҳамма “тез, оғриқсиз, уйқуда ўлсам дейман” деб жавоб ёзарди, бироқ биттаси бундай аҳмоқ саволга тентакларча жавоб ёзганди: “оғриқдан инграб, узоқ муддат азоб чекиб” деган эди.

– Бир нафасда жон беришга муносибсан.

– Худди онам сингари ётиб қолишни истамайман.

– Агар шундай бўлса ҳам сенга ўзим ғамхўрлик қиламан.

– Унгача сен бир нафасда жон таслим қилган бўласан.

– Унда Глория сени парваришлайди. Дарвоқе, қизингдан хабар борми?

– Энди қўнғироқ қиламан деб тургандим.

– Ҳар куни қўнғироқлашасизларми?

– Ҳа. Тўйга тайёргарлик ҳақида гаплашамиз.

– Ё Тангрим, тўйга тайёргарлик эмиш. Ҳали анча вақт бор-ку. Улар тўйнинг барча расм-русмлари билан нишонлашади, деб ўйлайсанми? Торт, нутқ сўзлари, келин – куёв рақси ва бошқа даҳмазалар...

– Менимча, шундай.

– Жин урсин, биз нима совға қиламиз?

– Онаминг Майсен чиниларини. Чой идишлар тўплами билан гуллар. Бу Глорияга доим ёққан.

– Чой идишлар тўплами тўлиқми ишқилиб?

– Битта чашка етмайди, чойнакнинг эса тутқичи синган, Балки яматиб берарсан?

– Қизингнинг бундан боши кўкка етмаса керак?

– Худо ҳаққи Ҳарри, бундан тузукроқ таклифинг бўлса, илтимос айта қол.

– Нимага бунча жаҳл қилаяпсан ўзи?

– Жаҳл қилмаяпман.

10. ҲАРРИ

Лоре ўзи шунақа. Менга адиб Валзер билан бўлиб ўтган адабий кеча жуда қизиқарли кечганини айтгани, аммо кейинроқ Ҳайдига сим қоқиб ушбу кечадан бутунлай ихлоси қолганини таъкидлаётганини тасодифан эшитиб қолдим. Аёл деган ҳилқатни тушуниб етиш учун қанча умр керак бўлади ўзи? Йўқ, бу менинг гапиммас, дўстим Эденинг гапи. Нақ тўрт маротаба уйланган одам нима деяётганини билса керак ҳар ҳолда. Тўғри, дўстимнинг табиатини унинг аёллари ҳам тушуна олмаганликларига иқрорман, албатта. Бироқ бу бошқа масала.

Лорега нима бўлди ўзи? Ўша адабий кечада кўнглида ўтган кечинмаларини мен билан ўртоқлашгиси келмади-ми? Бугун у негадир ўзини бошқача тутаяпти, нимадан-дир кўнгли тўлмаган, бироз асабийлашган. Баъзан кутубхонадаги юмушлар унга оғирлик қилаяпти-ю, бироқ нафақадаги эр олдида нафақадаги хотин бўлиб ўтиришдан қўрқиб, ишидан кетолмаётгандир, балки у умримизнинг сўнгида мен билан санъат оламига сафар қилиб бўлмайди деб ўйлаётган бўлса ҳам керак, ким билсин, бу фикрларим балки хатодир. Ўша Лайпцигдаги никоҳ тўйи машмашаси уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ ташвишга солаётгандир, эҳтимол.

Глория онасига мунтазам кўнгироқ қилиб, никоҳ маросимининг икир-чикирларигача сирлашади. Кейин Лоредан қизининг айрим гапларини (ҳаммасини айтмаслиги аниқ) эшитиб ваҳимага тушиб кетаман. Нақ Лайпцигдаги ҳукмдорлар никоҳ тўйи дейсиз! Биргина черковдаги никоҳ аҳдига беш юзта меҳмон таклиф қилинган. Бутун Германия ва денгиз бўйи давлатларидан донгдор кимсалар ташриф буюришади. Оппоқ тўй кажаваси шаҳар бўйлаб

елиб бораркан, Петер Маффаи ва Лайпциг операсининг йигитлари жўрлиги маросимга ҳамроҳ бўлади. Аввалига куёв бу ишларни Вольфганг Петри ўз зиммасига олишини истаганди, бироқ Петри бу вазифадан ўзини бироз четга олди. Телевидение ошпази Лафернинг таомлар рўйхатини тузиб, шахсан ўзи уларни тайёрлашда иштирок этаркан, у нақ саккиз қисмдан иборат таомномани меҳмонлар ихтиёрига тортиши кутилмоқда. Олдиндан айтиб қўйилган тасвирчилар гуруҳи ушбу никоҳ маросимини Бредовлар оиласининг тарихи зарварақларига муҳраб боришади. Тунда мушакбозлигу, эстрада хонандаларининг турли сахна чиқишлари уюштирилади. Михаел Миттермейер ҳам шу кунни тўй хизматида. Бу исм менга нотаниш, бирор қизиқчи бўлса керак. Буларнинг барига, дейди Глория, пул бўлса бас, ниятни рўёбга чиқариш ҳеч гап эмас. Куёвимиз учун қанча пул сарфланишининг аҳамияти йўқ экан. Тўй харажатларига юз минг евродан ошиқроқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Лоре бу режалардан мени хабардор қиларкан, борган сари асабларим бузилиб боради. Булар яна ўқимишли эмиш? Шу ишлар бошида турган менинг қизимми?

Кеча қизим Глориянинг қўнғироғига жавоб берарканман, уни бироз ноқулай аҳволга солиб қўйдим. Ўзи иложи борича у билан гаплашишдан қочиб юрардим, лекин бу сафар онаси гўшакни қўлимга тутқазгандан кейин ноилож қолдим. Қизимнинг айтишича, набирамизнинг қўл телефонидан қўнғироқ қилаётганмиш. Уни қаранг-а, вояга етмаган ўн яшар болакайда қўл телефони бор. Қойил! Глория менга дадажон деб мурожаат қилди. У ўн тўрт ёшидан бери исмим билан чақириб келар ва бутун умр шундай аташни хоҳларди. Энди бўлса кутилмаганда: “Салом, дадажон, аҳволларингиз яхшими?” – дейди. “Дадажон” деган

сўзи жуда беўхшов чиқди. Даҳшат. “Ҳа, аҳволларимми? Аҳволим қандай бўларди, бир амаллаб яшаб юрибмиз” – деб қўя қолдим. Шунда Глория унга айтадиган гапим йўқлигини тушиниб етди. “Никоҳ маросимимга келасизми?”, – деди у ҳам номига. Онаси, ҳа-я Лоренинг лавозими энди яна она бўлиб қолган, менга бирор бир тасодифий муҳим учрашувим чиқиб қолганини айтишимга ишора қиларкан, қандай муҳим учрашувни важ қилиб кўрсатишга бошим қотди. “Синфдошларим билан учрашувимиз бор эди”, – дедим кутилмаганда. – Қирқ йиллик узилишдан сўнги учрашувимиз... – бир пас ўтиб яна давом этдим, – битирувчи синф ўқувчилари дийдор кечаси”. Рости ёлгонимдан кўнглим тўлди. Яхшиям қизим Глория ушбу учрашув ўтган йили бўлиб ўтгани, ўша оқшом кишини диққатини оширадиган, зерикарли, яна ортиқча машманша билан якун топганидан беҳабар эди. “Нима ҳам дердим, – сўз қотди Глория, – дадажон, сиз учун буларнинг қай бири муҳимроқ эканини биласиз деб ўйлайман, бироқ қандай воқеани ўтказиб юборишингизни пайқамаётган кўринасиз. Оғир ботса ҳам айтаман, сизнинг бу ишингиз шармандалиқдан бошқа нарсамас...” Унинг бу гапларидан кейин қарорим қатъийлашди: бўлди, никоҳ маросимига бормайман. Отангсиз турмуш қура қол! Ва ниҳоят қандай воқеани ўтказиб юбораётганимни ҳам ўта кучли идрок билан англаб етдим. Сен олтин қафасга асир бўлаёпсан, азиз қизалогим. Буни Лайпцигдаги ҳукмдорлар никоҳ тўйидан пайқаб олиш мушкул эмас. Онанг бунга ишонадими, йўқми, буни унга исбот қилиб бераман.

*

– Лоре, дунёни деб қармоққа илиниш ... бу ҳаёсизлигу, аҳмоқгарчиликдан бошқа ҳеч нима эмас–ку, ахир.

– Бу борада ҳақсан, Ҳарри. Қандай қилиб бундай

ортиқча дабдабани маъқул деб топай. Бироқ гап бу ерда яккаю ягона қизимизнинг тақдири ҳақида бораркан, олдимизда икки йўл турибди.

– Албатта, тўйга бориш ёки бормаслик, бошқа нима ҳам бўлиши мумкин.

– Иккинчи йўлни танласак, қизимиз бизни асло кечирмайди.

– Усиз ҳам яшай оламан. Ҳатто бундан-да яхшироқ.

– Мен эса йўқ.

– Ўтган ҳафтадаги қароримиз ҳали ҳам кучида: сен тўйга боришинг мумкин, мен эса шу ерда қоламан. Гап тамом.

– Азизим Ҳарри, фикримни қўллаб, бирга тўйга боришинг... маросимга ташриф буюрган киборлар устидан кулишимиз менга далда бўлиши ҳақида бир зум бўлса ҳам ўйлаб кўрмадингми? Доим “фирибгар” деб атаган Томас Берн Ҳаррдан кейин ўриндиққа ўтириб, ўзгаларнинг гийбатини қилардик. Шунчаки уларнинг устларидан кулиб, димоғдорларни кўриб қайтардик.

– Димоғдорлар, менга айнан мана шу сўз керак эди. Ҳа Лоре, мен айнан мана шу ҳақида ўйлагандим.

– Эҳтимол ўша дабдаба– ю, важоҳатли борлиқ ажиб бир руҳ инъом этар.

– Олтмиш йиллик хусусий мулкчиликка қарши жонсиз кураш руҳини қайта жонлантириш даъвоси. Негадир бу иш менга ёқиб тушмоқда.

– Нимасини айтасан.

– Бошқа бир нима Лоре: қизимиз-у набирамиз умрларининг охирига қадар иқтисодий қийинчилик кўрмасликлари уларга насият қолдирмасак ҳам бўлади деганими? Мабодо меросимиз Бредовлар мулкига қўшиладиган бўлса ушбу ҳисса ... арзимаган лаш-луш, мен учун шармандалиқдан нарига ўтмайди.

– Мабодо оламини тарк этадиган бўлсанг, бу иш менинг зиммамга тушади.

– Барига улгурмаслигинг мумкин. Бу ҳақда ёзиб борганимиз маъқул.

– Ростданми?

– Зурриёдимиз бўлган қизимизни меросда тўлақонли ҳаққи бор. Иккимиз ҳам бу оламини тарк этсагу, ҳеч қандай васиятнома қолдирмасак умр бўйи йиққанларимизга қизимиз эга чиқади.

– Қанақасига иккимиз ҳам бир вақтнинг ўзида ҳаёт билан видолашишимиз мумкин?

– Лайпцигдаги никоҳ маросимида поездда йўлга чиқамиз. Йўлга отланган поезд изидан чиқиб кетади ва юзлаб қурбонлар орасида биз ҳам ҳалок бўламиз. Қанча оҳ-воҳлар, бироқ бизсиз.

– Енгил машина билан ҳам борсак бўлади, шундай эмасми?

– Унда хатар хавфи янада каттароқ бўлади.

– Қизимизга мерос қолдирамиз деб бошқа-бошқа поезд ва ёки бошқа енгил автомобилда йўлга чиқа олмаймиз ахир.

– Васиятнома ёзишимиз керак.

– Яхши, бироқ бугун эмас.

– Мана шу сўзларни неча йиллардан бери такрорлаб келамиз.

– Эртага, Ҳарри, эртага.

– Бунга алақачон тайёрман деб ўйлайман.

– Ростини бугун жуда ҳам ҳолдан тойдим. Кутубхонада ташвиш тўлиб тошганди. Бу сафар ҳам доимгидек барчаси менинг зиммамга тушди.

– Бундан сенга нима наф, Лоре, ишингга шу ерда нуқта қўй.

– Ҳўш кейинчи?

– Кексалик гаштини сурамиз.

11. ЛОРЕ

Унинг ўз боғи бор. Найзагул, қўнгироқгул ва “куролбардор” дея аталувчи ўсимликлар, пионгуллар, мойдор ўсимликлар ҳамда оқ гулли малҳам гуллар. Боғдаги ишларни тартибга келтиради, ер чопади, терга тушади, пиво ичади ва ер чопади, бундан бахтиёрлик ҳиссини туяди-ю, ҳеч нима ҳақида ўйламайди. Мен шу атрофда ўтириб, барини зимдан кузатаман, балки қарашишим лозимдир, деб ўйлайман, чиқиндилар солинадиган бочкаларни тўлдиришим ёки оғборхоналарни тозалашворишим керакдир, бироқ мен гўё айвондаги шу жойга михлангандек эдим. У ўз оламида, мен ўз дунёимда. “Икки эшик орасида” дейиларди бундай ҳолат илгарилари. Кимники эди бу жумла? Эсимда йўқ, илгарилари эшикларга шундай ўхшатиш берилган. Жим Морисондан. Ҳа, келишган киши эди, аллақачон у дунёга рихлат қилгандир. Барча гўзаллик нариги дунёда. Эшиклар ҳам энди ҳамма жойда бўлавермайди.

Бу қандай телбанамо фикр? Ақлдан озаяпман. Менга нима бўляпти ўзи? Кексайишни шу тарзда қабул қиламан деб сира ўйламагандим. Бу – кураш эмас, – деб ёзган эди Флипп Роз, - бу – хунрезлик. У ҳеч бўлмаганда, шу ерда ҳақ. Бу муаллифни хушламайманку, бироқ ҳикоялари яхши, ҳаммасида МЕН бирламчи, бироқ юқорида унинг ҳақлигини тан олмай иложи йўқ. Хунрезлик... Ҳарри кексаликни у қадар мушкул қабул қилаётгани йўқ. Наридан борса, жилла курсида, боғда бели оғриб қолгунга қадар куйманлар.

Боққа ҳавасим келяпти, уни эримдан қизганяпман ҳам, аммо мана шу боғ унга ҳаётдан завқланиш сирларини ўргатяпти. Назаримда, айнан шу боғ уни қаерларгадир

элгади, у ўсимликлар билан сокин, гўзал оламда на-
фас олаяпти. Ўша оламда асаларилар гуллардан шарбат
йигадилар, хонқизи гўё қўлга ўргатилгандек унинг атро-
фида чарх уради. Буларнинг бари менга хуш келмайди,
шунга қарамай, унга ҳасад қиламан. Ҳамиша ўзим жондан
ортиқ кўрган китобларим биланман, аммо улардан нима
топаяпман ўзи?

Кексайиш – ўзликни тарк этиш деганими? Шунисига
ҳам шуқр.

Тўйга ҳам оз фурсат қолди. Балки шунинг учун ҳам
ҳамма нарсага беҳафсала қараётгандирман. Хотиржамли-
гимни ҳам йўқотганман, тунлари мижжа қоқмайман, баъ-
зан хаёлларимни чалғитишга уриниб, ўзимга хос бўлмаган
саволлар билан бошимни оғритаман. “Тўйга нима кийсам
экан?” Мен-а? Бутун умрим давомида эгнимдаги или-
ниб турган лаш-лушлар мени қизиқтирмаган, ҳа, деяр-
ли шундай эди. Тўғри, менинг ҳам дидимга мос келувчи
ранглар йўқ эмасди, масалан, қизил, қора, ипак ранги,
бақлажон рангидек ёки жигар ранг, сариқ ранглар таъ-
бимга ўтирмасди, классик услубда ҳам кийинмайман, энг
маъқул топганим тор шимлару, футболка ёки яхшигина
нимча бўлса бўлди. Нимча ва спорт кийимларининг нархи
ҳам ўзимизга мос, тўғри келадиган бўлиши керак. Умуман
олганда, ҳаммаси – оддийгина нимчалар, оддийгина фут-
болкалар арзон бўлиши мумкин эди-ю, бироқ нимчалар
ва пойабзалларнинг яхшисидан ҳамда қимматидан танлаб
олардим.

Мен бу тўйга нимча ва спорт кийимида боролмайман-
ку?! Петер Маффаи. Қўлга нима илинса, шудир меники.
Бу фикр унинг миясига қаёқдан кела қолди? Жим Мери-
сон, ҳа, худди ўзи. Бу каби фикрларнинг бугунги кунда ҳеч
қандай аҳамияти қолмаган. Ким ҳамфикрлилик қила олар-

ди? Ҳа, фақатгина кексалар, шунда ҳам яхши қариганлари, Леонард Колен, Жон Маял – Петер Маффаи. “Етти ҳаётда яшашинг керак”. У ҳам аллақачон олтмишни уриб қўйди, аммо ҳануз ўзига оро берувчи, чармдан қилинган лап-лушларни кийиб олувчи, Колен эса унга бутунлай зид равишда – эгнида ҳамиша костюм-шим, шляпа, қимматбаҳо нимчалар.

Бўлмагур гапларни ўйлаяпманми? Бу – ҳадикдан, кўрқувдан. Мен шу тўйдан, куёвтўра Бредовдан, Лайпцигдан, ҳатто ўзим ўзимдан, ўзимнинг ярмим – Ҳарридан, барча-барчадан кўрқувга тушганман.

Нима бало ақлдан озаяпманми? Бошқа ўйламайман, бўлди. Ҳозироқ боққа чиқаман, Ҳаррига қарапаман. Чувалчангдек заминда судралиш менга хос эмас, чиқиб у билан бирга у ер-бу ерни тартибга келтирай, ҳеч бўлмаганда Ҳаррига пиво олиб бора оламан-ку, ўзимга эмас. Йўк, яхшиси бундай қилмайман. У бугун етарлича ичди ўзи. Бироз олдин унга “Оқ танли малай” ҳақида гапириб берсам, ҳазилимни тушунмади ҳам. Тушунмай, анқайиб турган эди, мен унга: “Эй худойим, “Оқ танли малай” ҳақида ҳамма билади-ку, қўлма-қўл бўлиб кетганди, энг харидоргир китоб эди. Аҳмоқ Гуссе! Бу китобни кутубхонадан ўқиш учун олиб турмоқчи бўлганида, Криста мендан: “Лоре, бизда “Оқ танли малай” борми?” дея сўради. Мен унга бу ҳақда гапириб беришимга қарамасдан, у ростдан ҳам: “Биттагинаси борми, ўзи сизларда?” деса бўладими? Ақлдан озишимга бир баҳя қолди-я. Бу – кулгили воқеа эмасдир. Кейинги пайтларда кам кулаяпман, ёнмаяпман ҳам. Илгарилар яшаб, ёниб юрардим. Кўзгуда ғамгин кўзларга кўзим тушади, худди Ҳанне Лоре Эленор бир рекламада: “Менга умуман ёқмаяпсан!” дейди-да, бундай ҳорғин кўзларнинг давоси – витагопринт тавсия этади.

Бу – бир реклама, бироқ у ҳам менга ёрдам бермайди.

Оқ малайлар. Оқ танли малай. Бу ҳақда билмаслик ҳам мумкиндир. Майли, бу билан у ҳеч нима йўқотмайди.

Уилям Блейк. Шу чоғда уни эслашим мен учун бахтим борлиги эди. Демак, ҳали бутунлай ақлдан озмабман. “Бир томонда ақлим етган, мен билган нарсалар, иккинчи томонда билмаганларим, ақлим лол нарсалар, ўртада эса эшиклар”.

“Бўронда қолган отлиқлар”, Жим Моррисон – келишган эркак. Ўта ҳиссиётли. Петер Маффаи. Удо Юргенс-чи? Менинг фикримча, у ҳам ёмон эмас, аммо Петер Маффаи... Бунга қараганда нархи ҳам арзонроқ. Балки пулнинг аҳамияти катта эмасдир? Тўйга нима кияман, жин урсин, нима кийсам бўларкан? Бирор нима тиктирганим маъқулдир. Эндиликда ўлчамим ҳам ўзига яраша – 42, бу ўлчовда эгнингдаги кийимлар ҳам чўпга латта оспандек.

Бирор кўкишроқ мато танласаммикан? Бир умр бундай ранг киймагандекман. Илгарилари кўк ранг менга ярашарди. Ҳа, бу илгари эди. Эҳ...

*

– Ҳарри, сенга яна пиво келтирдим.

– Барака топ.

– Сенга қарашиб юборайми?

– Йўт-е! Йўқ, майли, қараша қол.Ўғитларни жойлай қол.

– Буни менга минг йилдан буён айтасан. Қандай қилиб жойлай?

– Ҳа... Мен ҳам сенга буни минг йилдан буён тушунтириб келаман.

– Ҳа-ҳа. Бўпти, тушунтириб ўтирма, ҳа ёки йўқ дегин, шунинг ўзи кифоя. Тиззанг оғримаяптими?

– Ҳозир оғримаяпти.

- Ҳалиям костюм-шиминг лойиқми?
 - Нега сўраяпсан? Боғда костюм-шимда ишлайми?
 - Лайпциг, мен Лайпциг ҳақида гапиряпман.
- Ҳалиям костюм-шиминг тўғри келадими-йўқми, шуни билмоқчиман.
- Бирга бораманми-йўқми, ҳали ишончим комил эмас.
 - Ҳарри, илтимос, умрингдан барака топ, бу ҳақда бошқа гапирингга қурбим етмайди. У бизнинг қизимиз, турмушга чиқяпти, тўйга борамиз, гап тамом.
 - Тамом эмиш, қизинг турмушга чиқишдан чарчамайди-ку!
 - Бу ҳақда баҳслашгим йўқ. Бўйинбоғинг ҳам борми?
 - Қорам бор, Когелнинг дафн маросимида таққанам-чи!? Аммо аллақачон урфдан чиққан.
 - Йўқ, у тўғри келмайди. Биз...
 - Биз ҳеч нарсага мажбур эмасмиз, Лоре! Анчадан бери бўйинбоғ тақмай қўйганман. Биласанми, Удо Юргенс учун ҳам кийимим йўқ.
 - Нега уни эслаб қолдинг?
 - Ўйлашимча, у тўйда куйлайди ёки ундай эмасми?
 - Йўқ, Петер Маффаи тўйда хизматда бўлади.
 - Уларнинг ҳаммаси бир гўр.
 - Шу ерда қанақалигинг кўриниб қолди. Петер Маффаи ва Удо Юргенс, улар худди – Пауло Коэло ва Саул Беллов сингари.
 - Ие, бу энди нима деганинг?
 - Бири ғирт аҳмоқ. Бошқаси эса... жин урсин, ҳозир айтаман, нимани назарда тутаётганимни билмайсан.
 - Нима бўлганда ҳам, бўйинбоғ тақмайман, ҳатто Каррераснинг ўзи тўйда қўшиқ айтса ҳам.
 - Каррерас қўшиқ айтса эди...
 - Бу – маданият дейилади. Афсус, бу тушунча

қизимизга ёт.

– Минғир-минғирингни бас қил, бардошим етмай-ди бунга, таъбимни хира қилма, ҳаммаси жонимга тегди. Мен...

– Лоре, бу ёққа кел, йиглама. Эй худойим, бу – ҳазил эди. Бундай демоқчи эмасдим. Бўлди қил энди, кел, бир қултум пиво ич.

– Эскисиданмас, янги идишдагидан бер. Мен сифатсиз пиволарни ёқтирмайман.

– Бу сифатсизи эмас.

– Қандай яхши! Илиқ экан.

– Жин урсин, сенга нима бўлди ўзи? Бўйинбоғни тақмаслигим сенга ёқарди-ку! Оппоқ ёки қоп-қора чиройли кўйлакнинг ўзи етарли эмасми? Хўп, жуда бўлмаса, ипақдан шарф ҳам тақиб оларман, бироқ фақат бўйинбоғ демагин. Шу ишни сенинг дафн маросимингга қолдирайлик.

– Аҳ, ҳали сен менинг дафн маросимим ҳақида ўйлаясанми?

– Менга мана шундай кўпроқ ёқасан, кел, пичингли гапларни кўйиб турайлик. Шундоқ ҳам умр бўйи шунақа яшаб келаяпмиз.

– Тўғри айтасан. Мен тўйга нима кийсам экан? Узунроқ бўлсинми?

– Йўқ-йўқ, ахир узун кўйлагинг йўқ-ку, шундай эмасми?

– Бор, қизил ипакли юбкам-чи? Кейин бирорта кофта...

– Йўқ, бундай қилма. Масхара бўлаемиз. Биз бировлар ногорасига ўйнай олмаймиз. Чиройли шим ёки Armani фирмасига мансуб қора кофта юбка кия қол. Шунда янада очилиб кетасан.

- Шимда тўйга бора олмайман.
- Унда шимсиз боравер. Ана яна куласан ҳозир. Қара, хонқизи! Ҳалиям атрофимда айланиб юрибди.
- Қанийди, менинг ҳам чалгитадиган, овутадиган нарсам бўлсайди, худди сенинг богинг сингари.
- Китобларинг бор-ку!
- Эй Ҳарри, китобларда нималар ҳам ёзилар эди...
- Хўш, нималарни ёзишади?
- Амалга ошмаган муҳаббат ҳақида, кексайиш ҳақида, ўлим ҳақида, даҳшатли болалик ҳақида.
- Унда энди бошқа мутолаа қилма. Ҳаётингда етарлича ўқидинг.
- Ҳарри.
- Ҳа?
- Биз ҳақиқатдан бахтиёрмизми?
- Саволни бошқачароқ қўйиш керак. Бахт нима ўзи? Бахтли бўлмоқ дегани нима?
- Биз шундаймизми?
- Баъзида...

12. ҲАРРИ

Жонажон боғим! У гўё қалбимда унган чечак. Ё қудратингдан, ана шу уйни сотиб олган чоғларимиз боғ ишларига ақлимиз ожиз эди. Ҳар бир фаолиятнинг бошланғич баҳонаси - барини жайдари табиат ихтиёрига қўйиб бериш кишини романтик ҳисларга чўмдириши сохта хулоса эканидан далолат берди. Ўшанда маймунжон, қичитқи ўт ва яна ойбойдиргон буталари кишини ваҳима исканжасида қолдирарди.

Кейинчалик қўшнилар шамол ёввойи боғимиздаги ўт уруғларини ишлов берилган боғлари томон учириб келаётганидан шикоят қила бошладилар. Улар инглиз чими ётқизилган ўтлоқларида момақаймоқ гуллари кўришни хушламай қолишганди. Лоре бўлса боғ ишларига қўл уришни истамади. Шундай қилиб ушбу юмушни мен ўзим ёки бўлмаса боғдорчилик билан шугулланувчи бирор-бир фирма ўз зиммасига олиши керак эди. Бошқа ким ҳам бўларди! Ота-онам қўйилган қабрларнинг ёнгинасида ўша фирмадагиларнинг баъзилари ўз бефаҳмликларини кўрсатиб қўйишган эди.

Отам темир йўл боғдорчилик жамиятида миришкор боғбон бўлгандилар. Бироқ ёшлик чоғларимдаги қизиқишларим отамникидан тубдан фарқ қиларди. Лоақал бирор бир ўсимликнинг номини ёддан билмасдим, мабодо отам ўзининг боғдорчилигу ундаги ўсимликларга бўлган иштиёқи ҳақида сўз бошлаши билан энсам қотиб, қулоқларим қоматга келарди.

Мажбур бўлсанг, бўйин эгаркансан. Мана бугун бутун машаққат ўз гарданимга тушган. Боғдорчиликка оид китоблар харид қилдим, боғдорчилик уюшмаларига қатнаб отамнинг кекса темир йўлчи боғбон ҳамкасблари

билан маслакдош бўлдим. Шу соҳадаги маълумотларни йиғдим, ўқидим, режалар туздим, ёш ниҳоллар сотиб олиб, уларни боғимга ўтқаздим, барча қилиши мумкин бўлган хатолар қилдим, илк ютуққа эришдим, билимларимни чархладим ва ниҳоят бир неча йиллардан сўнг ҳавас қилгулик боғ барпо этдим. Энг муҳими: боғ иштиёқларимни қондирувчи булоққа айланди. Эндликда парвариш қилаётганим ҳар бир гиёҳ менга таниш, уларнинг лотинча номлари ҳам қалбимга ўчмас бўлиб битилган, жўякларда барқ уриб очилган атиргул кўчатлари борасида ҳам етук мутахассисга айландим, гулларга йил бўйи парвонаман, ҳатто боққа сарф бўлган вақт ичида киши қанча китоб мутолаа қилиш мумкинлигини ҳисоблаб чиққан аёлим Лоре келган меҳмонларга фахр билан: Ҳарри ғайратли миришкор, - дея таъкидлаб кўядиган бўлди. Менинг фаҳрим бўлса кўпчиликникидан фарқ қилади: ушбу боғимда майсадан нишон ҳам йўқ, бас шундай экан бу ерда на майса ўриш ускунаси ва на ускуна шовқини бор. Бу ерда ишлов берилган жўяклар, навниҳоллар, майдатош ётқизилган айлана йўллар кўвонтиради. Яна Лоре бажонидил мутолаа қиладиган атиргул навалари безаган кулбача. Ҳа, боғ юмушлари мен ўйлагандан-да кўпроқ меҳнат талаб этарди. Мабо-до боғни бирор ҳафтагина эътиборсиз қолдирсанг жазо муқаррар.

Ростини айтганда сўнгги вақтларда боғ ишлари бир ўзимга оғирлик қила бошлади ва мен кўп нарсаларни енгиллаштирдим, янги турдаги ўсимликлардан воз кечиб, менга маъқул ва яхшиларини кўпайтирдим. Ишлар чаппасига кета бошлади. Бу менга: Ҳарри кексайибсан, - деган, - Ҳарри, бир кун келиб кутилмаганда бу оламдан ўтсанг ҳолим не кечади, - дея сўраган боғ. Аёлим Лоре

мендан сўнг ҳаётини ўз изига сола олиши тайин. Бироқ бог ишларига бир ўзининг қурби етмайди. Ҳойнаҳой, уйимизни сотиб юборади, мақбул йўли ҳам шу менимча, эҳтимол боғни қаровсиз қолдиради.

Бу боғимнинг бошқа ҳеч ким билан сирлашмайдиган, фақатгина иккимиз орамизда айланадиган азалий саволи: Ким эртароқ оламни тарк этади, ким кимни ортида ёлғиз қолдиради, ким ёлғизликка маҳкум бўлади?

Ажабо, Лоренинг қалбида ҳам мана шундай ўйлар кечаяптими, буниси менга қоронғу, ажали етган биринчи бўлади дейишади. Бу қўрқувми?

*

– Айт-чи Лоре, одам боласи ажал деган даҳшатга биринчи бўлиб пешвоз чиқишни ният қилиши ожизлик деб аталадими?

– Ҳеч кимга айтмай кетишни кўзладингми дейман?

– Сендан жиддий сўраяпман.

– Ҳарри, бундай бемаъни ўйларнинг кимга кераги бор? Уртача умр меъеридан ташқари ҳали яна йигирма йил қўшимча яшашимиз керак ... мен ҳатто йигирма икки баҳорни кўзлаб турибман.

– Бу саволимга жавоб бўла олмайди.

– Ҳаётимиз ниҳояси ҳақида ўйлашни истамайман. Бу бемаънилик-ку, ахир. Шундоқ ҳам ўйлаганларимиз кутилганидан-да бошқачароқ бўлиб чиқади. Эртага кўчада кетаётганимда мени йўловчи бир машина уриб кетади-ю, шу билан бари тугаши мумкин. Сен билан ҳисоблашиб ўтирмайди ҳатто.

– Йўқса, гапларимга кўн.

– Нима?

– Айтмоқчиманки, эртага кўчага чиқсанг албатта.

– Яхши Ҳарри, яхши.

– Аслини олганда ҳақсан. Баъзида ёлғиз қолишдан қўрқаман. Бир ўзим мана шу уйда ёлғиз мўтираб қолишдан.

– Ҳа. Бу ҳақда ўйлашни ҳам истамайман. Сендан ўтинаман, Ҳарри, бундай совуқ нарсалар ҳақида суҳбатлашмайлик. Фақат бугун эмас, майлими?

– Яхши. Демак, васият тўғрисида сўз очишдан маъни йўқ?

– Шубҳасиз, Ҳарри.

– Бизнинг ёшда васиятномасини битирмаган кимсани учратганим йўқ ҳали.

– Аксинча, бирор бир кимсани васият битганига кўзим тушмади.

– Одамлар бу ҳақда жар солишмайди. Ёзишади, бас.

– Укам ҳам мана шундай васият қолдирган деб ўйлайсанми?

– Теоми? Аллақачон, бундан ўттиз йил муқаддам. Ҳар бир муваффақиятсизлиги, учратган ҳар бир аёлидан сўнг васиятини мунтазам янгилаб борган. Кармен укангни ташлаб кетган палланинг ўзидаёқ у барини янгиттан ёзди. Унинг ўзи менга бу ҳақда сўзлаб берганди.

– Хўш, эндиликда Рита ягона меросхўрми?

– Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Фақат, аҳмоқ қиз уканг унга бутун қарзларини мерос қилиб қолдирганидан хабари йўқ.

– Шўрлик Рита, у ростдан ҳам аҳмоқ қиз.

– Ўша қиз юзини торттирмаганида аллақачон ўз жонига қасд қилган бўларди.

– У билан яқиндагина Wellnesbad⁷ да учрашиб қолувдик. Тасаввур қилгин-а, бутун азойи баданига сирға тақилган, яна игна билан туширилган суратлар бор эди.

⁷ Wellnesbad – Ҳамбургдаги соғломлаштириш бассейни

- Бутун азойи баданига дейсанми? Яъни?
- Бас қилсанг-чи.
- Хўп яхши, тушундим. Буларнинг барига ўша чаласавод уканг айбдор деб биламан.
- Билмадим, эҳтимол.
- Бу аниқ.
- Менга айт-чи, ўзи васият қандай ёзилади?
- Демак, шу мавзуда сўзлашмоқчисан?
- Худо ҳаққи, Ҳарри.
- Ўз ниятларини қоғозга қоралаб, бирор бир васият уйига сақлаш учун қўйилса бас.
- Бунинг учун улар пул олишадими?
- Бундай ташкилотларнинг маслаҳат беришлари аҳамиятга молик албатта.
- Ҳарри, катта корхонани мерос қолдираётган бўлганимизда эди, ўша идораларга мурожаат қилсанг бўларди. Ўзи шундоқ ҳам барчаси аён ... барини келишиб қўйганмиз: нимамиз бўлса сен уларни менга, мен эса сенга қолдирмиз.
- Янглишасан. Ахир бизни бурчимиз бор: болаларни ҳам меросдан ўз ҳақлари бор.
- Хўп яхши, Глорияга ҳам давлатингни бир қисмини васият қила қол.
- Лоре! Биз қолдирган мерос келажакда қизинг учун арзимаган қийматга ҳам эга бўлмаслигини тушунишимиз керак.
- Эҳтимол ундай эмасдир. Ким билсин, никоҳ маросимида турмуш қуриш қароридан қайтиб қолар.
- Бунга ўзинг ҳам ишонмайсан-ку.
- Ундай бўлса буларни кимга мерос қилиб қолдирмоқчисан? Ё кўмакка муҳтож сирли хуштор топиб олдингми?

– Лоре, болалик қилмасанг-чи.
– Уни қара-я!
– Шунчаки васият мавзусидан ўзингни олиб қочяпсан,
холос.

– Ҳақ гап.

– Ана холос.

– Уни қара: яқиндагина ҳамкасб аёл Дрекселнинг дугоналаридан бири ўз отасининг дафн маросимида бўлди. Беваси ва унинг беш нафар вояга етиб қолган фарзанди юзига аза пардаси ёпиб олган бир аёл уч боласи билан қабр бошида туриб, мархумга мотам тутаётганини кўриб ҳайратда эдилар. Бундан аёнки, мархум ҳаётлик чоғларида нақ икки турмуш соҳиби бўлган. У Штутгарт шаҳридаги фирмаларнинг бирида вакил бўлиб фаолият кўрсатган чоғлари бутун Германиянинг жанубий ва жануби-ғарб ҳудудларида хизмат сафарида бўлган. Унинг бир оиласи Мюнхенда бўлса, яна бири Фрайбургда бўлиб, иккала оила ҳам бир-бирлари ҳақида ҳеч нима билишмаган. Мархум иккала оила учун бирдек ҳашаматли уй сотиб олган, у иккала оила учун ота бўлди, хизмат сафарлари туфайли бутун умри сафарда ўтди. Бемаънилик, шундай-масми?

– Романлардаги воқеаларга ўхшайди. Чарлес Линдбергнинг ҳам бир оиласи Германияда, яна бири Америкада эмасмиди?

– Ҳа, худди шундай. Сени-чи, Ҳарри, сенинг иккинчи оиланг қаерда?

– Улар ҳам Мюнхенда.

– Хонимчангни исмларини билсак бўладими?

– Уши Глас.

– Ҳарри, нима қилсанг қил-у, менга бундай азоб бер-ма!

– Хўп яхши, айтмаганим бўлсин. Лекин бунақа икки хотинлик бўлиш менга ортиқчалик қилмаган бўларди.

– Дрекселнинг таъкидлашича марҳум Мюнхенда ҳам, Фрайбургда ҳам энг яхши, мулойим ва садоқатли оила раҳбари бўлган. Ҳар иккала оиласига бирдай жон куйдирган.

– Ҳа, баъзилар биттагина оиласини эплаб бошқара олмайдилар-у, бошқалар нақ икки оиланинг устунлиги бўлишади, қолаверса ўша кимсанинг васиятномаси ҳам жуда қизиқ бўлса керак.

– Нима сабабдан яна ўша нохуш мавзуга қайтаверамиз.

– Майли, бугунча етар.

– Ва ниҳоят оқилона қарор, Ҳарри.

– Ҳа Лоре, яна бир нарса: илтимос, эртага кўчани кесиб ўтмасанг. Сен менга ҳали кўп керак бўласан.

– Бу негадир муҳаббат изҳоридек эшитиларкан.

– Шундай деса ҳам бўлаверади.

13. ЛОРЕ

Ё Тангрим, онамларникида асабларим дош бермайди. Бечора кўзлари очик, бироқ ҳеч нарсани кўрмайди, тилдан қолган, ҳеч нима ҳис қилмайди ҳам, балки ҳис қилар, аммо бу ҳақда ҳеч кимга айтолмайди. Жиндек ҳислар мавжуддир онамда, лекин нимани ҳис этаркан? Болалигини хотирлармикан? У худди болалик суратларидагидек ингичка соч ўримли кичкина қизалоқ гўё. Мен унинг қўлларидан тутаман холос, кичкина радиони ёқаман, виолончел жўрлигидаги мусиқани тинглаймиз, бу Менделсоннинг ажойиб концерти-ку! Мен ҳар бир оҳангни ҳис қиламан, кейин виолонче жўрлигида мусиқа қўйишди. Ё чалкаштириб юбордиммикан? Ҳар доимгидек ҳамма нарсанинг оёгини осмондан қилиб қўяман ўзи. Бироқ кимники бўлишидан қатъи назар Брантми ёхуд Менделсон, мусиқа ўта жозибали эди, жон қулогим билан тингладим ва завқ олдим. Ҳа, мен мусиқани тингладим. Онам-чи? У ҳам тинглай олдимикан? Табассуми ҳам, ҳаяжони ҳам сезилмайди. Фақат кетиш учун унинг қўлларини қўйиб юборганимда юзини мен томон бурди, худди мени яна бир бора кўриб қолишни истагандек. Бироқ муштипаримнинг кўзларида ҳеч қандай маъно йўқ, бўм-бўш эди. Ўрнимга қайтиб ўтирдим ва узоқ йиғладим, кейин, кейин Глория, Ҳарри, ўзим ҳақимда гапира кетдим. “Эҳ, онажон, – дедим мен, – айна дамда мен сенга, ҳазилларингга, пичингларингга, маслаҳатингга жуда зорман. Ҳеч кимга озор бермаган эдинг. Нима қилсанг ҳам ҳақ бўлардинг. Мен ҳам ҳамиша ҳамма нарсани тўғри ҳал қилмоқликка ҳаракат қиламан. Менга уйғунлик керак. Ҳарри сингари бефарқ бўла олмайман, қўл силтай олмайман ҳар ишга, унингдек “менга барибир”, дея олмайман”.

Гапираётганимда онам шўрлик мени эшитаётганмикан? Нима бўлганда ҳам бироз енгил тортдим. Ошқозонидаги зонтга боғлиқ шўрликнинг ҳаёти, агар бундай яшашни ҳаёт деб бўлса. Мен бундай ётишни, тўшакка михланиб қолишни истамас эдим.

Кетаётганимда иккита қария даҳлизда аравачаларда ўтиришган экан, улардан бири сўради: “Автобус қачон келади?” “Ҳозир келади, Гойбнер хоним”. У ҳар доим мактабга боришим керак деб ўйлайди. “Яхши, – дейди у, – мактабга боришим керак”.

Одамзотнинг бошидан нималар ўтмайди, дейсиз. Умримиз якунида яна гўдакка айланиб қоламиз.

Мен Глорияга нима совға қилишни энди биламан. Бу фикр даволаниш масканидан қайтаётганимда миямга келди. Унга онамнинг марварид маржонини бераман. Ўзим учун қадрли бўлган бу тақинчоқни Глорияга тухфа этаман. Тўғриси айтсам, тақинчоқларга унча ҳушим йўқ, бироқ онам ҳамиша ясаниб юрарди. Бу пайтда у янада очилиб кетарди. Бирламчи енгил инфарктдан кейин онажоним ўзига жуда ярашиб турадиган марварид маржонини менга ҳада қилди. Ўзимда ҳам бор эди, отам совға қилган эди, ўшанда ота-онам ажрашишган, отам мени кўргани келганда шу тақинчоқни тухфа қилган эди. Худди онамникига ўхшаш, аммо онамники хиёл каттароқ, отам бергани эса кичикроқ, бироқ узунроқ эди. Мен иккаласини бирлаштириш истагида онам касалхонага ётқизилгач, дурларимни заргарга олиб келдим. Дурларнинг ипини мустаҳкамлаб, таъмирлаб беришини сўрадим. Ким эди ўша аёлнинг исми? Хоним... хоним... Майли, барибир эмасми энди? Мен ўша хонимдан дурлар терилган ипни янгилашни, бироз қисқароқ қилиб беришини сўраган эдим. 150 евро бўларкан. Маржонни олиб кетаётганимда, ўша аёл менга:

“Дурларингизнинг биттаси ҳақиқий эмаслигини билсангиз керак?” – деб қолди. Бу мени таавасага солди. “Йўқ, – дедим мен, – билмасдим, қанақасига сохта?”

“Бутунлай қалбаки, – деди у, – бошқаси ҳақиқий дур”. Мен шошилиб: “Буни билишни истамайман”, – дедим. Билишни истамаганим, отамнинг ёлгончи эканлиги ёки 14 ёшли қиз учун сохта тақинчоқлар ҳам бўлаверади, деган аҳмоқона фикрда бўлганими ёки онамнинг ҳамшиша қизганчиқлик билан қалбаки дурлар тақиб юрганими? Буни билишни хоҳламасдим. Отам адашгандир, деб қўя қолдим. Лекин мен онамнинг дурларини Глорияга совға қилмоқчиман-ку, унда дурларнинг сохта ёки ҳақиқийлигини фарқлай билишим керак. Тўғри, шу бугуноқ яна яхшилаб текшириб кўраман уларни. Балки Зелмадан сўрарман ёки бўлмаса Шрекендорф хонимдан, ҳа, энди топдим, ўша аёлнинг фамилияси шундай эди – сўрарман. Шрекендорф хоним, яхшиямки бу аёл эсимга тушди, ундан сўрасам бўлади.

Глорияга маржонимни ва эски бриллиант узугимни совға қиламан. Мен уларни барибир тақмайман, шундай бўлади. Яхши, ҳеч бўлмаганда шу масала ҳал бўлди-ку.

*

– Ҳарри, нима пиширишни билмаяпман. Ҳеч нарса эсимга келмаяпти.

– Анчадан бери гулкарам емадик, шуни пишира қолгин.

– Яна-чи?

– Картошка, мен эса грилда сосискалар пишираман.

– Жуда ёгли-да.

– Жуда мазали-да.

– Эсингдами, Глория бир неча йил олдин вегетариан бўлгани? Ўша кезлари умуман гўшт истеъмол қилмасдик.

Ғирт масхарабозлик – котлетлар ҳам, колбаса, товук ҳам емасдик, фақат гуруч ва сабзавотлар билан қорин тўйгазардик. Кейин яна кунлардан бир кун: яна Карривурст⁸.

– Усиз иложи ҳам йўқ эди-да.

– Иложи бор, инсон организмга оз миқдорда бўлса ҳам, гўшт керак бўлади, тўғри гўшт кундалик эҳтиёж эмас, жуда кўп истеъмол қилиш ҳам керак эмас, аммо озгина...

– Менга қара, қачондан бери дур тақадиган бўлиб қолдинг?

– Эҳ, шуни ҳам кўрдингми?

– Ҳа, албатта. Бу қайси дур? Онангникими? У бир қатор эмасмиди?

– Қарагин, бу иккита маржон: бири отамдан, иккинчиси онамники. Фарқини кўряпсанми?

– Йўқ, ҳаммаси бир хил катталиқда-ку.

– Баъзилари бошқаларидан кўра ҳақиқийроқ кўриняптими?

– Уларнинг ҳаммаси қалбаки бўлади. Шишами ёки...

Энг ҳақиқийсига одамзотнинг пули етмайди.

– Лекин сен фарқни сезмаяпсан, тўғрими?

– Йўқ, нимага эди?

– Мен Глорияга биттасини совға қилмоқчиман.

– Глория дур тақадими?

– Ҳар бир аёл тақади.

– Бироқ сен эмас.

– Мана буниси нима?

– Ё Парвардигор, қўйсанг-чи. Дарвоқе, гўшт масаласи, қачондан буён сенга гапириб бергим келаётганди, яқинда Эде билан янги очилган пивохонага борган эдик, у ерга

⁸ Карривурст - қовчириб устига кетчуп ва зира солинган со-сиска

япониялик тадбиркорлар ҳам келиб қолишди ва уларнинг бари чўчқа сонидан емоқчи бўлишди. Уларнинг иккитаси немис эди. Аввалига еттита сонни, ундан кейин эса саккизта чўчқа сонини паққос туширишга интилишди. Немислар гўштни пичоқда майдалашар, японлар эса жаҳл билан каттакон гўшт бўлагини ҳадеб чуқулашар, сал янглишиб кетишса, бўлаклар ўта майдалашиб кетар ва яна бошидан бошлашларига тўғри келарди. Шу тариқа қанчадан қанча чўчкалар бекорга нобуд бўлганини англаш қийин эмасди.

– Мен эса бу ҳақда ўйламайман ҳам. Сен ёқтирган сосискалар ҳам бир пайтлар тирик мавжудот бўлган.

– Йўқ, Лоре, мен севиб тановул қиладиган сосискалар ҳамиша сосискалигича қоладилар.

– Ҳа, ҳа, худди Ританинг мўйнасидек, пальто тикилгунича ҳайвонлар ўлади, дейди у ҳамиша.

– Рита ҳақ, гапиришни бас қил. Айтганча, улар Лайпцигга бирга боришадими?

– Уларнинг у ерда нима ишлари бор, жин урсин!

– Тео Глорияни чўқинтирган-ку!

– Ҳа, деярли қизимиз 18 га киргунига қадар омонат кассадаги бироз пул, кейин у ҳақида умуман қайғургани ҳам йўқ.

– Глория учун яна қандай қайғуриши керак эди?

– Уларнинг бирга боришларини истамайман.

– Мен ҳам, биз поездда борамиз, шундайми?

– Шубҳасиз, бошқа томондан қараганда эса, машина билан тезроқ қайтиб келардик-да!

– Мен сени у ёққа боришни астойдил хоҳлайсан десам, алақачон тезроқ қайтиш ҳақида ўйлаяпсан.

– Тўйга бораман, деб ўлиб турганим йўқ. Афсус, боришимиз шарт.

– Бундай бўлмайди, фариштагинам.

- Ана энди иштаҳам очилди.
- Унда дўконга бориб келай. Бизга нима керак бўлади?
- Музлаш учун каттакон халта.
- Йўқ, мен бугунги овқат учун деяпман.
- Паркет учун лак ва ҳожатхона қоғози.
- Лоре, уч соатлик харидга тоқатим йўқ, бугунги овқатланишимиз учун, деяпман. Хўш?!
- Унда бизга ҳожатхона қоғози керак.
- Эй худойим, унда ўзинг бор дўконга, нима керак бўлса харид қиласан!
- Қанчалик хасиссан-а?! Доимгидек.
- Хасис эмасман... Унут бунни, мен боғдаман.
- Ҳа, ҳа, боғдасан. Бошқа ҳеч нарса дея олмайсан ҳам. Ҳаммасини ўзим қила оламан. Ҳар доим ҳамма нарса – менинг бўйнимда ўзи.
- Айни дамда бўйнингда кулгини қистатадиган дурлар. Бошқа ҳеч нарса...
- Кўнглимни оғритишга устаси фарангсан.
- Ун сотиб олишни унутма. Ҳа, яна бир-икки шиша пиво ҳам ола кел. Йўқса, бирор ишга қўлим бормайди.
- Икки-уч шишами?
- Беш шиша!
- Яна бирор нима керакми?

14. ҲАРРИ

Лайпциг шахрининг Нобел жамиятидан шундай кўнгилсиз хабарлар тарқалишда давом этаркан, аёлим Лоре никоҳ маросимига бориш ниятидан қайтиб қолиши турган гап. Бўлажак келин кечагина онасига келинлик либоси оппоқ қундуз мўйнасидан бичилганини хабар қилди. Лоре бўлса газаб оловида ёна кетди. Бутун умри давомида у бир маротаба бўлса ҳам мўйнали либос киймаган, жониворларни асраб авайлаш тарафдорлари томонида бўлиб, жониворлар терисидан либос тикишга қарши, номигагина гўшт истеъмол қилар, боиси жониворларнинг оммавий қирилиб кетиши каби даҳшатни кўтара олмасди. Тақдирнинг ҳазилини қарангки, бир вақтлар қизимиз Глория тарбиямизга кўра ожиз жониворлар ҳимоячисига ўргатилганди. Кейинчалик ўн тўрт ёшиданоқ гўшт емай қўйди. Ўн олти ёшида бўлса жониворлар терисидан фойдаланишга қарши оммавий намойишда қатнашди. Бир куни мўйнали либос кийган бир йўловчи аёлнинг адабини бераётган бир паллада уни тартиб посбонлари қўлга олишди. Глорияни миршаблар маҳкамасидан чиқариб оларканмиз, у билан фахрлангандик. Яқдиллик мақсадида қизимиз билан бир қаторда биз ҳам гўшт маҳсулотларидан тийилиб яшадик. Лоре-ку бу ҳолга тез кўниб кетди. Мен бўлса баъзи-баъзида дўстим Эде билан ҳеч кимга билдирмай мол гўштини қовуришни қиёмига келтирадиган ошхоналарга бориб, хумордан чиқардик. Эндиликда бўлса Глория яна гўшт ея бошлаган, унинг қизчаси ҳам бундан мустасно эмас деб ўйлайман. Рост бунисини билмадим, бу мени қизиқтирмайди ҳам.

Сентябр ойининг иккинчи кунигаги никоҳ маросимларидан биридаги қундуз мўйнали либос! Ишонгин келмайди.

Афсус, никоҳ маросимиға боришни бекор қилишда Лорени газабидан фойдалана олмаганим чакки бўлди-да. Лоре қизи Глорияни қундуз мўйнали либосдан воз кечишга кўндира олишига ишонади. Менинг эса бунга шубҳам бор. Аёлим онасини ҳам шунга кўндирмоқчи бўлаганди. Қайнонам Лени тери маҳсулотли либосларни ҳатто ёзда ҳам эгнидан қўймасди.

Эҳ, Лени. Кеча уни кўргани боргандим. На нигоҳларида илиқ бир яқинлик бор ва на бир ҳислар учқуни. У гўё космос фазогири мисол найча орқали озиқланар, унда фақат узоқ ётганидан букилган жусса, қоқ суягу тери қолган, бошқа ҳеч нима, буларнинг бариға сабабчи эса аёлнинг ҳолидан хабар олмаган, эндиликда ҳам келиб кўришни ўзига эп кўрган ёлғиз ўгли Тео. Кутилмаганда Теонинг хаёлидан аҳмоқона ўйлар кеча бошлади, тиббий дорилар билан ўлимни тезлаштириш ишлари ҳақида жавраб, яшаш умидини сўндира кетди. У ўз онасидан ҳазар қиларди. Ўзини доим опасидан сўнг тургандек ҳис этиб, мунтазам таъна тошларини отди. Тео мактаб кезларида ҳам қоқоқ ўқувчилардан бўлиб, тарбияси оғир, азалдан лўттивозлик билан кун кечириб, бугунги кунда ҳам ўз қиёфасини йўқотмаган. Лени тиришқоқ, толеъи кулган жажжигина оқила иқтидорли қизи Лорени ундан ортиқ кўрарди. Афсуски, Лени ва Лоре ўртасидаги муносабатлар бирдек эмас, Ленида матонат, қатъият ва шахсиятпарастлик ҳукмрон эди.

Шундай бўлса-да у мен учун эъзозли бўлиб келган... қадрлаганман, боиси бугун Санкт Антониус касалхонасида ётган аёл энди у ҳақда минглаб ҳикоялар айтишим мумкин бўлган Лени эмас, доим ажабтовур воқеалар сабабчиси бўлган, менга қарийб ўн беш йил, балки ундан

ҳам узоқроқ йиллар мобайнида туғилган кунимда АЛДИ⁹ дўконидан “Инсондаги сармаст руҳ” номли ичимлик совға қилишни канда қилмасди. Ҳамиша АЛДИ дўконига бирга борардик. Унга бу ёқарди. Лоре онасининг бундай хасислигини пасткашлик инъикоси деб билар, Ленининг айнан ана шу табиати билан ҳеч ҳам чиқиша олмас, шу сабабми харид учун бўладиган йўлда бизга ҳеч ҳам ҳамроҳ бўлмасди. Менга эса Лени билан дўконга бориш ўзгача бир завқ бағишларди. Иккимиз ҳам харид аравачасини олиб, ҳар ким ўзи учун харид қиларди. Баъзида Лени учун ҳам ёнимдан тўлардим, гоҳида эса ҳар ким ўзи учун тўларди. Бу худди ўйинга ўхшарди. Тўловлар туфайли ўртамизда келишмовчилик чиқмаслигини истасам, Ленининг харид учун ёнидан тўлашни урдасидан чиқиши унга спорт мусобақаларидаги баланд чўққиларни забт этишдек гап эди. Гоҳ у ҳамёнини уйида унутиб қолдирар, ё бўлмаса уни атайин тушириб юборар, ҳамёнини имилаб қўлига олгунига қадар бардошим етмай унинг учун тўлаб юборардим. Бир кун туғилган кунимдан роппа-роса ўн тўрт кун аввал Лени ваъда қилган “Инсондаги сармаст руҳ” ичимлиги қутисини олиб: “Мана туғилган кунингга аталган совға, шундан ола қол, кейин совгани ўратиб ўтиришга ҳожат қолмайди”, деди. Совға учун ҳам ёнимдан тўлаб, кейинроқ машинада Ленига миннатдорчилик ҳам билдирдим. Бундай воқеалар Лени учун оддий ҳолга айланиб улгурган, менга эса руҳий кўтаринкилик бағишлар эди. Тўшакка миҳланиб ётишдек азобни ўзимга раво кўрмасдим, сени ҳам бу ҳолатда кўришни хоҳламасдим.

⁹ АЛДИ - нисбатан азон маҳсулотлар билан савдо қиладиган савдо тармоғи.

– Лоре, онанг Ленининг банкдаги ҳисоби шу икки ой ичида тамом бўлади. Энди укангга бундан буёғига касалхона харажатларининг ярмини ўз зиммасига олиши лозимлигини ётиғи билан тушунтир.

– Ё Парвардигор, бу жанжал келтириб чиқаради, холос.

– Ўзимиз барча харажатларни кўтара олмаймиз, деб қўрқаман.

– Сен ҳақсан, буни тушуниб турибман, бироқ ...

– Укангнинг ўзи онангнинг умрини шу тарзда узайтиришни истади. Шундай экан, у ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшсин.

– Буни унга тушунтира оласанми?

– Истамайман. Унга қандай муносабатда эканимни ўзинг яхши биласан.

– У менга қулоқ солмайди.

– Бир вақтлар Тео билан яна қайта юзма-юз келсак, унга бир парча қоғоз пул ҳақида умуман оғиз очмасликка ўзимга сўз берганман.

– Ҳарри, буларнинг бари ўтмишда қолди. Умуман олганда ўша пайтларда нима бўлганидан хабарим ҳам йўқ.

– Нима, ростдан ҳам ўша воқеадан беҳабармисан?

– Йўқ, Ҳарри, чиндан ҳам хабарим йўқ.

– Бу воқеа иккала Германия бирлашган кезлари содир бўлганди. Тео қўлида ялтироқ муқовали каталог билан келиб қолди. Эрфуртдаги солиқлардан холи кўчмас мулк диққатимизни тортди. Эде шу заҳотиёқ каталогни ёпиб қўйди. Мен биноларни бориб кўрмоқчи бўлдим. Тео пайсалга солди, бироқ кейинроқ мен билан Эрфуртга борди. У менга энг олди уйларни кўрсатди.

– Ҳа, эсимга тушди.

– У кўрсатган уйлар-ку кўнгилдагидек эди. Аммо бошқаларини кўриб бўлмас, ташландиқ, бутунлай хароба эди. Бу товламачилик эди. Биз-ку чув тушганлардан эмасдик. Бироқ Эденинг уч юз минг маркаси ҳавога совурилади. Тео эса тўсатдан бор-йўгидан ажралди.

– Бугун унинг давлати ошиб-тошган деб ўйлайсанми?

– Уларнинг ҳозирги ҳаёт тарзига разм солиб кўр: Тео Ягуарда, Рита Мерседес Кабриода юради, уй учун эса уч минг евро ижара ҳақи тўлашади. Барбадосда дам олишади, Давосда чанги учишади....

– Эҳтимол буларнинг бари қарз ё насия эвазигадир.

– Маблагини қаердан олишининг менга қизиги йўқ, истаса онасининг харажатини ҳам қарз эвазига кўтарсин.

– Ҳарри, биз ҳам Барбадосга бормаймизми?

– Йўқ, нимади?

– Давосга-чи?

– Йўқ, лекин....

– Эски Мерсинг бўлишини истамайсанми?

– Нима бўлди ўзи сенга, Лоре?

– Тео ва Рита учун муҳим нарсалар биз учун аҳамиятсиз, шундай эмасми?

– Шундай.

– Қизимиз бекаму кўст яшайди.

– Эҳтимол.

– Сўнги манзилга ҳам қуруқ қўл билан кетамиз-ку, ахир.

– Шундайку-я, аммо қачонгача гина қилиб юрасан?

– Ҳарри, ўша бетавфик, бемехр укамга онамнинг сарф-харажатларини ярмини тўлашни сўраб, эшиги остонасига бош уриб боришини истамайман. Унинг бемаъни маърузаларини ва охир-оқибатда рад жавобини эшитишга тоқатим йўқ. Мана орадан қанча вақт ўтибди ҳамки, онамнинг ҳолини сўрамади. Бу уни ҳатто қизиқтирмайди ҳам.

- Майлику-я, лекин...
- Ўтинаман, бас қил, имкониятим етса, унга ялинмай-лик.
- Қурбимиз етадику-я.
- Унда ўзимиз тўлай қолайлик.
- Майли...
- Ҳолатимни тушуниб турибсан-а.
- Шубҳасиз...
- Биринчи марта ноқулай аҳволдаман.
- Биламан.
- Шу феълим билан ҳам мендек аёлга тоқат қила оласанми?
- Сени шундайлигингча севаман.

15. ЛОРЕ

Кеча Ҳайди билан шаҳарга тушдик. Кайфиятим кўтарилгандек бўлди, бироз айландик, дўконларни кўздан кечирдик, свитер харид қилдик, Пеек&Глоппенбург магазинидан шампан виноси сотиб олдик. Қизиқ, ҳозирги қизларнинг ҳаммаси қомат касалига гирифтор бўлишган, ҳаммалари шамол учириб кетар даражада қилтириқ, бунинг устига Ҳаррининг тили билан айтганда дуч келган жойларини бир неча бор тешиб олишган. Мен Ҳарридан фарқли ўлароқ ҳамиша уларни тушунишга, ёшлар ўзларини нималарга ҳақли деб билсалар ўшани қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан, аммо барибир очигини айтидиган бўлсам, бундай ножўя хатти-ҳаракатларга ақлим етмайди, сира тушунмайман, бу каби ҳаракатларни иллат деб биламан, аҳмоқгарчиликдан ўзга нарса эмас, деб ўйлайман. Уларга ҳатто назар ташлашга хижолат бўлади одам. Киндикка-ку майли, бечора тилда нима айб, унга ҳам ҳалқа осиб олишади, шўрлик қовоқлар-чи, бурун-чи, улар ҳам тешилиб, алламбалолар тақиб ташланган. Даҳшатнинг ўзгинаси. Рита ҳам ёшига ярашмаган ишларни қилади: бутун танасининг тукларини соқол олгичда қиради, татуаж қилдиради, у ер-бу ерларини тешиб, турли балоларни осиб олади. Қариб қуйилмаган. Кексайиб, мижговга айланиб қолдимми, дейман. Ҳа, балки шундайдир. Крахмалланган, ҳурпайиб турадиган юбкаларимиз, металл камарларимиз билан биз балки одамлар кўзига телбанамо кўринармиз? Илгарилари оналаримиз шундай қилишса, уларни жозибасиз, замондан орқада қолганликка йўярдик. Ўша пайтлар қирққа кирган аёллар қари ҳисобланардилар, улар ўзларини кексалар қаторига қўшиб қўярдилар. Бугунги кунда эса олтмишда ёш санайдилар ўзларини. Мана

Ҳайдини олайлик. Ёши олтмиш иккида-ю, қирқ ёшлик хуштори бор. Шунга ўхшаш воқеалар кўп бугун. Мен – ҳасадгўй эмасман, аммо бундай ишлардан фиғоним фалакка кўтарилади. Агар онам шундай бўлса бормиди? Ҳозирги замонда шундан ўзга мавзу йўқдек гўё. Тасаввур қилиб бўлмайди. Йигит Ҳайдини жонидан ортиқ кўради, уни кўкларга кўтаради. Унга аёл ёшининг фарқи йўқ, аёлнинг эҳтирослари, аёлнинг қарорларда собитлиги хушторига жуда ёқади. Ҳақиқатдан ҳам Ҳайди шунақа. Кеча у менга ҳам дашном берди: “Глория ҳам нимани истаса шуни қилсин, у улғайди, кап-катта аёл энди, унинг ҳам ўз ҳаёти билан яшашига қўйиб бер, кўп ҳам қайғураверма. Ундан кўра ўзингга қара, оёғингда зўрға турибсан,” – деди. Дугонам мени паришонхотир ва зерикарли одамлар тоифасига киритади. У – ҳақ. Ҳар тонгда аҳмоқона газеталарни муттассил мутолаа қилар эканман, хўрсиниб қўяман. Ҳамма ерда инқироз, қашшоқлик, ниҳоясига етиб бораётган олам, уруш, хатолар, ҳақсизлик. Бу каби воқеалар силсиласини илгаригидек орқамга ташлай олмайман, кун сайин кўнглим нозиклашиб борапти. Ҳайди газеталарни ўқимай қўйди. Ёш хуштори билан дон олишиб юрганидан буён, ҳа-я, хушторини ҳам ёш деб бўлмайди, барча хабарларни интернетдан ўқийди. Мен эса бундай қила олмайман. Нонушта пайтида албатта кўлимда газета бўлиши шарт, ҳеч бўлмаса болалар газетаси, ўзимизнинг ҳудудий газетани шундай атайман. Ҳарри бу газетани писанд ҳам қилмайди. У “Франкфуртер Алгемайне”ни мутолаа қилади холос, гарчи ушбу газетанинг сиёсий бўлими унга ёқмай, нолиса-да. Эрталаблари соат 9 даноқ Ҳаррининг компютери олдидан жой олмайман. Бундай қилиш даҳшатнинг ўзгинаси-ку. Кутубхонадаги компютер ҳам етиб ортади, унда ҳам фақат менгина қаттиқ ишлайман, вазирамга

масъулият билан ёндашишим боис ишхонамда газета-пазета ўқиб ўтирмайман. Бундай қилиш менга маъқул кўринмайди. Баъзида бу феълимдан ўзимни қолоқ бир одамдек ҳис қилиб, руҳим тушиб кетади.

Бошқа томондан олиб қаралса эса ҳар ишни одам ўзида синаб кўрмоғи лозим, аммо шу шартмикан? Нима муҳим ўзи? Шундоқ ҳам бу дунёда изимиз қолмайди. Руҳоний антисемитни черковга чорласа ташвишланамиз. Нега энди? Бутун бошли жамият ҳолдан тойган, алдовлардан чарчаган, шунда ҳам инсоният нима истаса шуни қилаверса, унда... нега булар ҳақида мен қайгураяпман? Бунинг сабаби – одамларга ҳамиша яхшилик ишташим, сабаби – яхшилик қонимда бор, виждонга хос ва мос ишларни қадрлайман. Қабул қиламан, талаб қиламан ҳам.

Қабул қилганим ва асраб-авайлаганим қуйидагилар: сабр-тоқат, яқинларга муҳаббат, ўзаро тушуниш. Онам нафси бузук, ўзларини руҳоний ниқоби остида бекитган узун кўйлакли жаноблардан нафратланарди. Мен эса улардан нафратланмайман, ҳазар қиламан. Бу қандай расво, ноҳўя ҳаромтомоқ, текинхўр тириклик эканки, кўп одамларни ўзларининг ҳукмронлиги остида ушлаб турмоқлик, беҳад чексиз молу-давлат йиғиш ниятида дунёнинг ярми очликдан азоб чекаётган бир пайтда ўз юртларида бўлакча бўлмоқ истайдилар. Бу қандай бедодлик, бу қандай тўда, гуруҳ бўлди? Буларнинг барига чек қўймоқ лозим. Онам ҳақ эди.

Тангри абад макон топган бизга чиройда тенги йўқ бино (ибодатхона) инъом этган черков маданиятига қарши чиқиб бўлмайди. Кўнгилларга хуш ёқувчи куй, баҳоси йўқ суратлар, улугвор қасрлар, ҳа, ҳа.

Аммо нималар эвазига? Азоб-уқубат, қийноқ, исканжа, салб юришлари, жодугар деб топилган одамларнинг

гулханда ёқилиши, давлатларнинг зўравонлик билан забт этилиши. Таъқиб, таҳдид, зулм, истибдод, учинчи Империя давридаги сукунат ва эндиликда фашизм даврида кўп одамларнинг, айниқса яҳудий миллатига мансуб шахсларнинг қатл этилишини инкор этувчиларнинг ошиғи олчи эканлиги...

Ҳайди ҳам: “Барчасини йўқ қилмоқ даркор”, дейди. Ишончим комил, қачонлардир бунга эришилади. Бирок бундай бахтга мушарраф бўлмоқлик бизга насиб этмас. Менга ва ...минг таассуф волидаи-мухтарамамга ҳам.

*

– Ҳарри, бугун кечқурун кутубхонамизда Даниел Кеельман асаридан парчалар ўқийди, борасанми?

– Даниел Кеельман?

– Ҳа, “Дунё ўлчами” асарининг муаллифи. Ўша асар сенга маъқул келганди. Гаусс ва Ҳумбольт ҳақида.

– Ҳа, уми? Зўр китоб. Муаллифнинг ёзишича, Ҳумбольт ўзлигини, идрокини йўқотмаслик учун ҳатто тунлари ҳам иш кийимида ухларкан. Кеельман буларни қаердан биларкан, деб доим ўзимдан ўзим сўрайман.

– Муаллиф фантазия қилишга ҳақли.

– Реал шахслар билан ҳамми?

– Ҳа, албатта. Шу тарзда адабиёт дунёга келади. Хўш, борасанми?

– Йўқ, китобни ўқиб чиққан бўлсам, муаллифдан эшитишим шартми?

– Борсанг, ёзувчи билан танишиб ҳам олардинг.

– Бундай жойларда муаллифлар билан ҳам танишса бўладими?

– Шак-шубҳасиз. Бундан ташқари у янги асаридан ҳам парчалар ўқийди.

– Қайсинисидан?

- “Шон-шуҳрат”асаридан.
- Ҳа. Машҳур бўлиб улгурмасдан шон-шуҳрат ҳақида ёзибдилар-да. Буларнинг бари уйдирма. Хўш, бунисида нима ҳақида гап кетади?
- Бир нима дейиш қийин. Унда реал ва тўқима образлар аралашиб кетган, алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳикоялар.
- Асарга яхши асар деб баҳо берса бўладими?
- Тўғриси эшитишни истайсанми?
- Шубҳасиз.
- Йўқ. Аммо бу – менинг фикрим. Менинг нўхотдекақлим билан юритган тариқдек майда фикрим. Ҳаммаси чалкаш. Асарни мақташяпти, лекин ўйлашимча бу танқидчиларбоп асар. Бундай асарлар майда адабиёт дейилади.
- Майда адабиёт. Сен шундай жойга мени тортмоқчимисан?
- Бу – менинг фикрим, дедим-ку. Юра қол энди.
- Ах, Лоре, биласан-ку, ундай жойларда қовогимдан қор ёгилади, иккаламизнинг ҳам кайфиятимизни бузаман.
- Майли шундай бўла қолсин. Ҳеч қачон у ер-бу ерга бирга бормаганмиз. Ҳайдини кўргин, у хуштори билан келмоқчи.
- Ҳайди менга қараганда адабиётга кўпроқ қизиқади, бундан ташқари ҳаммага Альфредини кўз-кўз қилмоқчидир-да.
- Артурни.
- Артурни?
- Ҳа.
- Хўп, майли Артурини. У ўзи нима иш қилади?
- Компьютерлар бўйича мутахассис ёки шунга ўхшаш нимадир иш қилади.
- Мутолаа қилишни хуш кўрарканда.

– Билмайман-у, аммо Ҳайди учун ҳар қандай ишга рози.

– Унда сен ҳам ўзингга бирорта Артур излашинг керак. Ёки Альфредми.

– Ҳарри, жаҳдимни чиқарма. Биласанми, сен – мен билган энг зерикарли ва мижгов одамсан.

– Қирқ йилдан кейин топган гапинг шуми? Бундан чиқди, бутун ҳаётинг иштибоҳда ўтган экан-да.

– Ҳа, баъзан ўзим ҳам шундай ўйлаб қоламан.

16. ҲАРРИ

Кўрқаяпман. Бироқ энди кеч, Лорега Лайпцигдаги ўша никоҳ тўйига бирга борамиз, деб сўз бериб бўлдим. Эде: “Қанақа одамсан ўзи, бу яхши-ку, уни қара, бундай аҳмоқликнинг ҳаётда гувоҳи бўлиш имконияти кишида яна қачон бўлади!” – дея уқтиришдан нарига ўтмайди. Ҳатто у менга ҳавас қиларди. Эде бажонидил бизга ҳамроҳлик қилган бўларди. “Лоре билан бирга борсанг бўларкан”, - дейман унга. Бу ҳазил албатта. Кеча суюкли набирамдан электрон манзилимга мактуб келди. Ё худой-им, бугуннинг ёшларини кўриб беихтиёр ёқа ушлайсан киши!

“Салом, бобожон! Шу ўн кун ичида ўн бир ёшга тўламан. Менга атаб совға олишда кўп ҳам бош қотириб ўтирмаслигингиз учун сизга ўзим истаган совғалар рўйхатини жўнатаяпман. Янги йил кечаси Франк менга Nintendo DS –Lite-Konsole¹⁰ совға қилганди. Ҳозиргача ўн бешта DS электрон ўйинларим бор. Шундай қилиб мен яна қуйидаги электрон ўйинларим бўлишини истардим: 1. Harvest Moon 2. Pokerman Ranger – Finsternis über Almia 3. Spektrobes – Jenseits der Portale 4. Spiderman – the movie 2 5. Rayman Raving Rabbits 6. Dungeon Maker 7. Boulde-Dash-Rocks 8. Speed Racer.

Дўстим Кевинда эса аллақачон бу ўйинлар бор. Улар жуда зўр. Ҳар бир ўйин интернетда чамаси 40 евро туради. Мабодо менга барча саккизта электрон ўйинларни совға қилсангиз, бу сизга 320 еврога тушади. Франк эса уларнинг ҳаммасини бир ҳамкасбидан 250 еврога сотиб олиши мумкин экан. Шунда сиз 70 евро тежаб қолардингиз. Ойим ҳам шу пулни менга жўнатишингиз маъқуллигини

¹⁰ Nintendo DS –Lite-Konsole – электрон ўйинлар техник восита

айтди. Шунда муаммодан ҳам қутулган бўлардингиз. Сизга набирангиз Лаура салом йўллаб қолади”.

Аввалига ажабланиб қолдим, кейин шундай газабландимки. Сўнг ўзимга – ўзим: “Тез орада зиқна бойга турмушга чиқаётган онасининг ўзи унга бобоси пул жўнатиши кераклигини маслаҳат бериб турган бир паллада шўрлик қизалоқнинг қўлидан нима ҳам келарди. Ун бир ёшли қизалоқ учун икки юз элик евро, бу нима дегани? Бу аёлнинг ақли жойидами ўзи? Унинг эси оғиб қолгани аниқ, бу бизга азалдан таниш. Лекин нима қилмоқ керак? Болани қайта тарбиялаш керакми? Бу ёрдам берармикан? Глория жаҳл устида хаёлига нима келса, шуни ёзаётгандир? Букрини гўр тўғрилайди. Лоре билан бу ҳақда гаплашиш бефойда. “Унга яхши битта китоб совға қиламиз”, - дейди у, китобни ўқишига шубҳа қилса ҳам. Ўтган йилда у Лаурага “Доктор Долиттл” китобини тортиқ қилган эди. Роппа-роса бир ой ўтгач, таътил пайтида бир ҳафтага бизникига келган набирамиз ўша китобни лоақал қўлига ҳам олмагани аён бўлди. Ҳозирги болаларга мутолаа ёт.

Ё Тангрим, яна аввалги кун бошимизга тушмасайди, деб қўрқамиз. Ахир тез орада яна таътил бошланади. Ҳар йилгидек Лаура яна бир ҳафтага бизникига келади. У келиб кетгач, ҳар доимгидек бир ҳафта ҳордиқ чиқаришимизга тўғри келади. Лоре ўз иши билан банд бўлгани боис, барчаси яна менинг гарданимга тушади. Менимча Лоре бу сафар ишидан таътилга чиққани маъқул, шунда асаб емирилиши адолатли тақсимланган бўларди.

Бугунги газетанинг иқтисодиёт саҳифасида ёритилган қизиқ бир мақолага кўзим тушди. Унда Ҳамбургдаги Бредов кўчмас мулк-сармоя қурилиш буюртмачи фирмаси касодга учрагани расман эълон қилингани ҳақида ёзилганди. Фахрий доктор, профессор Экхарт Бредов, 78

ёшда, идора раҳбари ва хўжайини камида тўрт юзта ишчи ўрни қисқартирилиши кераклигини айтди. Ҳозирда фирмада бир минг икки юз киши фаолият кўрсатаётган бўлиб, фирма давлат кўмагига муҳтож.

Шунга қарамай қундуз ёқали нимча ва Петер Маффаиларга ҳам давлат кўмаги етиб қолармикан?

*

– Яна йўлга отландингми?

– Ҳа, Кристанинг тугилган куни-ку, ахир, уни вино ба-рида нишонламоқчимиз, рости боргим йўқ. Менга ҳамроҳ бўласанми?

– Йўг-ей, худо асрасин!

– Майли. Сўраб қўйдим-да. Тасаввур қилгин-а, Ҳарри, Бредовлар фирмаси, аниқроғи Франкнинг отаси, таназзулга юз тутганини эълон қилибди.

– Буни қаердан билдинг?

– Ҳайди бу ҳақда газетада ўқибди.

– Бундан хабарим бор.

– Қанақасига?

– Кеча ўша мақолага менинг ҳам кўзим тушганди.

– Менга эса бу ҳақда индамадинг.

– Мен...мен ўйлагандимки...

– Мени аяшними?

– Ҳа...йўқ, ҳалиги...

– Оҳ, нима шунчалик ожизаманми?

– Ишон, бу ҳақда сенга айтмоқчи бўлдим, бироқ им-кон бўлмади.

– Шу тўғрида Глория билан гаплашгандим.

– Ҳўш?

– Бу хавотирга арзимади, деди у.

– Бу нима дегани?

– Бўрттириш матбуотга хос.

- Демак улар кўчада қолишмас экан-да?
- Глориянинг, тўғрироғи Франкнинг айтишича, уларнинг етарлича хусусий капиталлари яна...
- Қаерда? Лихтенштайндами?
- ...хуллас бу ҳақда қайғурмаса ҳам бўлаверади.
- Ё Фиджи оролларида эканми?
- Нега сен ҳар сафар бу одамлар барча ёмон ишларга қодир деб ўйлайсан.
- Боиси ҳар куни газета ўқийман.
- Глория атиги бир нечта одамлар ишдан кетади, деди-ку.
- Бир минг икки юзта ишчидан атиги тўрт юзтаси, дейишибди газетада.
- Ростданми?
- Худди шундай, устига устак фирма давлатдан ёрдам сўраяпти.
- Ҳозир ҳамма шундай қилади. Гарчи банк, машина фирмалари ва бошқалар давлат кўмагини оларкан, нега энди улар олмасин.
- Лоре, кичик Бредов таъбири билан айтганда ўзларининг етрлича хусусий капиталлари бўлса, нега энди жаноб Бредовга ўхшаганларнинг тадбиркорлик фаолияти биз каби фақирларнинг солиқ тўловлари эвазига қопланиши керак?
- Иш ўринларини сақлаб қолиш учундир, эҳтимол.
- Гап бир-иккита иш ўринларини сақлаш ҳақида эди-ку, шундай эмасми?
- Ким билсин, Глорияни тинчлантириш учун нималар дейишган.
- Лоре, биринчидан бу тоифадаги кимсалар учун тўрт юз ишсиз ҳеч нима дегани, иккинчидан бўлса эҳтимол уларнинг ҳақиқатдан ҳам қаерлардадир етарлича хусусий капитали бор.

– Нима бўлганда ҳам бу никоҳ маросимига таъсир қилмайди, дейди Глория.

– Уни қара-я.

– Бунчалар беадаб бўлмасанг, Ҳарри.

– Беадаблик қилаётганим йўқ, гапнинг пўсткалла-сини айтаяпман. Азизам, огоҳ бўл, эшит, инсонга тортиқ этилган ақли ишга сол. Қизимизга бўлган муҳаббат ҳою-ҳавасдан, Бредовлар эса бизнинг тенгимиз эмас. Улар билан тенглаша олмаймиз, ишларига аралашишни ҳам истамаймиз. Худо ҳаққи, ўша никоҳ маросимига бориб ўзимизни қўлга олишга уринамиз, сўнгра...кўздан нари, қалбдан нари.

– Ҳарри, бундай дейиш менга қанчалик оғир бўлмасин, бироқ сен чиндан ҳам ҳақсан.

– Таассуфки, инсон ўз жигарларини ажратмайди.

– Қўй, ўкинма. Майли, боришим керак.

– Йўл-йўлакай манави хатни хат қутисига ташлаб кетсанг, илтимос.

– Бу хат Лаурагами? Қачондан буён набирангга хат ёзадиган бўлиб қолдинг?

– Унга икки юз эллик евро пул жўнатаяпман.

– Нима гап ўзи?

– Туғилган кунига.

– Жиддий гапираяпсанми? Қачондан бери туғилган кунлар ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдинг?

– Электрон манзилимга пул жўнатишимни сўраб хат ёзибди.

– Йўг-ей?!

– Афсуски шундай.

17. ЛОРЕ

Кеча Бредовлар фирмасининг ҳайдовчиси неварамиз Лаурани бизникига олиб келиб қўйди. Ҳайдовчи эмиш! Люкс машина, ҳозирги кундаги автомобил турларига ҳам унчалик ақлим етавермайди, Лексусми-ей?! Ҳа, худди шундай эди, адашмасам. Лаура орқа ўриндиқда ўтириб олган, қандайдир компьютер ўйини ўйнарди. Ўзи билан иккита зил-замбил сумка олиб келибди. Асосан, ўйинчоқлар, бир-иккита кийим-кечак демаса. Қизалоқ тўлишиб қолибди. Юзлари рангсиз, дўмбоқ, бироқ бахтиёрлик нималигини билмай ўсаётган атиги ўн бир ёшли қиз. У биз билан ўлганининг кунидан саломлашгандек туюлди менга, кечки овқат пайтида китобдан бошини кўтармади, биз унга бир нималарни сўзлаб бермоқчи бўлдик. У билан бироз ўйнамоқ истагида эдик, айланиб келмоқчи эдик. “Йўқ”, жавоб қатъий бўлди, бир бурчакка бориб олиб ўзининг қўрқинчли “пип-фип” деган товушлар чиқарадиган ўйинини ўйнаб ўтирди. Ҳарри жаҳл отига минди, мен уни тинчлантирган бўлдим: “Қўявер, Ҳарри, ҳали биринчи кун-ку! Бола-да, бола, эртага ўзига келиб қолади”. Бугун ҳам худди шу аҳвол. Бугун ишхонада Кристиан Брюкнер “Зулмат юраги” (Йозеф Конрад) асаридан парчалар ўқийди. Жуда эшитгим келганди, менга Брюкнер шахс сифатида ҳам ёқади, ажойиб киши, аммо баъзида ўйлаб қоламан, эркакларнинг ҳаммаси бир гўр, айниқса, ўттиз йил битта уйда яшаб кўрсанг, ҳаммаси билинади. У ҳам шуларнинг бирида ёки ундай эмасмикан?! Хуллас, шундай катта воқеани қолдириб, Лаура учун ишдан руҳсат сўрадим, сосискали картошка салат қилдим, хотира машқи, монополия каби ўйинлар жойланган эски қутини олиб чиқдим. Барибир – йўқ. Ҳарри Гарри Потер кино-

фильмини томоша қилишни таклиф қилди – йўқ, кинони аллақачонлар кўрган экан. У ҳамон бир бурчакда ўтириб олиб, тинмай шоколад кавшар, “пип-фип” ўйинчоқларидан бўшамас эди. Ҳарри набирамизни боққа олиб чиқмоқчи бўлганда, Глория унга шундай ўқрайиб қарадики, шўрлик эрим ҳеч нарса деёлмай анграйиб қолди. Тилим лол, ақлим ҳайрон эди. Лаура – бизнинг ягона неварамиз, уни яхши кўришимиз керак, лекин у билан қандай муносабатда бўлишни билмас эдик, назаримда, унинг бизникида ўтказиши мумкин бўлган энг сўнгги таътили эди.

Турли хил кимёвий воситалардан ишланган нарсалар бола учун зарар-ку! У яна тўсатдан “сизларнинг уйингиз жуда тор”, деб қолди.

Ҳа, тушунарли, у ахир энди, виллада яшаяпти-да! Биз унга бундай шароит ярата олмаймиз. Бола дунёга қизиқиши, бобо-бувилари учун қайғуриши керак, деб уқтиришга уринамиз, “Йўқ, бундай эмас!” дейди у.

Глория қизини ёлғиз ўстирди, жуда талтайтириб юборди, ўз эркига ташлаб қўйди, буни фаҳмлаш мушкул эмасди – кеча у онасига қўл телефонидан беш марта қўнгироқ қилди: “Ойи, бу ер жуда зерикарли, уйга кетгим келяпти”. “Ойи, бобом чекапти, айтинг, чекмасин!” “Ойи, бу ерда катта экранли телевизор йўқ экан”.

Нима дейишим керак? Нима қилишим керак? Нима ҳам қила олардим?! Бир марта бирга айланган, сайр қилгандек бўлдик. Аммо тўсатдан қуйган жала сабаб уйга қайтдик, ундан ҳўл оёқ кийимларини эшик олдида қолдиришни сўрадим. У менга кўзларини катта-катта очиб қаради, кейин эса телефонда ойсига “Ойи, уларда уйга кириш учун оёқ кийимлар ташқарида ечилар экан”, – деди. Глория билан телефонда суҳбатимиз қисқа бўлди. Нима ҳам дердим? “Аҳволларинг яхшими?” “Ҳа, яхши”.

“Биламан, – деди Глория, – ҳозир унинг феъли оғир. Ҳозирги кунда болалар эртароқ улгайишяпти”. Балки шундайдир, аммо бола бутунлай оламдан узилган, фақат техника дунёсида у. Ташқарида ҳеч нарсани кўрмайди, болалардек хушчақчақ ҳам эмас. Жим бўлиб, бир сўз ҳам демасдан картошка салатини олтита сосиска билан паққос туширди-да, яна бир оғиз сўз демасдан, ўрнидан турди ва бориб ўйинчоқларини ўйнай бошлади: пип-фип, пип-фип...

Бу ҳол яхшими, бу ҳолнинг номи – эрта улгайиш, тез вояга етишми? Бу ҳафта қанчалик оғир бўлди-я?! Эртага яна кутубхонага боришим керак, шундай қиламан ҳам. Балки Ҳарри неварамиз билан тил топиша олар. Аллақачон иккаласининг орасидан қора мушук ўтган бўлса ҳам, тил топиша олишар. Ҳарри ундан кимга тинимсиз СМС жўнатяпсан, деб сўради (Лаура бир кунда йигирма марталаб СМС жўнатаётган эди). Шунда у: “Бу сенинг ишинг эмас, бобо”, – деб қолса бўладими?! Лаура ҳар гал сарёғнинг пичоғини асалга ботирганида, Ҳарри жаҳдан ёрилай дерди. Буларнинг ҳаммаси яхшиликка олиб келмаслиги мумкин.

Кеча кечкурун Ҳарри чекиб ўтирувди, Лаура унга: “Бобо, чекманг, чекишингиз оқибатида мен рак бўлишим мумкин”, – дейди-я. Ҳарри ҳам қолишмайди: “Йўқ, мен рак бўламан, сен эмас”. “Йўқ, мактабимизда бизга ҳар доим уйда ким чекса айтинглар, дейишади, рак бўлишимиз мумкин-да”, – деди Лаура яна.

Бунга ишонса бўладими? Болаларга гап ташитяптилар. Ўқитувчилар уларнинг фикрини бузишмоқда, заҳарлашмоқда. Қандай олаёда яшаяпмиз ўзи? Эртага саҳардан ишга боришимдан ҳақиқатдан хурсандман, бошқа томондан кўнглим нотинч, бувиси неварасини

кўришдан хурсанд бўлиши керак эмасми? Эҳ, мен яхши буви эмасман! Балки ҳеч қачон яхши она бўлмагандирман ҳам. Нима тўғри ўзи? Ҳақиқат аччиқ: мен на қизим, на неварамнинг кўнглидан жой топа оламан. Гап ўзимдамикан?

*

- Бугун Лаура ўзини қандай тутди?
 - Яхшиси, сўрама.
 - Яхши иш бўлмагани тайин. Ўзи қани?
 - Ваннахонада. Душ қабул қиляпти. Бир соатдан буён.
- Сочларини ювяпти, қуритяпти.
- Жанжаллашиб қолдингларми?
 - Ҳа, йўқ, албатта.
 - Ниманинг устида?
 - Аниқ бир нарсани важ қилиб кўрсата олмайман. Биласан-ку ўзинг. Ёки компьютер ўйинлари, қўл телефони ёхуд кавшаниш. Унга: “Шоколад ўрнига бир дона олма егин”, десам, ўқрайиб қараб қўяди. Бир сумка тўла шоколад. Глория берган-да.
 - Кун бўйи нима қилдинглар?
 - Нима ҳам қилардик? Мен овқат пиширдим, овқатландик, ойимчага ёқмади. Кейин телевизордан қандайдир сериал кўрмоқчи бўлганди, рухсат бермадим, шу дамнинг ўзидаёқ Глорияга қўнғироқ қилиб: “Бобом телевизор кўришимга қўймаяпти”, деб чақиб берди.
 - Глория билан гаплашмадингми?
 - Гаплашдим.
 - Хўш?
 - Нима бўларди? “Телевизор кўраверсин, қарияларни-кида бошқа нима ҳам қиларди”, деди.
 - Шуни Глория айтдимми?
 - Ҳа, айнан ўзи.
 - Бу қандай беодоблик?!

– Унда нега қизини бизникига жўнатади? “Ҳайдовчингни жўнат, қайтариб олиб кетсин”, деворгим келди. Бироқ бир болага бас келишолмапти-да, деб ўйламасин, дея нафасимни ичимга ютдим.

– Глория илгарилари бундай эмас эди. Бироқ икки хонали квартиранинг бирданига бойвачча эр, вилла ва ҳайдовчиларга алмашиб қолиши... Яна ўтиш даврида турган боласи учун ҳам куч керак унга. Бечора чалкашиб кетяпти.

– Ҳаммасига ишонгим келади. Лекин нимадан бошлашга ҳайронман. У ўқимайди, гаплашишни ёқтирмайди, кўчага чиқмайди, бир ҳафта нега унга чидашим керак?! Эда: “Ҳеч нарса қилма, талаб ҳам қўйма, ўз ҳолига қўй, шунда у бахтиёр, сенинг эса қулогинг тинч бўлади”, – деди. Балки Эда ҳақдир?

– Йўқ, у ноҳақ. Нотўғри йўлдан кетаётган болага ёрдам ҳам бериш лозим.

– Бўпти, унда ўзинг шундай қила қол. Мен эса ташқарига чиқиб, бир чекиб келай, бу ерда чекиш мумкин эмас.

18. ҲАРРИ

Бу ҳолимга қулмасликнинг ўзи аҳмоқлик. Бу бир истисно ҳолат эди. Жажжигина эркатойимизни сўнгги йилларда қанчалик ўзгарганини-чи, ахир у қарийб ярим йилдан зиёдроқ янги бир муҳитда, ўша “янги ота”си бўлмиш Франк билан бир уйда яшаб келаяпти. Набирамизнинг азалдан тарбияси огир эди. Отаси йўқлиги боис, у ҳақда бирор бир тасаввурга эга бўлмаган қизча ёлғиз онасининг меҳри билан ўсди. Болани эркалатишим Лорега маъқул келмасди. Набирамиз Лаура онаси Глориянинг ўтмиши бўлиб, унинг табиатига ҳам онасиники каби ҳаёт қийинчиликлари олдидаги ожизлиги таҳдид солмасайди, деб қўрқаман. Ҳайди набирамиз Лаура биз билан яшаган кезлари уни кўриб, бу ҳолга:” Бу – бола онгини заҳарлайдиган аҳмоқона ҳамжиҳат она ва бола муносабатларидан бошқа нарса эмас”,-дея аниқ ва равшан таъриф берганди. Лаура қайсар, ўзбилармон, бетга чопар, бир қарашда ён-атрофдаги тенгдошларидан анча ақлли, яна бир қарашда масъум ва ожиз бир қизча эди. Глория билан саноқсиз телефон суҳбатлари Лауранинг онасига бўлган соғинчими ёки мутелиги, ё бўлмаса бизнинг таъбир билан айтганда волидасига бўлган муҳаббатиданми... далолат эди.

Ўтган йилда қизимиз Глория билан мабодо фарзанди билан мулоқотлари шу тарзда давом этса, энди бизнинг телефонга қўнғироқ қилмаслигини, бироқ қўл телефонига ҳафтада бир марта хабарлашиб туришга келишиб олгандик. Буларнинг на онасида, на қизида заррача ақл бор. Яхшиямки Лоре билан бу муаммонинг ечимини топдик. Йўқса бирозгина қаттиққўллимиз сабаб набирамизнинг онасига қиладиган мунтазам нажот қўнғироқлари бизни қабиҳ инсонлар дея бонг урарди. Бу боланинг ўтган

йиллардаги хархашаларига тоқат қилиб бўлмасди. Шўрлик Лоре бу ҳолни тушунолмаي ҳалак. У ҳатто ҳафталик бир иш кунидан ҳам воз кечди. Бунчалар ҳам зolim бўлмаса бу болалар!

Бундай тоифадаги болага ҳар сафар бирор нима десанг, ўша заҳотиёқ зиддиятга дуч келасан. Аммо, лекин, бироқ, кунлар шу сўзлар билан ўтарди. Лекин сизда ҳам бор-ку. Аммо мен шундай бўлишини истайман. Аммо, лекин, бироқ. “Ўзига қўйиб беринг, ҳаётини ўзи қурсин”, - дея уқтирарди Глория телефон орқали. Ахир эркалигини сизларга, менга қилмаса, кимга қилсин? Франк бошида қизимни кўнглига қараб нималар қилмади, дейсиз! Глорияга келажакда тарбиясиз, тантиқ болага ғамхўрлик қилишга тоқатим йўқлиги, унга заррача бўлса ҳам эътибор қилмаслигимни қатъий таъкидладим. Яна мен унга мабодо набирамизни бир оғиз койишга ҳаққимиз бўлмас экан, қизалоқ бизникида қандай тарбия олиши мумкинлигини, яхшиси уни олиб кетгани маъқуллигини айтдим. Ҳар ҳолда ёшимиз улуғ. Болага нима мумкин-у, ниманинг мумкин эмаслигини билармиз. Етар. Қизимиз билан ҳеч қачон бунчалар қатъий оҳангда гаплашмагандим. Барибир бундан ҳам ҳеч қандай наф йўқ. Аксинча уларга телевидение орқали беҳисоб баҳс орқали барчага машҳур онги паст ҳовлиқма, яна бетайин мураббийлар мақбул. Мен эса Глорияга гапнинг индаллосини айтгандим. Таассуфки набирам Лаура суҳбатимизни эшитиб қолди. Қаршимда ўтираркан, кулганча: “Кўраяпсизми, бобожон, ойим ҳам сизни бетавфиқ деб билади”, - деди.

Шапалоқ тортиб юборишимга бир баҳя қолди.

Лаура ўша фабрика эгалари оиласи муҳитида, аниқроғи барчасини пул билан ҳал қилувчилар билан яшаётганидан буён тоқат қилиб бўлмас шайтонга айланди қолди. Бу боланинг қандай қилиб шунчалик тез ўша

муҳитга мослашганига ақл бовар қилмайди. Онасини—ку айтмаса ҳам бўлаверади. Глория ҳеч қачон танқидларга бунчалар қарши бўлмаган. Бу янги олам унинг онгига мутлақ даъвогарлик ғоясини сингдирган кўринади. У нимагаки қўл урса, ҳатто нимани хаёлидан ўтказса, ўша тўғри. Мол-давлат унга бу ҳуқуқни берган чоғи.

*

– Бошқа ҳеч қачон, Лоре, бас, етар!

– Келишдик.

– Қаттиққўлроқ бўлишга тўғри келади чоғи.

– Аксинча, ундай эмас.

– Сенингча, бугунги кунда болаларнинг бари шундайми?

– Бундай деб ўйламайман. Фикримча фарзандли ҳамкасбларим фақатгина болаларининг айбини яшириб, яхшисини оширишади.

– Глориянинг айтишича, Лаура ҳозир ўтиш даврида эмиш. Бироқ у ҳали атиги ўн бир ёшда-ку!

– Аксинча, Ҳарри, ҳозир ўзи шунақа. Фредириканинг ҳам қизи эндигина ўн ярим ёшда-ю, ўтиш даврини бошдан кечираяпти.

– У ҳам Лауранинг ўзими?

– Унчалик эмас. Фредириканинг айтишича, қизалоқ баъзида жазаваси тутиб, бетга чопар бўлиб қолар, атайин онаси билан жанжал чиқарарканда, яна сал ўтмай, дарров узр сўраб, яна иноқ бўлиб кетишаркан.

– Лаура эса сира бундай қилмайди.

– Бу ерда Глориянинг хатоси катта.

– Айт-чи, Лоре, қизимизнинг ҳар нарсада бизга қарши чиқаётганини исботлашга яна қандай далил керак? Яна бир гап. Уларнинг бир эмас, нақ уч телевизори бор экан. Биттаси меҳмонхонада, иккинчиси Лауранинг хонасида, яна бири Франк ва Глориянинг ётоғида эмиш.

- Бунга қарши эмасман.
- Ётоқхонада ойим билан Франк катталар учун киноларни кўришади, деди набиранг.
- Бола ҳар нарсани ҳам кўравермагани маъқул.
- Бунчалар ҳам содда бўлмасанг, Лоре. Мендан яна қаерда хато қилдик экан-а, деб сўраб юрма.
- Глориянинг ўзи ҳам анойи бўлмаган.
- Биз эса унга беозор тарбиядаги бекаму кўстликни инъом этгандик.
- Бироқ бу фарзандлар ўз ота-оналаридангина тарбия оладилар, дегани эмас-ку.
- Худди шундай. Йўқса фарзандларимиз чекишни қаердан ўрганеди?
- Агар тарбиячи болалар билан ўз тенгқур ҳамкасбидек муносабатда бўларкан, бундай натижани кўришига шубҳа йўқ.
- Ярамас синф раҳбари Йорг.
- Тушунмадим?
- Набирангдан Йорг ўзи ким, деб сўрагандим, у синф раҳбари эканини айтди. Йорг! Ўртоқ Йорг. Бунақада ҳар қандай мавқе қўлдан кетиши турган гап-ку.
- Катталарни ёшлар олдида ҳурмати йўқ. Ёшлар бўлса доим уларни тоқатини тоқ қилишга интилишади. Тарбия ўрнига фақат ўзбилармонлик қилишади.
- Яна уларнинг айтгани айтган.
- Кристининг жияни ўн бир ёшда. У яқиндагина Кристадан: “Холажон, ўтиш даври нима эканини биласизми?”-дея сўрабди. Криста: “Ҳа, у нима эканлигини яхши биламан”, - деса, жияни: “Мен ҳам биламан”,-дебди. Криста ундан нима эканлигини сўраган экан, у: “Ўтиш даври шундай даврки, унда ота-оналар ҳақиқий иблисга айланишади-қолишади”, - дея жавоб берибди.
- Ота-оналарга шундай таъриф берилса, бобо ва буви-ларга қандай ном тегаркин?

19. ЛОРЕ

Онам вафот этди.

Саҳарда хабар келди. Онам ёлғиз ўзи тунда уйқуда кетган. Ўтириб қолдим, кўзимда томчи ёш йўқ, ўйлаяпман: Бу қанақаси бўлди? Шунча йиллардан кейин бир хонада ёлғиз ўзи? Сунъий овқатланиш, ҳушида бўлмаслик, кейин кўзни бир дақиқа юмдим деб бутун умрга қайта очмаслик, сўнги нафас, сўнги дақиқа, ким билибди, дейсиз бу сўнги си бўлиши мумкинлигини?!

Ёки ички бир овоз хабар берармикан? Онам шўрликда кўрқув бўлганмикан? Бундай пайтда ваҳимага тушилармикан? Шўрлик охириги дақиқаларда кимдир ёнида бўлмогани истаганмикан? Кимнидир чақирганмикан?

Нима бўлганда ҳам бу халос бўлиш, қутулиш дегани, ҳа. Битта ҳаёт тугади, яна битта ҳаётга якун ясалди.

Ҳозир волидаи муҳтарамам қаерда экан? Энди мен ҳеч кимнинг боласи эмасман! Фарзанд деган ном билан аталмайман энди. Қизалоқлигимда қандоқ эдим? Энди бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Йўқ, Тео бор-ку! У – бундан буён мени у билан ҳеч қандай ришта боғламайдиган ёлғиз жигарим. Мен уни дафн маросимида кўраман фақат, Лайпцигда тўйда умид қиламан, уни кўрмайман, бошқа ҳеч қачон укам билан йўлларимиз туташмайди. Қон-қариндошлик риштаси одамзот ўйлаганчалик, умид қилганчалик бўлмас экан.

Ҳарри – ҳеч нимага қарамасдан менга энг яқин инсон. Ҳа, Глория ҳам. Албатта. Тўғри, мен уни кўпам тушунавермайман. Мана ҳозир ҳам тўйдан бир неча ҳафта олдин онамнинг дафн маросимига келадими-йўқми, буни ҳам билмайман. Ўша Франк қизимни ҳойнаҳой бирга олиб келмаса керак, ахир у онамни танимасди ҳам. Лаура-чи? Эндигина кетган эди, яна қайтиб келармикан?

Қайгули ҳолат. Лаура бу ердалигида касалхонага – онамнинг олдига бирор марта бормади ҳам, ўзи буни истамади: “Катта бувим барибир мени танимайди...”, – деди у.

Мен гамга ботдимми? Мен ичи бўш одамман. Тўсатдан онам билан боғлиқ яхши воқеаларни эслай бошладим, ёмонлари гўё тумандек тарқади, энди улар муҳим эмас. Онам – аёл эди, севди, иккита фарзандли бўлди, уларни ювиб-таради, ўстирди, эридан эрта айрилди, уруш даҳшатларига дош берди, яшашда давом этди, кучли эди у, ҳатто ҳазил ҳам қиларди, квартирасини жиҳозлаб, расмлар осди, менга китоблар харид қилди, тикиш-бичиш қилди, дазмоллади, кулди, йиғлади, мана ҳаммаси ортда қолди. Ҳаммаси бекоргамиди? Шуларнинг бари ҳаётимизни тўлдиради, умримиз якунига етгач эса... Нима қолади одамдан?

Нима ҳам қоларди? Ҳа! Мен бошқача ҳаёт кечиришим лозим. Энди ишламасам ҳам бўлади, Ҳарри билан кўпроқ бирга бўлиб, биргаликда қандайдир завқли нарсалар ташкил этсак дейман. Ҳеч кимнинг олдида мажбуриятимиз қолмади. Глория учун гамхўрлик қилишади энди, Лаурага ҳам, онам бу ёруғ оламни тарк этди, нафақамиз яхши, бундан буён фақат иккаламиз мавжудмиз.

Бўлди, ишга бормаيمان. Кутубхонадан бўшайман. Аммо ҳаммасини навбати билан қилишим керак. Энг аввал онам. Дафн маросими. Барча шартномалар ечими, ташкилий масалалар, қабрни чиройли ясатиш, кейин Лайпцигдаги тўй, сўнгра Рождествогача ишлаб, кейин бўшаш учун ариза бериш. Янги йилда янгича ҳаёт. Буларнинг ҳаммасини Ҳаррига дафн маросимидан кейин айтаман. Хабарим уни қувонтиради, деб ўйлайман.

Маросим қандай ўтаркан? Нима қилсам экан? Онам танасининг куйдирилишини истарди. Черков маросимларига ҳуши йўқ эди унинг. Ҳарри нутқ сўзлайди. Мен бундай қилолмайман, қурбим етмайди. Ҳар доим худди ҳамма

нарсани қила оладигандек, ҳамма нарсани биладигандек тутаман ўзимни. Аммо аслида бундай эмас. Кутубхонада ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этсам ҳам, ўзимга ниҳоятда талабчанман, бундан қийналаман-у, лекин шунга ўзимни мажбурлайман. Мен шундай қилишга мажбур эканим учун ҳам бу ишларни эплайман. Ҳарри эса нутқ сўзлашларга унчалик масъулият билан қарамайди, гўё бу – унинг учун оддий ҳолат. У ўзини ҳафсаласи йўқдек, ўта қуруқ, ҳис-ҳаяжонсиз совуқ тутганга солади. Балки шунинг учун бундай пайтларда нутқ сўзлашни ундан бошқа унингчалик ҳеч ким яхши эпломмайди. Шунинг учун ҳам дафн маросимларида сўзга чиқади.

Онам ўрнида ётибди. Бирам кичкина бўлиб қолганки... Айтишларича, инсон руҳи 21 грамм бўларкан. Одамзот танасини енгиллаштирувчи сўнгги нафас – ҳаво 21 грамм руҳ бўларкан.

Онажон, сиз учун йиғлаяпман...

*

– Ҳарри, ҳам хафаман, ҳам кўнглимда қандайдир енгиллик ҳис қияпман, тушуняпсанми мени?

– Қандай қилиб? Менда ҳам шу ҳолат.

– Ҳаммаси ортда қолганидан хурсандман.

– Биз ҳам. Биз учун ҳам ҳаммаси ортда қолди. Ҳаммамиз учун узоқ йиллар чўзилган уқубат эди.

– Қўлдан бой берилган имкониятлар қайғули...

– Ҳеч нимани қўлдан бой бермадинглар. Иккалангиз ҳамиша яхши муносабатда бўлдингиз, бир-бирингиз учун ҳаёт эдингиз гўё: она ва қиз.

– Тўгри, мен ва Глориядан фарқли ўлароқ.

– Лени Глорияга беркитиб пул бериб турарди, негалигини биласанми?

– Албатта. У менга бир пайтлар гапириб берганди. “Сизлар бола билан чиқиша олмайсизлар, аммо мен йўлини топдим-ку!”, деган эди.

- Глория ҳам турмушга чиқаяпти.
- Анави машҳур нутқингни сўзлайсанми?
- Шундай қилишим керак, бошқа ким ҳам бундай қиларди? Бироқ усенинг онанг-ку! Сен сўзгачиқмайсанми?
- Йўқ, йўқ, кўнглим бўшаб, йиглаб юбораман.
- Дафн маросимини ўтказиб олсак, анча йиллардан бери қилолмай келган ишни қиламан.
- Нима экан у?
- Уканг Тео. Мен уни бирор-бир овлоқ ерга олиб бораман-да, бурда-бурда қиламан.
- Бундай қилолмайсан.
- Ишонмаслигинг мумкин.
- Маросимдан кейин биз уни қайтиб кўрмаймиз.
- Бундан аввал уни бурдалаб ташлайман.
- У Глорияни чўқинтирган.
- Глория қирққа яқинлашди, унга чўқинтирган отанинг кераги йўқ энди, укангнинг бир адабини бериб қўяй. Ҳозирдан шундай қилишимни ўйлаб севиниб кетяпман.
- Онам бунга нима деган бўлардилар?!
- “Яхши, Ҳарри, аллақачон шундай қилишинг керак эди”, – дердилар.
- Онамни қанчалик қўмсаяпман.
- Қўмсаяпсан? Ахир, у саккиз йилдан бери деярли йўқ эди-ку!
- Энди бутунлай йўқ. Қалбимда улкан бўшлиқ. Бизнинг ҳаётимизда, менинг юрагимда. Кўм-кўк кўзлар энди бутунлай ёпилди, шу пайтгача бу кўзлар менга олисдан бўлса-да, боқиб турган эди. Эзилиб кетяпман, Ҳарри.
- Ёнимга кел. Шундай бўлсин. Биз иккаламиз ҳозир ойдин тунда шампан виноси ичамиз, дадил бўлмоғимиз ҳамда Лениннинг ёди учун. Кейин мусиқа эшитамиз, биргаликда енгамиз бу ғамни. Бундан Лениннинг руҳи шод бўлади.

- Ҳа, шундай қиламиз, Ҳарри, биласанми нима?
- Хўш?!
- ALDI шампан виносидан ичамиз, онам шунисини хуш кўрарди.
- Худди шунисидан Лени учун ичамиз. Вердидан бирор нима қўйгин. Танҳо шуни ёқтирарди у. Шампан виносини олиб келаман, сен эса мусиқани қўй.
- Раголетто куйини қўяман. Қалбга яқин куй.
- Ўта романтик мусиқа.
- Ҳа, ўта нозик. Отам онамнинг қалбини яралади. Уни алдади, хиёнат қилди. Шундан у аламзада, шунинг баробарида кўнгли нозиклашди ҳам. Тео ҳам унга кўп озор берди. Тео отамга шунчалик ўхшайдики...
- Биласанми, ота-онанг ажрашишгач, орадан ўн беш йил ўтиб, отанг қазо қилганида, унинг қабрида юзта қизил атиргулли гулдаста пайдо бўлганида, исми кўрсатилмаганлиги боис, ҳеч ким то бугунгача ўша атиргулларнинг кимдан эканлигини билмайди, гуллар онангдан эди. Шўрлик уни ҳамиша севган.
- Бу – сенинг фикринг. Мен бунга ишонмайман. Онам, муҳаббат ва қизил атиргуллар... Онам ҳамиша жуда тежамкор бўлган, йўқ, хасис эди у. Ким билади, балки ҳақдирсан ҳам?
- Мен ҳақман. Биз ҳам унинг қабрига юзта қизил атиргул қўямиз. Нима дейсан, гулчамбар қилиб эмас, юзта қизил атиргулларнинг шундоқ ўзини қўямиз.
- Йўқ, оқ бўла қолсин. Юзта оқ атиргул. Бу энди муҳаббат тарихи эмас-ку!
- Мен ҳам онамни яхши кўрардим.
- Ўзим ҳам. Лекин унга бутун умр шу гапни айта олмадим.
- Ҳозир айт, у эшитади. Мен шампан виносини олиб келаман.

20. ҲАРРИ

Тобутни қабрга қўйишга изн сўрарканман, дафн маросими ташкилотининг мундир кийган бир хизматчиси бу ишни фақат оила аъзоларигина амалга ошириши даркорлигини айтди. Биз эса – Лоре, Эде, Ҳайди ва мен кулиб қўя қолдик. Ўшанда Рита, Тео ва қайнонамга сўнгги йилларда бегараз ғамхўрлик қилган ҳамшира бизни қаҳр тўла нигоҳлари билан жазолашганди. Глория ва Лаура эса бир четдаги томошабин, гўё улар бу оиллага бегонадек эдилар. Қизча катта бувиси ҳақида ҳеч нарса билмас, Ленининг қачонлардир ҳаёт бўлганига базўр гувоҳ бўлган эди, холос. Глория бирор марта бўлса ҳам касалхона остонасини ҳатладими? Ҳа-я, бир ёки нари борса икки мартаба. Қабр бошида озчилик эдик. Ленининг ўзи шуни истаган эди. Марҳумни сўнгги йўлга кузатиш чоғида нима дейишни ўйлаб бошим қотди. Мен бу ишни Лорени деб, ҳа айнан уни деб қилдим. Лени ҳар иккимиз учун ҳам бу оламни аллақачонлар тарк этган эди. Лоре видолашув учун кўп вақт сарфлади, у ерда, каравотда ўтирганча узоқ вақт умидсизликка чўмганининг гувоҳи бўлдим. Қандай ҳамдардлик билдиришни билмасдим. Ақлим шошган, бунга тайёр эмасдим. Тео ва Ританинг ўша ерда бўзлаганча ҳўнграётганини кўриб, фиғоним фалак бўлди. Ленининг ҳаёт чоғларида парвосига ҳам келтирмаган ноқобил фарзандлар шу кунни айрилиш ролини маромига келтириб ўйнашарди. Ўзларини энг азиз одамларини йўқотган кимсалардек тутишарди. Асл мақсадлари,- кўнглимдан ўтказдим,- ҳеч қачон амалга ошмайди. Рухонийларнинг ҳеч бирига Ленини қоралашларига йўл қўймайман. Аксинча, қувноқ нутқ сўзлайман. Ленининг латифаларидан гапириб берарканман, унинг бир пайтлар айтганларини

сўзма-сўз қайтараман: Бугун мағрур бўлсам, эртаси мискин бир кимса. Лениннинг автобусдаги сафари ҳақида айтдим...” Ҳожатхонали автобусда ер юзини айланиб чиқдим-а”, - деган эди... Европани кезар экан, Леонда уни чамаси тўрт ёшли қизалоқнинг француз тилидаги эркин нутқи ҳайратга солган эди. Ўшанда Лоре уни айнан француз қизи эканлигини таъкидлади. “Бунинг нима аҳамияти бор, ҳатто шу ёшда ҳам ўз она тилинда равон гапира олмайсан-ку”,-деган эди Лени. Мен яна Тео ва Ританинг газабнок нигоҳларига тўқнаш келдим. Бу эса мени руҳлантириб юборди, янада муболаға қилишимга туртки бўлди. Лениннинг инглиз тилини ўрганмоқчи бўлгани, Лорени going сўзида “o” унлиси, doing сўзида эса “u” унлиси талаффуз қилиниши кераклигини уқтиришга бўлган зое ҳаракатларига ишонқирамай қарашини сўзлаб бердим. “Бу қандай бемаънилиқ” деркан Лени қизининг инглиз тилини билишига шубҳа кўзлари билан боқарди. Сўнг бор ALDI дўконига борганимиз, Лениннинг у ердаги майда ўғирлиги ҳақида сўзлаб, уни қалбда ўчмас иснод доғи бор жасоратли аёл дея мақтадим. Аслида Теони ҳақиқатдан ҳам ҳазар қиладиган Лениннинг чап юзидаги ростакан доғи ҳақида сўзлаётгандим. Иштиёқларидан бири хонандалиқ бўлган ҳамшира аёл ўта ёқимсиз бир қўшиқни “Само заминдан аста бўса олмоқ истаган палла”, - дея хиргойи қила кетди. Қўшиқнинг авжига бўлса базўр чиқди. Беъмани қўшиқдан сўнг Теонинг таъбири билан айтганда севимли италян ресторанига тамадди қилиш мақсадида таклиф қилиндик.

Бу даҳшат, ўшандан буён ҳаётимнинг қолган қисми ва ёки унинг умри давомида ортиқ бундай қариндош билан олди берди қилмасликка қарор қилдим. Тео аёлидан тасалли олган мотамсаро кимса ролини ўйнашда давом

этарди. Ўрнини тўлдириб бўлмас йўқотиш ҳақида, волидасига бўлган чексиз соф муҳаббатини айтиб йиғлар, уч ой олдин простата саратони касалига чалинганини пайқаб, уни қабрга биз қўйишимизни кўзда тутганча кетиш навбати энди ўзиники экани айтиб зорланарди. Тео касаллигини ипидан игнасиғача, сийдик тута олмаслиги, буйрағига узун найча қўйишлари, кейинчалик ёш болалардек йўргак кийиб юриши, жинсий заифлик сабаб Рита билан ишққа сармаст ҳаётини давом эттира олмаслиги тақдирнинг бешафқат жазоси эканини эринмай ҳикоя қилди. Муттаҳам, - дедим ичимда, - ёнингдаги жирканч кекса аёлдан бундан ортиқ нарса кутмаса ҳам бўларди.

Глория ва унинг зерикиб чарчаган қизи хайрлашиб уйга қайтишди. Тез орада гўзал тамойилга кўра яна қайта кўришилади. Эде ресторанга боришдан олдинроқ Ҳайди билан хайрлашди, биз эса Тео, Рита ва ҳамшира аёл билан бирга тамадди қилдик. Ҳамшира аёлни ширакайф устида кўтаринки руҳ италияликлар учун ария куйларкан кўнглимиз сал ёришди. Тео бўлса бунга тоқат қилиб ўтирмай яна ўша касаллиги ҳақида маъруза қила кетди. Ва ниҳоят улфатларимиз кетиб ўша ерда Лоре билан бир фурсат қолиб кетдик. Кетмоқчи бўлиб турган бир палламизда таклиф қилганига қарамай Тео ҳисобни тўламай кетгани аён бўлди. Тео ҳисобни келиб албатта тўлашини, у бу ернинг доимий мижози эканини тушунтира кетдим. Шундайликка шундайку-я, бироқ унинг ҳисобида бунча маблағ йўқ, уни бунча пули йўқ, - таъкидлади италиялик ходим. Шундай қилиб ҳисобни ҳиммат қилибми, ё миннат тўлашга мажбур бўлдим. Пулларимни бўлса қайта кўрмайман. Лоре билан уйга қайтиб, очиқ айвондаги ўриндиқларга чўкиб, марҳум Лениннинг хотирасига атаб АЛДИ дўкони шампан виносини очдик.

- Онангинг хотираси учун!
- Ҳа, у учун. Ва ниҳоят оромини топди.
- Эҳ, Тео!
- Ё худойим. Ҳарри укамнинг бу қилмиши учун унинг тумшугига туширмаганингдан миннатдорман.
- Сизларни ўзим севган итальян ошхонасига таклиф этаман.
- Пулингни қайтармагандир?
- Албатта йўқ.
- Жирканч! Менга айт-чи, ким ҳам бундай касаллигини кўчама-кўча дoston қилиб юради?
- Тушунолмай қолдим.
- Тўғри, бу ачинарли ҳол, бироқ ...
- Биласанми нима, унинг бирорта ҳам сўзларига ишонмайман. Уканг доимгидек ҳаммани аҳмоқ қияпти, холос. Эҳтимол уни бовул қилишида муаммо бордир... лекин бирданига бунақа саратон, найча-ю, йўргак?
- Бас қил, илтимос, яна барини бошидан бошлама!
- Кечирасан-у, у уканг бўлса-да учига чиққан жирканч одам.
- Жигаримми ё бегона. Мени у билан ҳеч нима боғлаб турмайди. Болалик чоғларимизданоқ ўз йўлимиздан кетдик, ҳатто қизиқишларимиз ҳам турлича эди.
- Мен эса доим синглим ё укам бўлишини истардим. Зотан бугун опа-уканинг бир-бирларини тушуна олмасликларига гувоҳ бўлдим.
- Менга дўстларим яқин ... мисол учун Ҳайди ... бунақа укадан минг чандон афзал.
- Эҳ, Лоре, энди биз кўнгли ярим етимларгинамас, жигарбандларидан айрилган хокисорлармиз.
- Ахир қизимиз Глория ва набирамиз бор.

– Бугун яна бир бор пайқаганимдек, улар ҳам менга бегона.

– Глория никоҳ тўйи тараддуи билан овора.

– Икки ой ичида ўтадиган никоҳ тўйими?

– Барибир.

– Ё худойим, улар шунчаки никоҳ уйига бориб турмуш қуришади ва тамом.

– Бу бўлажак куёвнинг шаънига тўғри келмасди.

– Лоре! Бундай дейишга қандай тилинг борди? Ким экан ўзи улар?

– Нимани назарда тутганимни пайқаб турибсан-ку ахир.

– Улар синди. Тез орада қашшоқлашиб, инқироз қурбонига айланишлари ҳам эҳтимолдан нари эмас ... шу жумладан тоқат қилиб бўлмас такаббураликлари ҳам.

– Шайтонга ҳай берсанг бўларди.

– Шайтонинг ўзи уларга ҳай берган. Шубҳасиз, қизим Глорияга жамики эзгуликлар-у, яхшиликларни раво кўраман, лекин ўша кимсалар ҳам бир маротаба тунука идишларда таом ейишга мажбур бўлганларини кўришни хоҳлардим.

– Бундай бўлмайди.

– Албатта, ахир улар маблағларини қаерлардадир яшириб келганлар.

– Ўтинаман, Ҳарри, менга раҳминг келсин, уларни мунтазам танқид остига олишни бас қил. Франкни қандай инсон эканини ҳали билмайсан-ку.

– Уни ким эканини жуда яхши пайқаб турибман.

– Айтмоқчисанки, қизимизнинг никоҳ тўйига мен билан бирга боришингни сўраб кунига қиладиган илтижоларим бесамар.

– Худди шундай. Бунга умид ҳам қилма.

- Шунинг учун оламиз.
- Аксинча, Ленининг хотираси учун.
- У аллақачон Яратганнинг пойида ... Агар тангрини оёқлари бўлса, албатта ... Онам парвардигорга тақдирини хато битгани ҳақида шикоят қилаётгандир.
- Онанг бунга ҳақли.
- Ҳали унинг тириклар орасида қиладиган ишлари кўп эди.
- "Яратганнинг пойида ... Тангрининг оёқлари бўлса агар", - топиб айтдинг.
- Бу сўзлар Рейнер Кунзенинг шеърларидан бир парча. "Яратганнинг пойида - агар Тангрининг оёқлари бўлса - пойида ўтирар Бах, Лайпциг ҳокимимас".

21. ЛОРЕ

Ҳануз тушкун кайфиятдаман. Қалбим ҳувиллаб қолган, ғамга ботганман-у, бироқ ичимда енгиллик ҳам бордек. Енгиллигим, онамнинг азобдан халос бўлгани бўлса, ғамим – қаеримдадир улкан бўшлиқнинг пайдо бўлиши эди. Бир қисмим йўқдек. Биз бир оила эдик, бўлақларга бўлиниб, секин-аста йўқ бўлаётгандекмиз. Тео аллақачон сафимиздан чиққан, бу мени умуман ташвишга солмаган, огринмаганман. Дафн маросимда рол ўйнашди, майли, бу ҳақда ўйлагим йўқ, ҳаммаси тугади, ортда қолди. Энди яхши нарсалар ҳақида ўйлашим керак. Бу йилги ёзни ўтказишим, тўйда туриб беришим лозим, кейин эса йил якунига етади, ундан кейин...

Бўлмагур нарсалар ҳақида ўйлаяпманми? Шу ёзни ўтказишим керак, деганим нимаси? Ёз – йилнинг энг гўзал фасли-ку, дарахтлар гуллаган, ҳаво илиқ ва майин, эски, аммо чиройли кўйлақларимни кия оламан бу фаслда, пайпоқда юрмайман, нимага чидашим керак эди? Ҳа! Тўғри, бошқа томони ҳам бор. Ёзда мен Ҳаррини кам кўраман. Бир томондан шундай бўлгани ҳам яхши. У баъзан ҳаддан зиёд кўп асабимга тегади. Бошқа томондан эрта тонгдан тасаввур қилиб бўлмайдиган ир-кит шимда, резина этикда, ранги ўчиб кетган кепкасида боғига чиқиб кетади, буталар тагини чопади, қуриган новдаларни кесади, кун бўйи бир нималар экади. Ҳар доим ўзимга савол бераман, бир-иккита гул учун шунча машаққат, шуларни сотиб олсак ҳам бўлади-ку. Оқ гулли малҳам ўсимлик ҳар йили тарвақайлаб ўсиб кетади, жуда эҳтиёткорлик билан шохларини кесади. Найзагуллар жуда чиройли, ёрқин кўк рангда, бироқ уларни қурт-қумурсқалар еб тугатиш пайида бўлади. Кейин Ҳарри

уларга қарши дори сепеди-да, шохларини баланд қилиб маҳкам боғлайди, қанчалар заҳмат...

Боққа иккита кичик уйча керак, бири қишда ташқарида қолиши мумкин бўлмаган ўсимликлар учун, иккинчиси боғдорчилик анжомлари учун, буларку майли, бироқ ҳозир Ҳаррига босимни кучайтирувчи мослама ҳам керак. Илгарилари ўнқир-чўнқир жойларни қўлда текислагичлар ёрдамида амалга ошираддик, қанчалик ёқимсиз иш бўлмасин, қилишга тўғри келарди Эндиликда унинг босим кучайтиргич мосламаси бор, боққа тегишли барча анжомларни ўша мослама ёрдамида текислайди. Бунисиям ҳали ҳолва. Мебел ва шунга ўхшаш ёғочдан ясалган нарсаларни силлиқлаштиришга мосланган ускуначи? Илгарилари бундай ускуналари бор одамлар устидан кулардик. Фақат тўкилган барглари тозалаш учун ютувчи ускуна етишмаяпти, холос. Агар шу мослама ҳам уйимизда пайдо бўлса, қадрдон ўтмиш билан видолашишга тўғри келади. Барглари ютувчи мослама эмиш. Ўргилдим.

Унинг қанчалик уринаётганини ўтирганча кузатдим, кейин янги китобларни варақлай бошладим. Қанчалик ёлғон-а буларнинг бари! Бўлмағур гаплар ёзилган буларда, ким буларни ўқийди-а? Мана буниси вампирлар ҳақидаги роман экан, буниси ҳам, буниси вайрон этилган қалб тўғрисида, буниси ўлим, хуллас, сериаллардагидек буларнинг бари жавонларда терилиб ётаверади. Бунақа нарсаларни ўқий олмайман. Истамайман ҳам, аммо кутубхонадан эндигина ўқишга олинган китобларни кўриб бораман. Одамларга орзу, умид берувчи, санъат оламини ёритувчи китоблар керак, улар инқирозу тушкунликлар ёритилган асарлардан безган. Кўпгина романларда қашшоқлик, кексалик ҳақида сўз боради, шунинг учунми китобхонлар уларни ўқишмайди, улар жавонларда сарғайиб ётаверади.

Бироқ Эккарт фон Ҳиртхаузенни эмас, унинг ёзганлари ўқишли.

Касбим мени завқлантирмай қўйди. Китоблар илгаригидек эмас. Ҳарри “Китоблар тез орада йўқ бўлиб кетади”, – дейди. Баракалла! Демак, биз гирт аҳмоққа айланамиз. Кимдир интернетда ёки дискларда эшитади китобларни. Мен қарияпман, шекилли. Менга бундай арзонгаров ишлар хуш келмайди. Илгари ота-оналаримиз хоналарида пластинкаларни кўришни исташмасди, бугун мен интернетни кўришга кўзим йўқ. Аммо шу билан вақт тўхтаб қолмайди, истақларимиз билан уни тутиб қола олмаймиз.

Менга бутунлай ўзгача ҳаёт керакдек. Бутунлай янги. Ақлли ҳаёт. Институтда таҳсил, саёҳат, жуда тез турмуш қурмаслик, яхшиси фарзанд кўрмаслик. Гўё қулаётган тоғда тургандекман, секин-аста қулаб бораётгандекман, ҳализамон кум-тошлар мени кўмиб қўяётгандек. Ўзимни қўлга олишим зарур. Бу тарзда давом этиши мумкин эмас.

*

– Ҳарри, Ҳайди босим кучайтиргичингни бериб туришингни сўраяпти.

– Нега энди?

– Боғдаги мебелимиз жуда чиройли кўринибди кўзига, ўзиникини ҳам шундай қилмоқчи.

– Унга қилиб беришим керакдир-да. Ўзи барибир бу ишни эплотмайди.

– Бу яна нимаси? Аёллар калтабин бўлишади, дейишади-ку. Уни бу мосламага ақли етармиди? Масалан, мен бундай қилмаган бўлардим.

– Қўйсанг-чи, Лоре, мен Ҳайдини яхши билганим учун айтаяпман, ҳар доим шундай қилади, жавон сотиб олади ва мен уларни ўрнатиб беришимга тўғри келади. Кўп марта шундай қилган. Доим қарашворишим керак унга. Энди

бу мосламага ўтибди-да. Ахир унинг ишлатилишини умуман билмайди-ку! Қаерига сув солинади, қанча тезликка қўйиш керак, яна менга ишоняпти-да. Аҳмогини топибди.

– Илтифотингиз учун ташаккур.

– Шундай эмасми? Бўпти, пивомиз борми?

– Ҳаммасини тугатиб қўймаган бўлсак, ҳали бор.

– Эй Худойим, илтимос, дилни хира қиладиган пичин-гларингни қўйгин.

– Унда мендан сўрама. Мен пиво ичмасам. Ўзинг ичганингдан кейин бор-йўқлигини ҳам билгин-да.

– Кутубхонангга боришинг керак эмасми мабодо? Ўша ерда кайфиятингни ҳам кўтариб келармидинг.

– Ҳозир кетаман. Бугун кун ярмигача ишлайман, аммо хотиржам бўлавер, ҳозир кетаман.

– Сени ташлаб ўтаман, менга машина керак. Мен яна бир марта Вупперталдаги боғдорчилик марказига ўтиб келаман.

– Нега энди, ахир шу ерда ҳам қанча-қанча боғдорчиликлар бор-ку?!

– Уларда кўп йиллик кўчатлар бор.

– Қўйсангчи, шуларингни. Уларнинг иши кўп, оз фурсат гуллашади, улар учун ҳамма нарса ёмғир, шамол, чувалчанглар – ҳамма-ҳаммаси хавф туғдиради, худди бўзчининг моккисига ўхшаб у ёқдан бу ёққа зир-зир югурасан-у, ҳеч нарса қилолмайсан. Яхшиси атиргул эка қол.

– Атиргул?

– Ҳа, рододендрон (Альп атиргуллари), жасмин, шунга ўхшашларини.

– Лоре, богни ўзимга қўйиб бер, сен, яхшиси, китобларинг билан шугуллангин, майлими?

– Билганингни қил, лекин кейин белим оғрияпти деб нолиб юрма.

– Биринчидан, ҳар доим ҳам белим огриганидан нолимайман. Иккинчидан, олтмишдан кейин боғда ишланса, белнинг огриши табиий. Ўзинг ҳам ҳамиша ўқиётганингда каттароқ кўзойнак кераклиги ҳақида шикоят қиласан-ку.

– Бу – бутунлай бошқа нарса.

– Ҳа, тушунарли, доимо шундай. Қачон кетишинг керак эди?

– Ҳозир, шу чоғда.

– Яхши, кетсак бўлади.

– Шу туришингда кўчага чиқмасанг керак?

– Туришимга нима қипти?

– Шу гижим шимингда, резина этикда, илвираб кетган кўйлакда-я?

– Лоре, мен операга эмас, боғдорчиликка кетяпман!

– Кутубхона олдида сени шу аҳволда биров кўриб қолса-чи?

– Мен сени четроқда, бурчақда қолдираман.

– Агар сенга бирор кор-ҳол бўлса-чи, масалан, автоҳалокат, унда...

– Менга бирор нима бўлса, кимдир кийимга қарайдими?

– Менга барибир.

– Худди тип-толга ўхшайсан.

– Йўқ, агар сен касалхонага тушиб қолсанг, сени кўргани борсам, шунда... менга барибир демоқчи эдим.

– Ҳа, ўшанда мен тирикманми, йўқми, шунда сенга барибир бўлади, шундайми?

– Бирор мантиқли гап чиқадими ўзи сендан? Кетдик-ей. Кечқурун қайтасанми?

– Агар касалхонага тушмасам, ҳа.

22. ҲАРРИ

Лоре билан муносабатларимиз доим шундай. Ким билсин бу ҳақда нималарни гийбат қилишаркан, боси кимнидир нимадир қизиқтирдими, шов-шув ўша ондаёқ тезлик билан барчанинг қулоғига етади. Мана шу биргина юқори босимли усқунани харид қилиб балога қолдим. Бугунда эса ушбу усқуна сабаб уйимиз олди ораста кўринишга эга эканлигидан Лоре ўзида йўқ хурсанд, ҳатто дугоналарига бу усқунани харид қилишни тавсия этмоқда. Лоре ўзи шунақа. Бир томондан барча нарсада тартиб бўлишини истайди, бошқа томондан кўрс бўлиб қолишдан ва ёки ёшлик йилларидаги эски гаплар қайта кўзгалиб қолишидан ўлгудек кўрқади. Орасталик талвасаси унга онасидан мерос. Марҳума Лени бу хислатини “Усти ялтироқ, ичи қалтироқ” қабилида сақларди. Эсимда, янги уйга кўчмоқчи бўлган паллалар кўчиш масаласини ҳал қилдик, ўшанда у ошхона столи устидаги жирканч доғдан нолиганди. Ваҳоланки ўша доғ стол устидан сира тушмайдиган дастурхон туфайли кўп йиллардан бери кўзга ташланмаётганди. Ушанда Лени, - бу ирkit доғни қандай йўқотса бўларкин?, - сўраганди. “Ирkit” – бу хато талаффуз қиладиган сўзи – унинг сеvimли ибораларидан эди. Мен унга столнинг устки қисмини қириб, унга қайтадан ранг беришни, бироқ бу ишни яхшиси, кўчиб ўтгандан сўнг, янги хонадонда амалга оширишини маслаҳат бердим. Бироқ маслаҳат маслаҳатлигича қолиб кетди, кўчиб ўтгач, стол устидан яна ўша дастурхон жой эгаллади. Лени кўчиб ўтаётганида собиқ уй эгалари буни пайқаб қолишларидан чўчиганини вақт ўтиб тушундим.

Лоре албатта Лени бўлолмайди. Бироқ унинг баъзи нарсаларга турлича ёндашиши, масалан унинг боққа нис-

батан муносабатини олайлик. Мабодо Лоре боғдан фахрланиб кетса “бизники”, агар боғнинг нимасидир ёқмай қолса “меники” бўлиб қолади-да, - боғнинг билан қўшмозор бўл! - дея мени койийди.

Келишмовчилигимизнинг сабаби ҳам кўпинча шу боққа бориб тақалади. Лоре боққа ишлов бермаслигимни таъкидлашдан чарчамайди, боғимдан воз кечишимни талаб қилади. Ўттиз йил аввал мана шу уйни сотиб олганимизда ҳозирги боғ ўрни катта майсазор бўлиб, атрофи шох-шабба билан ўралган эди. Момақаймоқдан бўлак ҳеч нарса ўсмасди. Майсалар ҳам қаровсиз, собиқ уй эгасининг учта ити бўлиб, майсазорни пайхон қилгани қилган экан. Лоре ўшандаёқ боғ ишларига ҳуши йўқлигини таъкидлаб қўйган, менинг эса бунга на вақтим, на боғ ишлари тўғрисида тасаввурим бор эди. Шундай қилиб майсазор анча йиллар давомида бўм-бўш сайхонлик бўлиб ётди, унда фақат Глория учун қум солинган қути ва арғимчоқ турарди. Ҳар замонда қурилиш идорасидан ҳовли тозалилига қаровчи одам келиб, майсаларни ўриб олиб кетарди. Глория Ҳиндистонга кетгач, ўйингоҳ буткул ҳувиллаб қолди. Отам зўр бериб бу ернинг бўш ётмаслигини, дов-дарахт экиб, боғ яратишимни уқтирарди. Лоре эса бунга қарши эди. У мен яхши тушуна оладиган кичкина боғлардан ҳазар қиларди, бизнинг боғимиз ҳам шу кичик боғлар сингари бўлиб қолишини истамасди.

Голландияга, денгиз бўйига қилган саёҳатимиз чоғида ўша ерлик бир эр-хотин билан танишиб қолдик. Леннеке, ҳайкалтарош ва ажойиб санъатшунос, Питер эса инженер бўлиб, нафақага чиққан экан. Уларнинг чиройли боғи бўлиб, унга роса ҳавасим келди, ҳатто Лоре ҳам ҳайратга тушди. Леннекени ўзимга устоз қилиб олдим. Ўсимликлар учун лотинча белгилардан фойдаланардик, борган сари

бир-биримизни яхши тушуна бошладик. Уйга бутунлай ўзгариб қайтдим. Бўш вақтимни бутунлай боғда ўтказа бошладим. Ҳар қандай об-ҳавода ҳам боғда бўлардим. Шох-шаббаларни бутар, майсалар тагини юмшатиш учун ҳаракат қилардим. Шу атрофдаги жамики боғдорчилик билан машгул кишилар мени ҳаваскор боғбон ва доимий харидор сифатида анча таниб қолишди. Aconitum, Delphinum, Helenium, Dicentra, Rudbekia, Heliopsis гуллари бойлигимга айланди. Йилнинг ҳамма фаслида боғимда гуллар очилиб турадиган бўлди. Ҳатто экзотик иқлимда ўсувчи “Насронийлик юлдузи”, “Йиғлаётган қалб”, лилиялар ҳамда найзагул, лола қизгалдоқ ва пионгуллар, астра гуллари ва хризантемалар, парпигуллар, космеялар, эр вафоси дея аталувчи гуллар, ҳатто умри қисқа қариқиз ҳам ям-яшил товланиб, кўзни қувонтириб турарди. Лоре боғбонликка муккамдан кетганимни кўриб, аввалига талвасага тушди, ажрашаман, деб дўқ қилиб кўрди, кейин еса пивохоначаларга бормай қўйганим ва яна боғимиз голландиялик танишларимизникидан қолишмай бораётганидан бўлса керак, анча хотиржам бўлди.

Боққа иштиёқим эҳтиросга айланган қандай туйғу эканини Лорега тушунтириб бера олмайман. Китоблари унга қанчалар қадри бўлса, гулларим ҳам менга шунчалар эъзозлидир. Ҳар бирининг табиати менга маълум, қай бири қуёшни, мўътадил ва ёки ўта мўътадил иқлимни, қуруқ ёки нам ерни хушлаши, қайси ўсимликлар ёнида ўсиш уларга маъқул – у қандай ўғит уларга қувват беришини яхши биламан. Мени ҳам уларда бўлгани каби яна ўшандай ўтган қаҳратонли қишнинг баъзи йигирма даража совуқ кунларига бардош бера олишлари даҳшати хавотирга солади. Бошида ўсимликлар парваришини унчалик мураккаб юмуш деб ўйламагандим. Бироқ бир ишга кири-

шилдими, ортга йўл йўқ. Боғни қаровсиз қолдирдингми, қилган меҳнатларинг ҳавога учади. Лоренинг орзиқиб кутадиган таътилларию, таъкидлаётган сафари мени қизиқтирмайди. Ҳайди ҳам (гарчи бу борада ҳеч бир тушунчаси бўлмаса-да) гулларни кўпроқ суғориш кераклигини эслатиб туради.

Шундай қилиб мана шу боғни бугунги кўринишига келтириш учун унга нақ ўн беш йил меҳнатим сингди. Ростини айтадиган бўлсам, бу юмушлар менга жуда оғирлик қиларди. Белим, тиззаларим зирқираб оғриydi. Авваллари куни бўйи мана шу боғда тер тўкиб ҳам чарчамасдим, бугунга келиб бир-икки соатдаёқ тинкам қуриydi. Азалдан меҳнатимни енгиллаштириш ҳақида ўйлаб келаман. Яна ниҳоллар ўтказгим, уй ортидаги бир парча ерни ўз ҳолича қўйгим келади, қанийди бунга қўлим борса, бироқ бундай қила олмайман. Кун келиб бу ёруғ оламни тарк этадиган бўлсам, боғимнинг ҳоли не кечади, қартайган кекса дарахт бўлиб, боғда илдиз отармидим, – дейману, яна наҳот мана шу боғни умр йўлдошим Лоредан ҳам ортиқ кўрсам, дея ўйлаб қоламан. Ўзимни ўзим тинмай сўроққа тутсамда, бироқ уларга жавоб тополмайман.

*

– Ҳа айтганча, Лоре, тасаввур қил-а: найзагулларнинг баъзи турлари, “Муҳаббат найзаси”, “Қуролбардор”, “Ибодат бонги”, “Вильҳелмсхуйи қасри”, “Севинч нидоси”, яна “Музликлар чашмаси” гуллари қишга бардошли, майда кўк гулли ўсимликлари эса йўқ. Шу гулни эслаб қолишга тўғри келади, шекилли?

– Эҳтимол.

– “Қуролбардор” гули майда кўк гулли ўсимликлардан бардошлироқ.

– Эҳ, Ҳарри, боғингда кўпам куймалашишингни истамагандим...

– ...куймалашганим йўқ...

– ...кўпроқ вақтингни маърифатга ажратсанг бўларди.

– Боғдорчиликнинг ўзи бир маърифат. У ҳақидаги адабиётлар қалашиб ётибди, буни сен мендан яхшироқ билишинг керак.

– Ҳа албатта, Вита Сасквилленинг «Мағриб» асари. Унда ёзувчи аёл боғи ҳақида ажойиб нарсаларни баён этган.

– Ўпа “Sissinghurst-Castle”¹¹ да ўз қўллари билан ёнвойи ўтларни юлган деб ўйлайсанми?

– Йўқ, албатта. Унинг шахсий боғбони бор эди.

– Менинг эса боғбоним йўқ. Ёрдамчининг ҳам кераги йўқ.

– Нега энди? Шундай катта боғинг бор...

– Мана шунинг учун ҳам ўша юқори босимли ускунага муҳтожман.

– Бемаънилик.

– Бас қил, Лоре! Менда на ўт ўрувчи, на барглари ютувчи ускуна бор – биргина мана шу юқори босимли ускуна бор, холос. У қанча юмушларга сарфланадиган қувватимни тежайди. Sissinghurst да эса бу юмушни хизматкорлардан иборат бутун бошли қўшин бажарган.

– Буни униси билан солиштириб бўлмайди, ахир.

– Аксинча. Агар сен айтганчалик ишчи кучи ёлласам...

– Ўйлайманки, бу сенга катта ёрдам бўларди, мен...

– ... сен тавсия қилаётган ўша ишчи кучи... ва ҳатто мардикор ёллаганимда ҳам бир кунда менга юқори босимли тозалагич ускунаси баҳосига тенг бўлади. Арзимаган пулга ишчи ёллаш даври ўтмишда қолди.

¹¹ Sissinghurst-Castle - Англиядаги машхур боғ

– Ҳар хил тош йўлақлардан бегона ўтлар ўсиб чиқса-чи?

– Ушанда бунини тартибсизлик эканини айтасан, мен эса гуллар сўлиб қолса суғорсам, бегона ўтлар ўсиб чиқаверишини айтаман.

– Дарвоқе, бегона ўтга нималар киради?

– Боғда кутилмаган ўтларнинг пайдо бўлиши, одам қўллари билан ўтқазилмаган, ўзича кўкариб чиққан ўсимликлар бегона ўт деб аталади.

– Инкор қўшимчали сўзларни ёқтираман. Вафо – бе-вафо, ўт – бегона ўт“.

– Жозибатор – жозибасиз.

– Ҳақ – ноҳақ.

– Парваришли – парваришсиз.

– Жиловланган – жиловланмаган.

– Бегона ўт атамаси Дуден лугатида бормикан?.

– Бўлмаса керак.

– Бегона ўт сўзи худди гастарбайтер¹² дек.

– Бу нима деганинг?

– Гастарбайтер сўзи муомаладан чиққач, шу маънони берадиган сўз керак бўлиб қолди, муҳожирлик орқасидан ҳамюртимизга айланди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи оқим бегона ўт деб аташни истамаганлари учун уларни “ёввойи ўсимликлар”, “ён-атрофдаги ўсимликлар” ҳамда маданийлашмаган ўт-ўланлар каби атамалар топа бошладилар.

– Унда юқори босимли усқунанг маданийлашмаган ўт-ўланлар қирувчиси экан-да.

– Шундай деб ўйлашни маъқул топган экансан, майли, ихтиёринг.

¹² Гастарбайтер – муҳожир мардикор, сўзма-сўз меҳмон ишчи

– Эҳ, Ҳарри, бу ердаги юмушларимиз баъзида менга огирлик қилиб кетади. Боғда чекаётган заҳматларингни кўриб, кўпинча барини сотиб юбориб, мўъжазгина уч хонали уй олсак бўлмайдими, дея ўйга толаман.

– Жиддий айтяпсанми?!

– Ҳарри, энди ёш эмасмиз.

– Балконли уч хонали уй ҳам ҳеч нимани ўзгартирмайди.

– Балки айвонли уй олармиз.

– Ёхуд боғи бор уй.

– Ҳа, эҳтимол ўша икки жўякчали кичкина боғи бўлар.

– Лоре, илтимос бас қил! Бу гапларни шунчаки айтдим де.

– Нима, гапларим сенга ёқмадими?

23. ЛОРЕ

Бунақа номақбул, ақлга сизмас ишлар билан яна қанча шуғулланиш мумкин? Тонг отади, кун ботади, умр ўтаверади. Ҳар кеч ухлашга ётаркансан ўтган кун ҳақида мушоҳада юритасан, кун нимаси билан яхши бўлди, менга нима берди, бугун қаерларда бўлдим, деб ўйлайсан.

Менинг одатим бундай: ҳар тонгда уйғонсам-да, кўзларимни беш дақиқа очмайман ва “Бугун нималар қилишим керак, нималар қила оламан, нима қилишни истайман?” – дея ўйлайман. Нимадан воз кечмогим лозим, нимани қаттиқ тутишим лозим, нималар қилсам яхши бўлади. Кечқурун эса кунимни тарозига соламан: нималарга улгурдим, нималар қолиб кетди, нимадан хурсанд бўлдим? Тарозининг икки палласи кўпинча тенг келмайди. Юмушим кўп, баъзан ҳаммасига улгурмайман, кучим етмайди, ўшандай кезларда тушкунликка тушаман, кейин Криста билан тушлаик қилиш ўрнига қабристонга – онам ёнига бораман. Менми ё шарпам? Бу ҳам номаълум. Қабр бошида туриб узоқ йиғлайман ва онамдан қаерларда хато қилганимни сўрайман. Онам мени жонидан-да ортиқ кўрарди, фақат буни кўрсатгиси келмасди, буни билардим. Мен-чи? Мен уни яхши кўрармидим? Унинг қабри олдида онам боғлиқ гўзал хотиралар аниқ-тиниқ кўз ўнгимга келади: бирга мусиқа тинглашимиз, кичкина-лигимда каравотим ёнида ўтириб олиб қўшиқ айтишлари...

Мен ҳам Глория кичкиналигида шундай қилардим...

Мен ҳам Глорияни яхши кўрардим. Лекин “овқатингни емасанг, иккинчи қаватдан ўзимни таплайман!” демасдим онамга ўхшаб. Ўшанда, кичкина қизалоқ пайтимда овқат емасам, онам ростдан ҳам пастга ўзини отади деб, ўлгудек

қўрқардим. Мен бўлсам, Глория овқат ейишни хоҳламаса, уни зўрламасдим. Гарчи у севган таомларни тайёрлардим: олмали, шоколадли пироглар... У истамаган нарсасини тановул этиши шарт эмасди. Қилганларимнинг қайси бири тўғри-ю, қайсиниси нотўғри эди? Жавоблари бормикан бундай саволларнинг? Бутазорда Ҳарри нималарни ўйлар экан? У ер чопиб, экиб юриб, фақатгина богининг ташвишини чекса керак. Боғ юмушлари ҳам худди рўзгор юритиш каби маънисиз: ювиш керак, яна кир бўлади. Ойналар артилади, ёмгир ёгса, яна ўша аҳвол... Бегона ўтлар юлинади, улар яна ўсиб чиқаверади, ҳар кузда тонналаб хазон йиғилади, яна шундай бўлаверади... Буларнинг ҳаммаси нима учун? Ҳаммасига биттагина, лўнда, ақлли жавоб ахтараман. “Ёлғиз ўзинг жавоб изла саволларингга”. Кимники эди бу сатрлар? Готтфрид Бенн, ҳа, худди ўзи. Кичкиналигимда унинг шеърларини дафтаримга яшил сиёҳда кўчириб ёзардим, ёд олардим, ўшанда шеърлар мени овутарди. Бугун улар ҳам ожиз бунга. Улардан саволларимга жавоб ололмайман. Энди бу саволларга жавоб излаш беҳудалигини ҳам тушунаман. Ҳашаматли кутубхонадаги китоблар ҳам фақат излаш, саволлар, жавобсизликдан ожизлик ҳақида, ёшинг ўтгани сайин мазмун узоқлашаётганга ўхшайди. Илгари бу каби маъносиз фикрлардан чалғий олардим. Эндиликда кундан-кун тугаб бораётганга ўхшайман. “Машҳур аҳмоқона фикрлар инқирози” дейилади бу жараён. Барча ҳаракатлар нима учун? Нега ўрин соламыз, йигамиз, вақт ўтиши учун боғни тартибга келтирамиз? Ҳаётни бошқача қуриб бўлмайдами?

Илгариги шодлигим қайтиши учун бажонидил нимадир қилган бўлардим. Китобларни титкиласаммикан, мусиқа эшитишим керақдир, қайноқ ванна қабул

қилсаммикан, муздек вино ичсаммикан? Қувонч мен учун ёт тушунчага айланиб қолгандек, бахт мендан юз ўгиргандек. Кучукчам билан илгарилари қанчалик бахтиёр эдим? Ҳозирчи, ит боқишни истаيمانми? Эй Худойим, хурпайган пахмоқ жуни, осилиб турувчи тили... Алоҳида емак тайёрлаш, об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, бўрон турадими, жала қуядими, уни сайрга олиб чиқиш лозим. Бундан ташқари, ўша ит мендан кўпроқ умр кўрса-чи? Унда нима бўлади? Кучук боқиб олсак, балки Ҳаррига яхши бўлар? У уйда кўп бўлади-ку. Баъзан итни сайр қилдиргани биргаликда чиқармидик, айниқса, кечқурунлари. Йўқ, Ҳарри оламдан ўтиб қолса, яна ўзимга қийин бўлади, яроқсиз тиззаларим билан кўчага ҳам чиқолмай... Ит боқишга йўл бўлсин?

Нега кучук ҳақида гап очдим ўзи? Қувонч ҳақида гапирарётгандик. Илгарилари кўп қувонар эдик. Хурсандчиликка сабаб топиларди.

*

– Ҳарри, бирор кун шаҳарга тушиб тўйда кийиш учун ул-бул харид қилмаймизми?

– Айнан нималарни?

– Сенга костюм-шим, наригиси аллақачон эскириб кетган.

– Менга костюм-шим керак эмас, янги олиб уни яна қачонам кияр эдим.

– Қизингнинг тўйида, кейин... кейин менинг дафн маросимимда.

– Бунчалик тентак бўлма, Лоре. Яхши, майли, бирорта мундайроғини оларман, сен-чи?

– Шоҳи кўйлак, чиройли гулли шоҳи кўйлак олсам, дедим. Кейин, баланд пошналар туфли ҳам.

– Баланд пошнада юролмайсан-ку. Оёқларинг оғриб қолади.

– Унчалик баланд бўлмайди, учи юмалоқ, шунда ҳаммаси яхши бўлади.

– Яхши, бўлмаса шаҳар айланамиз, қачондан бери шаҳарга бирга чиқмаганмиз. Ишдан жавоб сўрай оларми-кансан?

– Ҳа, ўтган йилги таътилимдан 1-2 кун қолган.

– Менга қара, нега биз дам олишга бормаймиз ўзи? Одамлар денгизга бориб, соҳилда маза қилиб ётишади...

– Чунки бизга меҳмонхоналар ёқмайди-да. Тўғрироғи, сенга, қачон қараса, каравотлари тор дейсанми-ей, душлари ишламаслигидан шикоят қиласанми-ей. Ҳар доим шу аҳвол.

– Ҳа, Фуертевентура¹³ ни айтаяпсанми, ўша жой сенга ёққанмиди? Тошли соҳил, фақат балиқдангина иборат нонушта, ҳамма ёқда тақинчоқ, кўзойнак, футболкалар со-тиб юрган савдогарлар. Ўзинг ҳам уч кун ўтар-ўтмас уйни соғиниб қолувдинг.

– Хуллас, ҳеч қандай дам олиш йўқ. Бизга шу ерлар ҳам бўлаверади. Харид, сайр, пулни ўйламай сарфлаш, молиявий зарар – буларнинг ҳаммаси бизга таниш. Илгарилари қўлинг очиқ эди. Бу – энди ўтмиш.

– Яхши. Унда яқин кунларда шу ишни қиламиз. Тўйга оз фурсат қолди. Онамнинг вафоти билан боғлиқ ишлар ҳам кўп. Шкафларни тартибга келтиришим, онамнинг бир-иккита эски нарсаларини саралашим керак. Уйимизга яна файз кирсин, дейман.

– Кеча у ёқ-бу ёқларни саранжом қилай деб қабристонга борувдим, онангнинг қабрида оқ атиргулли гулдаста турган экан. Сен ҳам борганмидинг?

– Ҳа, борувдим.

¹³ Фуертевентура – Атлантикадаги Канар оролларидаги бири

– Худо ҳаққи, мен хурсанд бўлдим. Ўзинг ўйлаганингдан кўра онангни кўпроқ яхши кўраркансан, шундай эмасми?

– Билмайман. Балки шундайдир. Йўқотиш ҳисси ҳукмрон қалбимда. Тушуняпсанми? Бўшлиқ бор ичимда .

– Бўшлиқни биз энг чиройли шоҳи кўйлак билан тўлдирамиз.

– Ҳарри...

– Ҳа?

– Ўйлашимча, мен сени ҳануз севаман.

– Очигини айт, буни қачон аниқ билдинг?

– Эҳ, Ҳарри, қарибам қуйилмагансан-да.

24. ҲАРРИ

Лоре ҳаёт мазмунини англашда қанчалар иккиланиши, кексайиш унга нақадар оғир ботаётганини пайқаб турибман. Эркаклар бу ҳолга осонгина кўниб кетаверадилар деб айтиш осон. Мен ўзим ҳам элик, элик беш ёшда шундай ҳолатни бошдан кечиргандим. Зах қурилиш идорасида ўтириб, барча турдаги қурилиш таклифлари бошида турарканман, ўтмишдаги барча орзуларим рўёбга чиқмай қолишини тушиниб етдим. Энди ёшлигимда орзу қилган ўйлар, черковлару кўприкларни барпо этишни ўйламай қўйдим.

Олдинда ҳали Поол хоним, қаҳва қайнатгич, телефон, хужжат папкалари яна идора ошхонаси билан боғлиқ ўн – ўн беш йиллик меҳнат фаолиятим ётар; бу эса ҳеч нимани ўзгартирмасди. Ҳеч бир кимса менинг меъморий, шаҳарсозлик гоёларим билан заррача бўлса ҳам қизиқмас, на бир гуруҳ ва на бир давлат ташкилоти кўмагидан умид бор эди. Мунтазам ташкилотнинг зулмат йўлларида кўрсичқон бўлиб келдим, ўзимни эса эскиликнинг сарқитидек ҳис қилардим. Ўша кезлари дўстим Эде менга бирор бир партиёга бориб, ўзинг учун муҳимини танла, шаҳар кенгашига номзодингни қўйиб, маъқул деб топган партиёга аъзо бўл, шундагина касбий фаолиятингда илгари одимлай оласан дея маслаҳат берарди. Мени бўлса айни мана шу ишга виждоним йўл қўймасди. Тўғри олтимиш саккизинчи йиллардаги воқеалардан кейин шу иш билан ҳам шуғулланмоқчи бўлгандим. Ўша вақтларда хаёлимга меъморчилик касбига менда қобилият борми ўзи деган ўйлар ҳам келганди, албатта.

Яқиндагина спортнинг атлетика йўналиши бўйича бир дунё чемпиони билан мухбир ўртасида бўлган

мулоқотда: ўзгача қобилият соҳиби бўлмасамда, бироқ мен ўта тиришқоқ ва касбимни фидойисиман, деган сўзларига кўзим тушди. Ростини айтганда мен унчалик серҳафсала, яна ишининг фидойиси ҳам эмасман. Бу менинг ечилмас муаммойим.

Ҳар куни ноилож идорага судралиб бориб, саробга айланган орзуларим билан курашаётган бир паллада Лореда кексалик аломатлари кечарди. Бу касаллик аста-секин ҳаётимизга ҳам кириб кела бошлади. Лоре айниқса жазирама паллада қийналарди. Аёллар журналида ушбу ҳилқатларнинг жинсий безларидаги кексайиш оқибатлари ҳақида жуда кўп ёритиладиган мавзуларнинг барини ўқиб чиқдим. Собиқ дўстлариму танишларимдан бу давр эр ва хотиннинг низоли палласи бўлишини билиб олдим. Мана мисол учун Эде ва унинг аёли Силвиа ушбу синовга бардош бера олмай ажрашишди. Эде бўлса кўп ўтмай ўзига жуда ёш бир хуштор топиб олди. Шу ёшимда бу ишни ўзимга раво кўра олмайман. Лоренинг ҳолатини тушунишга ҳаракат қиламан. Ўзимга ўзим: кексалик палласидамиз, дея уқтиришни унутмадим.

Лоре билан ота-онамизнинг синовларига бардош бердик, турмушимизнинг илк даври эса асов давр бўлди. Аста-секинлик билан бари ўз измига тушаркан, бироқ камида Эде ва бошқаларнинг навқирон ёшидаги муваффақиятларига алиштирмас даражадаги ажиб ҳисларга бой турмуш кечирдик. Турмушимиз гўзал, унда фақат Лоре ва мен бор эдик. Мана шу кексалик аломатлари касаллиги танимизга кирди – ю, бари ўзгарди қолди. Ростини айрилиқ дардига ҳеч йўламадик, бироқ муносабатларимиз баъзи изтиробларга бардош бериши керак эди. Тез – тез тортишиб турардик, камдан кам ҳоллардагина фикримиз бир ердан чиқар, кўпинча ўз танлаган йўлимиздан борар-

канмиз, қизиқишларимиз ҳам турлича эди. Аҳён – аҳёнда ҳафта якунидаги Галландиянинг соҳил бўйига қиладиган сафаримиздан бошқа ҳеч ҳам бирга таътилга чиқмасдик. Бир биримизга бўлган эҳтиросни ... туймасдик, энди туймай қўйдик дейишим тўғрироқ бўлади. Бир биримизга деярли хушфёъл муомаладамиз, аммо кундалик турмуш айна тугёнларни еб битиради.

Боғда ўтказадиган кунларим зерикарли умримдан озода бўлиш демак. Шундай қилиб мен нафақадаги хур, соғлом кимса, кунларимни ўзим режалаштираман, истаганимча авваламбор кўпроқ боғим ва неча йиллар муқаддам узоқлашиб кетган бир неча қадрдон биродарларим билан кўришаман. Лоре бўлса ишида давом этар, касбий машғулотиға нуқта қўя олмас, у кераги ҳам, фойдаси ҳам бўлмаган Лоресиз ҳам фаолияти тўхтамайдиган ўша се-викли кутубхонасига боролмай қолишдан кўрқади. Шуниси аёнки, у мендан фарқли ўлароқ касбини севади ... ҳали ҳам унга меҳри бўлак.

Агар Лоре нафақани танласа, сафарга чиққан бўлардик. Бироқ у толмас аёл. Менга ўхшаб уйда тинч ўтира олмайди, китобларидан воз кечолмайди. Кеча кутилмаганда Лоре шаҳарга бориб либослар харид қилишимизни таклиф қилди ... ўша никоҳ тўйи сабаб, албатта. Авваллари сеvimли машғулотимиз бўлган шаҳарма-шаҳар кезиш ажойиб гоё эди.

Жума кунларининг бири. Шаҳар марказига йўл олиб, кийим-кечак дўконларини айланиб юрибмиз. Лоре арзон бозордан ёзги, енгил, гулли, бундан ўттиз йил аввал русум бўлган яна кекса аёллар либоси деб аталувчи кўйлак сотиб олмақчи бўлди. Аёлимга кўйлакларнинг бирортаси тўғри келмас, уларнинг бари озгин моделъерларга атаб бичилганди гўё. Ҳафсаласи пир бўлган Лоре тақдирга тан бериб,

имкони борича тезроқ уйга кетиш ихтиёрини билдирди. Хайриятки бир бутикдан аёлимнинг кўнглидаги куйлак топилди. Бу кўйлақда Лоре янада мафтункор кўринар, ўзи эса бундан жуда шод эди. Менга костюм танлашимиз у қадар қийин кечмади. Биринчи кийиб кўрганимнинг ўзиёқ ҳар томонлама лойиқ келди. Унда ўзимни эркин ҳис этардим. Эҳтимол бу ҳаётимдаги сўнгги харид қилган костюмим бўлиб қолар, дея кўнглимдан ўтказдим.

Омадли хариду биргаликда ҳафта якунида Голландияга, соҳил бўйига боришга қарор қилганимиздан кайфитимиз чоғ эди. Лоре душанба ва сешанба кунлари ишидан озод, бу эса нафақадан далолат эди эҳтимол. Барча керакли анжомлар машинага жо бўлган, мен бўлса яна бир бор боғимни сугорарканман, уйдаги телефон жириглаб Лорени ҳузурига чорлади. Бутунлай эсанкираб қолган Рита телефон орқали бугун эрталаб Тео автоҳалокатга учраганини хабар қилди. Серқатнов йўлда юқори тезликда кетаётган машина кўприк устунига бориб урилган ва рулни бошқариб бораётган Тео ўша ондаёқ жон берибди. Фалокатдан бир неча соат илгари Тео ошқозонности беши саратони касаллигига чалинганидан хабар топган экан.

– Бу ўз жонига қасд қилишмасмикан?.

– Хаёлимга биринчи бўлиб айнан худди шу фикр келганди.

– Унинг учун ягона йўл шу бўлгандир, эҳтимол.

– Ўлим доим ягона йўл бўлиб келган.

– У билан ноҳақ муносабатда бўлдикми ... уни инкор қилганимизни назарда тутаяпман ... шу жумладан бетоқатлигимизни ҳам?.

– Билмай қолдим. Йиллар давомида тинмай заҳмат чекдинг. Тео бўлса бирор мушкулингни осон қилган эмас.

– Тео умуман ўзга олам эди. Бошқача ҳам бўла олмасди.

– У ўшандай бўлиб қолиши керак эди деб ўйлайман. Яқинларидан олмаган меҳрни бетайин одамлардан излади.

– Онанг бир сафар менга, Тео фойдасиз бир кимса, худди отасининг ўзи, – дея таъкидлаганди.

– Бизни ташлаб кетганидан сўнг онам отамдан ҳазар қила бошлади. Ўшанда мен ўн, Тео бўлса саккиз ёшда эди. Онам бўлса бор қаҳр ғазабини Теодан оларди. Бечора укам ноилож, мактабида ҳам қолоқ, йилдан йилга синфида қолиб кетар, кейинчалик эса мактаб таҳсилани тўхтатди ... қолгани ўзинга аён.

– Ҳа, албатта.

– Тео шунчаки ҳаётида тўғри йўлни танлай билмади.

– Сен эса онангга севикли фарзанд бўлиб келгансан.

– Ҳа. Тео учун эса бу аламли армон эди.

– Ростини, Теонини сендан нафратланмагани ҳайратланарли ҳол.

– У барча ерда меҳрга ташна бир бола эди. Нафрат нелигини билмасди.

– Ҳудо ҳаққи, энди Ритага қандай таскин берамиз?.

– Аввалам бор унга тассали керак ... агар доимгидек бу ҳолни жазавода ўтказаетган бўлса, албатта.

– Бу унинг учун даҳшатли зарба бўлади. Яхшилаб ўйлаб қарасам, бунга бутунлай Ританингни ўзи айбдор ... яна уканг жуда қалтис паллада кетдида.

– У нима деганингни?

– Теонингни қарзлари унинг оиласи қарзлари дегани.

– Бизнинг ҳам шундай қарзларимиз борми?

– Қалтис паллани назарда тутаялсанми? Нега энди?

Ҳеч бир кимсадан қарзимиз йўқ.

– Шундай де. Рита телефон орқали нималар деганини биласанми? Буни билиб қўйган фойдадан холи эмас. Эсанкираб қолганидан азбаройи худо, - Тео онангизни қабрга кўйишга боролмайди, - дея қичқиради.

– Ҳа, бу чинакам эсанкираб қолиш. Қайгудан кўра кўпроқ жазавага ўхшайди. Ҳа, Лоре, мана ҳордигимиз ҳам эрта якунига етди.

– Ҳаммасидан кўра шу сафар соҳил бўйига боришни режалаштирганмиздан хурсанд эдим.

– Денгиз қочиб кетмас. У доим бор бўлган ... у ҳеч қачон сокин бўлмайди. Паоло Сонтенинг қўшиғидаги сўзлар қандай жарангларди?

– Тунда ҳам чайқалар бу зулмат уммон, тиним нелигин билмайди у.

– Ёдингдами, бир пайтлар Тео билан Иле де Редаги таътилимиз? Негадир раҳмимиз келиб уни ўзимиз билан олиб кетиб, ажойиб, ҳеч бир мушкулотсиз вақти чоғлик қилгандик.

– Ўша дамлар қизиқ ва ёқимли, бир сўз билан айтганда бетакрор эди.

– Яна қачон шундай вақти чоғлик қилгандик? Саксон бешинчи ё саксон олтинчи йилдами?

– Саксон саккизинчи йил июль ойи эди. Кечагидек ёдимда. Тео роппа – роса қирқ баҳорни қаршилаган, айна туғилган куни ... бу кунни нишонлаш учун меҳмонлар аллақачон йиғилишган, уни Элизабет ташлаб кетганди.

– Ҳа-я! Бу кун бутунлай ёдимдан кўтарилибди.

– Қаршимизда зорланиб ҳўнграганича тураркан, барча анжомларимиз чамадонда таътилга шай эди ... шундай қилиб, нима қилишни билмай ... уни ўзимиз билан олиб кетгандик.

– Ўшанда Тео айрилиқ азобига қарамай ўзида йўқ хурсанд эди деб ўйлайман.

– Ўша айрилиқ ҳақиқатдан ҳам унга оғирлик қилганди.
– Ўша уч ҳафта ичида у билан анча чиқишиб кетгандик ва тушуниб етдимки мен унга опасининг турмуш ўртоғигина эмас, балки дўстидек бўлиб қолгандим. Бироқ уни ўтмишдаги ҳаётига қайтиши қийин кечди .

– ... ҳасратга тўлиқ умрига

– ... тез орада кексалик унинг борлигига раҳна солди.
Иккиюзлама, риёкор, мунофиқ кимсага айланди қолди.

– Биласанми, Ҳарри, бу жудоликлар мени қанчалар азобга солаяпти. Аввалига онам, энди бўлса укам Тео. Барига қўл силтаб, бу ердан узоқ – узоқларга бош олиб кетгим келади.

– Лоре, Теони ерга, Ритани ҳушига, Глорияни турмушга бергач, авваллардагидек ёлғиз иккимиз машинада, шунчаки, ҳеч нимани ўйламай Италияга йўл оламиз ... уч, эҳтимол тўрт ҳафтага

– Нақадар ёқимли хаёл.

– Таътил режаларинг кўпмиди?

– Ҳа, бироқ соҳил бўйига ҳам борамиз ... келишдикми?

– Шубҳасиз.

– Женевага ...

– Кўрамиз, ҳақиқатдан ҳам у ерда туни билан уммонтинмай чайқалармикан.

– Ҳарри, шу кунлар насиб қилармикан?.

– Хоҳиш бўлса, урдасидан чиқиш ҳеч гап эмас.

25. ЛОРЕ

Укам ҳам қазо қилди. Оиламиздан якка ўзим қолдим. Уз жонига қасд қилади, деб ўйламаган эдим. Ўзимни айбалапман ҳам. Уни мушкул аҳволга тушиб қолганини сезмаганимга, “ўзимни ўлдираман” деса, бу унинг навбатдаги инжиқлиги деб қараб, жиддий қабул қилмабман. У болалигиданоқ кўрқоқ эди. Уйда ёлғиз қолишдан, қоронғиликдан, момоқалдиरोқдан кўрқарди, ваҳимага тушарди. Мен эса уни баттар талвасага солардим. Бола эдик ўша пайтлар... Ажина бўлиб атрофида айланиб кўрқитганим-кўрқитган эди бечорани. Онам оламдан ўтди, Тео бу дунёни тарк этди, ажал мен билан бирга стол атрофида ўтириб, энди кимнинг навбати деб турибди гўё.

Мен энди ожиз эмасман. Кучли бўлишим, яшашим керак, қабристонда ҳаётнинг шамолдек елиб ўтишини сезиш мумкин. Бир марта яшаймиз. Дадил бўл, Лоре.

Рита даволанаяпти. Яхши қилди, даволаниш унга анча ёрдам беради. Ҳозир биз Глориянинг тўйига кетяпмиз, эгнимизда оҳори тўкилмаган кийимлар, онамнинг маржони қайтадан Глория учун таъмирланди, қайта ипга терилди, Ҳилде холанинг олти дона эски вино ичадиган стаканларини ҳам Глорияга бермоқчиман, тилла суви юритилган, Венедцияда ишланган. Франк билан шу идишларда вино ичиб, бахтли бўлишсин. Мен барча нарсаларимни тарқатиб юбормоқчиман, энди йиғишимдан наф йўқ. Биринчидан, қизим учун шундай қиялпман, иккинчидан, кенгроқ жой бўлса дейман, кенглик ва озодлиқни қўмсаб қолибман, эски лаш-лушларга ўрин йўқ энди. Рита ҳам менга бир қутида Теонинг нарсаларини олиб келиб берди. Мактабдаги китоблари, болалигида чизган суратлари, эски гитараси. Мен буларга қарай олмайман. Қалбим

огрийди. Шу кунларда яшаш ва ўлимни тарозининг икки палласига қўйишга қурбим етмайди. Аммо энди қатъий қарор қилдим, ҳаммасини орқага ташлайман.

Янги шифокорларим мени гўё қайта яратди, ҳозир аҳволим анча яхшидек.

Теони онамнинг қабрига қўйишмади. Уни Згодфридхга қўйишди, Рита унинг қабри учун олтин ҳарфларда ёзилган катта қабр тоши қилдирди. Мени қўйишармикан онамнинг қабрига? Ўлгандан кейин қаерга қўйилиши барибир эмасми ёки? Аммо мен буни истамайман. Ҳарри жон-жон деб рози бўлардим, деди. “Салом, Лени, бу мен – куёвинг, қизинг олдинга келишни истамади”, дермиш. Менинг жасадимни қаерга қўйишса бўларкан-а? Ўлгандан кейин бунинг нима фарқи бор? Битта китоб бор эди, унда бир йигитнинг жасади кулини дўстлари денгизга сепишга олиб кетишаётган бўлади, йигит денгизни умуман кўрмаган экан. Воқеалар кетма-кетлиги ҳозир аниқ ёдимда йўқ, бироқ йўлда кул солинган идиш доим ёнларида-ю, улар очиқчасига ким кимга ёмонлик ёки яхшилиқ қилгани ҳақида ҳисоб берадилар.

Мен-чи? Мен кимга нима ёмонлик қилдим? На онам, на укам билан чиқиша олдим. Ҳарри-чи? У мен билан бахтлимикан? Мен буни билмайман. Ундан кўп нолийман, бундан бечора безиб кетган. Глория-чи? Йўқ, энди ундаймас. У энди ўз ҳаёти билан яшаяпти, мен энди уни бутунлай ўз ҳолига қўйишим керак. Тўйи бўлгани яхши. Учинчи тўй, шу охиргиси бўлсин, ишқилиб.

У ҳақиқатдан ҳам Франкни севармикан? Бу ақлдан эмас. Балки мен ҳам бажонидил яна бир марта севган бўлармидим. Лекин бу ҳақида олтишни қоралаган аёл ўйлаши мумкин эмас. Эркакларга эса мумкин: семизми, тепакалми, қарими, бунинг фарқи йўқ. Улар ўзларига ҳамиша

йигирма, ўттиз, қирқ ёшли маъшуқалар қидиришади. Масалан, Йошка Фишер беш марта уйланган. Ҳелмут Кол ёки... Ишониб бўлмайди! Қари эркаклар ёш аёллар билан. Тескариси эса гўёки драма: кекса аёл ёш йигит билан? Мадонна ва Иесус, йигит ундан анча ёш. Менга ёқмагани йигитнинг исми Иесус (Исо) экани. Мадонна ва Исо, галати эшитилар экан... Қариган чоғимда Исо кам эди ўзи менга!

Нималар деяпман ўзи? Онам ва Тео қабрда-ку, мен эса севилиш ҳақида ўйлаяпманми? Балки ҳаётни тўғри ҳис қилишим учун шундай деяётгандирман? Бир марта...

*

– Ҳарри, 1-класс билан кетамиз-а?

– Албатта, мактаб ўқувчилари, уларнинг рюкзаклари ичида кетгим келмайди.

– Ўша куни кечқурун кетишимиздан олдин тадбиримиз бор. Балки борарсан?

– Йўқ.

– Ким келишини, қайси асардан ўқилишини билмайсан-ку!

– Яхши. Ким?

– Канадалик ёзувчи аёл. Танитайсан.

– У немисча ўқийдими?

– Немисча матнни мен ўқийман. У инглиз тилида ўқийди.

– Эҳ, сен ўқиганинг учун боришим керакми?

– Майли, боришинг шарт эмас.

– Йўқ, аксинча. Зўр-ку, сен ахир ҳар доим ҳам ўқийвермайсан.

– Аммо боришинг шарт эмас.

– Биламан. Аммо боришни истайман. Менга сенинг ўқишинг ёқади. Нима ҳақида ўзи асар?

– Ҳафсаланг пир бўлади айтсам. Албатта, муҳаббат ҳақида.

– Яхшилик билан тугайдими ишқилиб? Албатта, йўқ, шундайми?

– Аксинча. Улар бир-бирларини севадилар, йўқотадилар, кейин яна топишадилар.

– Китоб нима деб аталади?

– “Музгумбаз”.

– Бу нима дегани?

– Сен муҳандиссан. Буни билишинг керак.

– Аммо билмайман, ҳеч қачон эшитмаганман. Музгумбаз.

– Бундай жойларда, масалан Польшада майитлар сақланади, токи ер юмшаб, уларни кўмгунларига қадар.

– Ўлим ҳақида экан-да.

– Ҳа, яқиндагина Мартин Ҳартнинг бир китобини ўқидим, отаси ҳақида экан. Отаси гўрков бўларкан. Бир куни, рождество ва Янги йил оралигида бир дўсти ёнига келиб: “Яшашни истамайман, қаридим, касалман, устига-уштак ёлғизман, ўзимни осиб ўлдираман”, деса, отаси унга: “Сени тушуниб турибман, лекин сени ҳозир кўмиб бўлмайди. Майгача кут. Голландияда музгумбази ҳам йўқ”, деган экан.

– Кейин нима бўлибди? Ўзини осибдимми?

– Ҳа, майда, ерлар юмшагач.

– Қизиқ...

– Ҳаммаси ўлим ҳақида. Мен ҳам ўзимни худди “Музгумбаз” дагидек ҳис қиляпман.

– Ундай дема. Ҳали август бўлса, қуёш чарақлаб турибди, эртага тадбиринг бор, ундан кейин 1-класс билан Лайпцигга кетиб, у ерда икки кун маза қиламиз.

– Сен билан яна саёҳат қилаётганимдан бошим осмонда.

– Мен ҳам хурсандман. Поездда карта ўйнаб кетамиз.

Ҳалиям эсингдами ўйин?

– Сен доим гирром ўйнардинг. Қачон қараса қўлингда козерлар бўларди.

– Фақатгина бир марта шундай бўлган. Шуни сен бир умр гапирдинг.

– Сен бўлсанг ҳар қандай вазиятда гирромлик қиласан. Бу гал қочиб қутулолмайсан.

– Кўрамиз ҳали.

– Эсингдами, Глория ўйинда ютқазса, эшикларни тир-наб, соатлаб ҳиқилларди.

– Ёлғиз ўсди-да. Ота-онага бош кўтариш классик услуб.

– Тео ҳам болалигимизда ўйинда ютқазса, шундай қиларди. Бир-бирига ўхшайди улар.

– Сен жуда кекчисан-да, бугунгача козерни бекитганим эсингдалигини қара-я.

– Қўлимда яхши карталар бўлишига қарамасдан ҳеч қачон ютмаганим алам қилганди-да. Шунинг учун мен ҳам чалғитмоқчи бўлардим, бироқ сен буни билардинг.

– Ҳаёт ўзи шунақа. Аҳмоқ ҳам ўз фойдасига адашади.

– Нима дединг? Яна бир марта қайтар-чи: “Аҳмоқ ҳам ўз фойдасига адашади”. Кимнинг устидан кулаяпмиз ўзи?

– Биладим. Балки эсимга тушар. Биласанми, биргаликдаги ҳаётимизда менга энг ёққани нима?

– Ҳўш, нима экан?

– “Биласанми...” деган жумла. Буни фақат сенга айтаман.

– Шунинг учун ҳам ҳеч қандай Исога эътиқодим йўқ.

– Бу нима деганинг? Тушунмадим?..

– Шунчаки айтдим, қўйдим-да.

– Онамнинг сўнги кунларида битган трактаталари каби Исо билан боғлиқ бўлган эски гапларни қўзгама.

– Йўқ, азизим, мен бутунлай бошқа Исони назарда тутгандим, аммо буни ҳали-бери тушунолмайсан.

– Адашаяпсан.

– Ҳа, аҳмоқ ҳам ўз фойдасига адашади.

26. ҲАРРИ

Ё, Тангрим, бу қанақанги йил бўлди ўзи! Лоренинг онаси Лени бу оламни тарк этгач ортидан фарзанди Тео ҳам етиб олди, Рита бўлса саросимага тушиб қолган, бир томонда Глориянинг ғайриоддий истиқболи – ю, Лайпцигдаги қироллик никоҳ тўйи. Буларнинг бари шахсан менинг тошбағримни ларзага солган бўлса, Лорега жуда огирлик қиларди. Бир ёқда Ленининг ўзгаларга билдирмай рихлатга қилган сафари бадали, Теонинг бўлса ҳеч кутилмаган, шу жумладан сирли автоҳалокатию, Ританинг бутунлай ўзини йўқотиб қўйиши – булар ҳақиқатдан ҳам одамга огирлик қиларди. Лоре ҳар доимгидек Теога таскин керак пайтда унга ҳамдард жигар бўла олмадим дея яна ўзини айблайти. Яна Лоре барча бўлиб ўтган воқеалар сабабчиси ўзини, тақдир ва ҳатто мени айблайти. Ҳа, худди шундай. Буни ич – ичимдан ҳис қиламан. Ора-чорада менга разм соларкан ... мисол учун газата мутолаасига берилган чоғларим ..., кўнглидан не ўйлар ўтаётибдийкан, дея унга разм соламан. Унинг ўрнида бошқа бир ёшроқ, сўзамол, гапга чечан эркак бўлмагани маъқулми, – дея хаёл қилади. Ниманидир пайқаганимни фаҳмладими, шу ондаёқ мен билан ўзгача илтифотда бўлади. Сўнг анчадан буён айтмай қўйган гапларини ёдга олар, бахтни тугиб қолиш ҳақида сўз очар, бошқа одамларнинг турмуши билан ўзимизникини солиштириб, бошқаларга қараганда барчасини ўз ўрнига қўйгандекмиз деб билар, ва гапларининг сўнгида аслида йўқ бахтидан сармастлик ролини ўйнаради.

Мана шундай онларда иккимиз айро йўлда эканимизни ҳис қиламан. Қолган умр йўлимиз давомида Лоре билан ё шунчаки бир-бирига ўрганиб қолгани боис бошқа

кўплаб эр-хотинлардек ҳиссиз бир жуфтлик бўлиб ҳаёт кечирамиз, ёки ҳали бизни иккинчи баҳор мисол бир қанча гўзал, қизгин йиллар кутмоқда. Агар бутунлай муштарак эҳтиёжларимиз ҳақда ўйлаб кўрсак, бизнинг ягона устуворлигимиз ҳали тетиклик, ижтимоий кўмакка муҳтож эмаслик, пул топиш учун ортиқ меҳнат қилиш ва ёки иш топиш шарт эмаслигидир. Барининг сабабчиси ўзим эканимни билиб турибман. Лоренинг нафақага чиқиши биргина унинг ўзига боғлиқ иш эмас. Вақт топди дегунча богига йўл оладиган эри ёнида нафақадаги ёстиқдош бўлиб яшашга кўнишдан қўрқмаганида эди, Лоре бу ишни аллақачон уддасидан чиққан бўларди. Ҳа, барига ўзим айбдорман. Бу оғир табиатимни ўзгартиришим керак. Илк баҳоримизни ёдга солувчи нарсаларни қайта ёдга олмоғим даркор. Биргина Италия ва соҳил бўйига бориш учун сўз беришнинг ўзи кифоя қилмайди.

Мен шунчаки танбал, ялқовга айланиб қолганман. Ё Худойим, ёшим олтамиш олтида бўлса-да бироқ мункиллаб қолган кимсадекман. Кечагина дўстим Эде билан кабаретчи Диетер Ҳилдебранднинг чиқишини кўргани боргандик. Саксон икки ёшни қоралаб қўйган бу санъаткор саҳнада тўрт юзта томошабин қаршисида савлат тўқаркан, юзидан нур ва шодлик ёғилиб турар, сиёсатнинг ҳар жабҳасидан хабардор, ақли ҳам равон эди. Мен бўлса Лоре тавсия қилган китобларни очиб ҳам кўрмайман. Унинг ўрнига газетанинг қаёқдаги икир-чикирларни тиқиштираман, барини чалкаштириб, исм ва туғилган кунларни эслаб қола олмайман ... гулларимнинг номлари бундан мустасно, албатта. Лоренинг касбий ҳаётида қатнашмайман, унинг учун муҳим саналган мушоира кечаларида бўлишга унамайман, бирор кимни кўришга бориш, лоақал меҳмон кутишга ҳам ҳушим йўқ,

уйимга қамалиб оламан, яна пиво мавзусида умуман узоқ гаплашгим келмайди. Бу ахир кулгули ҳол. Йўқ, бунга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Ўзгариш зарур. Мен ўзим бунга нуқта қўйишим керак. Лоре нафақага чиққан паллада ҳам мен унинг ўтмишда ўзга ўлкаларга қилган сафарларимиз, кўргазма-ю, фильм кечалари, дўстларимизни кўришга борган кезлар, меҳмон кутган чоғлардаги каби ҳамроҳи бўлишим шарт. Голландиядаги Питер ва Леннеке ёхуд Мюнхендаги курсдошим Алоисникига бормаганимизга ҳам қанча бўлдики? Ҳа-я, Мюнхен. Людвиг Томанинг “Мюнхенлик хонимлар” асарида шундай жумла бор: “Аҳмоқ ҳам ўз фойдасига адашади”.

Ҳар сафар ҳафта якунида Европанинг ривожланган шаҳарларини бориб кўришни истамасмидик? Чипта нархлари ҳам бугунда анча арзон, парвоз компаниялари бўлса ҳайратланарли даражадаги имтиёзларни таклиф қилмоқда-ку ахир. Биз эса мана шундай имкониятдан фойдаланмаймиз. Йўқ, бунақаси кетмайди. Боғ ишларини бироз четга суриб, Ҳайдининг сафарга кетар чоғларимиз боғга кўз-қулоқ бўлиб туриш таклифини қабул қилишимга тўғри келади. Лоре билан ёқимли суҳбат қуриш учун жуда кўплаб китоблар варақлаб чиқаман. Менинг Лорем ўзининг адабиёт олаmidан ажойиб нарсаларни ҳикоя қила олади. Азизим Лоре кўзига фақат боғи кўринадиган кимса билан кексалик гаштини суришни истамасди. Қачон унга сўнгги бор “сени севаман”, деб айтгандим? Ёдимда йўқ. Бунга узоқ йиллар бўлиб қолди деб қўрқаман. Лорени бўлса ҳали ҳанузгача севиб келаман.

*

- Лоре, мен сени севаман!
- Ҳарри, сенга нима бўлди ўзи ... аҳволинг жойидами?.

– Олдингда гуноҳқорман.
– Нега энди? Менга хиёнат қилганмидинг?
– Асло.
– Ҳарри, қандай ножўя иш қилиб қўйдинг ахир?
– Ёнингда қайсар қартайган чол бўлиб қолганимдан афсусдаман.

– Ўтинчинг ижобат қилинди.
– Хурсандман.
– Хўш ... э ... яхшиликка умид қилса бўладими?
– Ҳа. Чуқур мулоҳаза қилиб, ён-атрофимга боқдим, бир-биридан ихлоси қолиб турмуш кечираётган жуда кўплаб жуфтликларнинг гувоҳи бўлдим. Бир уйда яшаб бир-бирларига тумтайишади. Умр йўлдошларига айтар бир оғиз ширин сўзлари йўқ, боиси бирор ҳаёт заҳматини биргаликда бошдан ўтказишмаган, барча гўзал хушомадларини эса ўзгаларга қилишган. Ўзимга бундай турмушни асло раво кўрмайман.

– Нима дейишни ҳам билмай қолдим ... Ҳарри, мени ҳайратга солиб қўйяпсан.

– Мана уч йилдан буён кино кўришга бормай қўйдик ... сўнги бор кўрган фильмимизни эслай оласанми?

– Ҳа албатта, ёдимда, у “Ўзгалар тақдири” номли фильм эди. Ўшанда фильм тугагач Эрфуртли ҳамкасбим Франсиска билан қизгин баҳс олиб боргандик.

– Ҳа-я. Ёдимга тушди ... сен билан яна кинога, театрга боришни, худди ўшандай баҳслар гувоҳи бўлишни хоҳлайман. Ўзга ўлкаларга сафар қилиб, фақат, эсингдами ўша кунлар, дея ўтмишни ёдга олишни эмас, сен ҳам мен кўраётганларимнинг гувоҳи бўлаяпсанми, деган ҳайратли ҳисларга бой сўзларни яна қайта айтишимиз учун нима-ларнидир бошдан кечиришни истайман.

– Ҳарри, бунга боғинг нима деркин?

– Бир боғни деб кексалик чулғаб олган умримни аёлим билан ўтказиш бахтидан кеча олмайман-ку ахир.

– Беихтиёр катта гапириб юбормаяпсанми!

– Олдинда яна бир бор гуноҳкорман.

– Бугун ўзи қанақа кун! Никоҳ тўйимиз нишонландиган кун-ку, ёдимдан кўтариладими?

– Ваҳоланки бошлаган, аниқроғи барига ойдинлик киритаётган эканман ... ҳалиги ... қизимиз Глория ва унинг никоҳ тўйига бундай совуқ муносабатда бўлганимдан афсусдаман.

– Ниманидир тушунгандайман ... тан олиш ҳам осон иш эмас.

– Шунчаки сен билан қизимизнинг никоҳ тўйига бирга боришдан мамнунман. Ўша дабдабали маросимда ён-атрофимиздаги одамларга разм солиб, сабрли бўлишга ҳаракат қиламиз ... агар таъбимизга хуш келмаса, у ерни тарк этамиз ... кейин дунёни сув олса ҳам майлига.

– Ҳарри, сени нима жин урди ўзи?

– Кутилмаганда хаёлимдан жуда тез ёлғизланиб қолишимиз мумкинлиги ўтди. Бизни эса вақтимиз оз. Мана шу онлардан биргаликда мазмунли фойдаланилма-са, бутун умр афсусланиб ўтилади деб ўйлайман.

– Рост айтасан, атрофимда бизнинг ёшдаги муносабатлари ёмон ва ёки камида бир-бирларига бефарқ оилаларга кўзим тушади.

– Майхона боғидаги бизга маъқул келган бир жуфтликни ёдга ол. Икки ҳилқатнинг зоҳир муҳаббати-ю кунни бўйи бир-бирига қилган хушмуомаласига ҳавасимиз келганди. Ҳозир ўша кишининг миясига қон қуйилиб, жуфтлик сукунат қасрида асир, аёли бўлса турмуш ўртоғига беминнат гамхўрлик қилиб келмоқда.

– Даҳшат ... уларни қачон кўрдинг?

- Яқинда, дўстим Эде билан пивоҳўрлик қилаётганда.
- Кўпинча уларнинг икковига ҳам ҳавасим келарди.
- Менга ўзгалар ҳавас қилгулик турмуш тортиқ эт.
- Албатта.
- Лоре, ҳали ҳам қалбимда сенга бўлган муҳаббат учқунлари бор деб ўйлайман.
- Шундай деб ўйлайсанми ёки бунга аминмисан?
- Ҳар иккиси ҳам.
- Мушоира кечасидан қолганимда эди ... оғушингдан паноҳ топган бўлардим.
- Биласанми нима, ўша кечага сен билан бирга бормоқчиман.
- Бундай мушоира кечаларини унча ҳам хушламасдинг-ку.
- Тўғри, лекин бу сафаргиси менда қизиқиш уйғотади деб умид қиламан.

27. ЛОРЕ

Лайпцигга кетадиган поезд учун чиптага буюртма берилди. 2 сентябрда ўша ерда бўламиз, тушдан кейин рўйхатдан ўтишади, эртаси куни черковда маросим. Оқ кўйлак, учинчи тўй, шундай бўлса-да, барибир оқ кўйлак. Кечқурун катта базм. Ундан кейинги кун нонуштага ҳамма йиғилади, кейин яна бир кун, ҳуллас, 4 сентябрда қайтилади. Хоналари катта вагон, вагон ойнаси олдида столчаси ҳам бор, чекиш таъқиқланади. Чекувчилар учун алоҳида жой бормикан? Ёки чекиш бутунлай таъқиқланганмикан? Сафсата. Барибир тентак кашандага вагонда чекиш таъқиқланганини тушунтириб бўлармиди. Масалан, ёнимда ўтирган бирортасига овқатдан кейин чекиб олсам майлими, деса унга ҳукумат қонунларини рўкач қилолмайман-ку. Бундан ташқари агар мен ҳам чекканимда кўпроқ суғурта пулига ҳам эга бўлардим, марҳамат шундай қилиш мумкин, лекин автомобил камарларини тақиш, мотоциклда бош кийим кийиш, Ренате Кюнастнинг¹⁴ шахсий квартирасида чекмаслик ҳақида ҳеч қаерда ёзилмаган-ку. Худди шундай. Эдега-ку қаршилигим йўқ, бироқ яқинда уни Ҳаррининг боғида, иккаласининг қўлида тамаки билан кўрдим, уларга диққат билан разм солсам, Эденинг эримга: “Битта нарсани билиб қўй, Ҳарри, эсингда бўлсин, ҳеч қандай сафарга ҳам чиқма, филтрли тамаки ҳам чекма, аёллар билан алоқада ҳеч қандай ҳимоя воситасидан фойдаланма!” деяётганини эшитиб қолдим.

Кулиб юборишдан ўзимни тийдим.

Бизга ҳеч қандай ҳимоя воситаси керакмас, илгарилар

¹⁴ Ренате Кюнаст – Германиядаги “Яшиллар” партияси раисаси

ри ҳам ундан фойдаланмаганимизга хурсандман. Бугунги ёшларга бу борада ҳавас қилмайман.

Хуллас, чиптага буюртма берилди. Ҳаррининг бирор ҳунар кўрсатмасдан, чин юракдан суюнишидан мен ҳам мамнунман. Баъзан унинг қувонаётганига ишонгим келмайди-ю, лекин алдаса, узоқ чидай олмайди. Менинг ичимда эса иккита одам яшайди гўё: мен уни ёқтираман, умримнинг ярмидан кўпроғини у билан ўтказдим, аммо баъзан асабимга тегади. Аслида, мен унинг асабига тегсам керак. У баъзан менинг тадбирларимга бирга боради, аммо ўша тадбирларда ўзини шундай тутадик, бақриб юборишдан ўзимни зўрга тияман.

Сўнгги марта худди шунга ўхшаш воқеа юз берганди. Шоира шеърларини актёрлик маҳорати билан ўқиркан, бу купчиликнинг гашига тега бошлади. Шунда Ҳарри ундан бир маромда ўқиб беришини сўради. Шоира қизариб кетиб чайналиб қолди ва ёқмаса эшитмаслиги ҳам мумкинлигини, уйда ўқиса ҳам бўлишини айтди. У эса яна: "Ўқиганларингизнинг ҳаммаси ҳам китобда борми ўзи?" деб сўраб, кейин яна: "Матн партитурасини¹⁵ сиз ҳеч шубҳасиз маромига етказгансиз",- деб қўшиб ҳам қўйди.

Ушанда ўта ноқулай вазиятда қолгандим. Ўзимнинг Ҳарригинам, кутилмаганда шундай аҳмоқона, кинояли, ажойиб гапирдики, бундан барчанинг ақли шошиб қолди, мен эса бундан фахрланишни ҳам, газабланишни ҳам билмасдим. Боиси бутун оқшом шу муаммо билан ўтди, шоиранинг эса дили оғриди. Ҳатто довдираб қолди, уйга қайтаётганимизда бўлса Ҳарри менга: "Инсон сифатида шоирадан нафратланмайман, унинг айби йўқ, аммо бошидан кечирмаган бўлса ҳам худди ўзиникидек қилиб ёзаяпти".

¹⁵ Партитура- кўп овозли музика асарида ҳамма қисмларнинг мажмуи

У қисман ҳақ. Немис аёллар адабиётида бу ҳол ўта кетган манманлик, бироқ шоира баландпарвоз ижод қилаётган бир паллада нима ҳам қилиш мумкин, унинг устига ижоди жуда зеркарли эканини айтиб унга норозилигини кўрсатишларига ишонмайди. Менга қолса уни таклиф қилмаган бўлар эдим. Бунга Криста айбдор. Криста ўзини ҳамиша билимдон кўрсатишга ҳаракат қилади, бироқ моҳиятни мазмун билан чалкаштиради. Аслида Тилман Рамштедни таклиф қилмоқчи эдим. У бобоси билан Хитойга боради ва уйда қолган опа-укаларига сафари ҳақида мактуб йўллайди, шу орада бобоси вафот этиб, ўзи эса Вестервалд¹⁶ да қолиб кетади. Ушбу воқеа менга ёқади. Фантазияга бой. Шоира кўпроқ Камус¹⁷ ижодини мутолаа қилган ёхуд Зартранимикан?¹⁸ “Қуёш фақатгина нур сочади, бошқа ҳеч нима”. Сўнгра “ҳеч нима” сўзини таърифлай кетади. Нима ҳам дердим. Очигини айтсам – бемаънилик бу. Ҳарри бўлса буни очиқ айтиб қўя қолди. Бу эркак мени ҳанузгача лол қолдиради. Ҳаррини таниганимдан бошлаб қалбида кўп нарсалар яширинганини биламан.

Беккет. Тўғри у Зартра ёки Камус эмас. Ўша кекса Беккет. Унинг қайсидир романи қуйидаги сўзлар билан бошланади: “Мюрфи”¹⁹. Беккетнинг “Мюрфи”асари, ҳа, ҳали ақлим жойида.

Бироқ менда ҳам у билмайдиган хислатлар мавжуд: Согинч. Қўрқув. Айбдорлик ҳисси. Ҳозир ҳам Теони яхшироқ тушунганимда эди, у биз билан Лайпцигга борса эди, деб ўйлаяпман, уни согиняпман. У қизимнинг чўқинтирган отаси эди, ахир... Рита менга Глория учун

¹⁶ Вестервалд – жой номи

¹⁷ Камус – француз ёзувчиси ва файласуфи

¹⁸ Зартра – француз файласуфи ва ёзувчиси

¹⁹ Мюрфи – АҚШ лик машҳур инженер

бир пакет берди, ичида Теонинг соати бор экан, бу – унинг Глорияга тўй совғаси. Қанийди, шу соат билан Глория ҳаммасини янгидан бошласа. Рита нима бўлганда ҳам яхши иш қилди. Ёки ундай эмасми?

Баъзанурф-одатларимизни деб, яхши иш қилганимизни ҳам сезмай қоламиз. Қизим чўқинтирган отасидан соат олди. Шундай қилиниши лозим эди. Қилиниши КЕРАК бўлган ишлар қанча ўзи бу дунёда? Ота-оналар фарзандларининг тўйларига бориши ЛОЗИМ. Агар буни умуман иштасмаса-чи?! Бу жуда кулгили туюлади атрофдагиларга, бироқ Ҳаррининг кайфияти яхши, бажонидил Лайпцигга бораяпти, мен-чи? Мен... Қанийди оёғимни синдириб олган бўлсам, ўшанда уйда қолган бўлардим. Ҳа, Лоре, афсус, бундай бўлмайди. Боришинг ЛОЗИМ. Оналик бурчи шуни тақозо этади.

*

– Ҳарри, ҳамма нарсани олдингми? Теонинг совғасини ҳамми? Узимизникини-чи? Чипталарни ҳам олдингми?

– Ҳа.

– Қайси вагонга чиқамиз? Яна бир марта қайтар-чи!

– 12-вагон, 35 - ва 37-ўринлар.

– Ёнма-ён эмас, аммо қарама-қарши ўтириб кетамиз, шундай бўлиши учун телефонда бир соатлар навбатда турдим.

– Бундай ишларни интернетда қилса ҳам бўлади.

– Мен камдан-кам интернетдан ишимни битказаман. Унчалик эплолмайман ҳам. Кристадан сўрамоқчи эдим, анави кунги шоирани ер билан битта қилганингдан бери, у мен билан гаплашмаяпти.

– Мен уни ер билан битта қилмадим, зеркиб кетдим. Шуни ўзига айтгим келди. Дарвоқе, унинг шеърларидан зериккан бир мен эмасдим.

– Йўқ, ундай эмас. Бошқалар ҳайратда эди.

– Фақат аёллар. Учта эркак тишимизни тишимизга қўйиб чидадик, битта йигитча, тўғри, унга хўпам ёқди, буни тушунса бўлади, шоира – аёл, бунинг устига машҳур...

– Нега бунча вокзал одамларга тўла? Ҳамма Лайпцигга кетяптими?

– Яхшиямки, чипталарга олдиндан буюртма бериб қўйганмиз. Ҳа-я, буларнинг ҳаммаси Глориянинг тўйига кетишяпти-ёв...

– Тезроқ ўта қолсайди шу тўй...

– Биз вақтимизни чоғ ўтказамиз, Лоре. Ичамиз, гийбатлашамиз. Эски даврлардагидек бировларни бировларга чақиштирамиз. Худди Томас Бернхард билан Витгенштайн сингари.

– Йўқ, бундай қилмаймиз, Ҳарри, сен жуда олов ёқишга устасан. Қўй, дилим хира бўлишини истамайман.

– Нега энди, қизингнинг қайнота-қайнонажони Бредовлардек катта тадбиркор, наҳотки унинг қандайлиги бизни заррача қизиқтирмаса?

– Фақат қайнотаси ҳаёт, қайнонаси аллақачонлар у дунёга рихлат қилган.

– Янаям яхши, бечора қиз ҳеч бўлмаса қайнонасининг кўнглини олишдан фориғ бўлибди.

– Нималар деяпсан? Эътиборинг учун мен ҳам қайнонаман.

– Сен бечора элик ёшли Базедовга ҳаёт, турмуш тўғрисида ваъз ўқиб ўтирмассан?

– Бредов! Куёвимизнинг фамилиясини тўғри айтишни ўрганиб олсанг, ёмон бўлмасди.

– Ах, ҳали Базедов эмасмиди? Мен...

– Ҳарри, илтимос, ҳазил кўнглимга сиғмаяпти.

– Бу – ёмон. Бундай воқеаларни фақат ҳазил билан ен-
гиб бўлади.

– Чипталар ёнингдами?

– Йўқ.

– Йўқ?

– Йўқ.

– Бу нима деганинг?

– Чипталарни бир четда ғамгин турган нафақахўрга
ҳадя қилиб юбордим. “Маъшуқангиз билан Лайпцигга бо-
ринг, сизга албатта ёқади”, – дедим.

– Ҳарри, ақлдан оздиришинг ҳеч гап эмас.

– Ақлдан озишинг кучли ҳаяжонингдан. Яна бирор
нима гапириб берайми?

– Қўйсанг-чи!

– Гапирайми ёки йўқми?

– Ё Худойим...

– Тадбирингда... Яқинда...

– Яна бошидан бошляапсанми?

– Йўқ, бу бошқа нарса. Ўша тадбирда менадан олдинги
қаторда гўзал бир аёл ўтирган эди. У...

– Ҳа, шунинг учун экан-да.

– Нима шунинг учун?

– Шунинг учун сен ўзингни кўрсатган экансан-да.
Ўша гўзални лол қолдирай депсан-да.

– Охиригача гапирсам майлими?

– Гўзал аёл дегин? Буни билишим керак эди...

– Унинг сочлари қалин, тим қора, эски урфдаги тароқ
билан сочларини йиғиб олган, эгнида қип-қизил сви-
тер, шундоққина олдимда ўтирар эди, мен унинг гўзал
чеҳрасини тасаввур қилишга уринардим, кўзларини, та-
бассумини кўз ўнгимга келтирар эдим, шу сабаб тадбир-
нинг тугашига интизор эдим...

– Шундоқ ҳам тадбирнинг тугашига кўз тикиб турувдинг-ку!

– ... чунки уни кўрардим-да, балки гапга ҳам соларман, деб ўйладим.

– Мен уни танайман. Ё танийманми? Қора сочми? Йиғиб олган?

– Кейин тадбир тугади, биз ёнма-ён турардик, уни ... кўра олдим, ниҳоят.

– Хўш?

– Хунук башара, қийшиқ тишли, териси дағал бир махлуқ эди. Даҳшатнинг ўзгинаси... Аммо орқасидан...

– Нега буни менга гапириб беряпсан?

– Ўзим шундай. Ялтираб кўринган ҳамма нарса ҳам олтин эмас, деган гап ёдимга тушди.

– Поездимиз кеч қоларкан. Ана тепада кўрсатиб кўйишибди.

– Буни Меҳдорн билан ҳал қил!

– У йўқ энди.

– Тўғри, лекин четдан қараганда ҳаммаси ўша-ўшага ўхшайди. Баъзи нарсаларнинг қандай бўлса, шундайлиги-ча қолгани қандоқ яхши.

– Кейин сен ўша аёл билан гаплашмадингми?

– Нега энди гаплашишим керак экан?

– Чиройли бўлганида-ку, ўйлаб ҳам ўтирмасдинг.

– Эҳ, Лоре, ҳаёт ўзи шунақа, шафқатсиз, тўғри, шундай қилдим.

– Мен орқадан қаралса қанақаман? Орқамда ўтириб қолсанг, нима деб ўйлардинг?

– Менинг Лорем ўтирибди, деб ўйлардим.

28. ҲАРРИ

Биз каби олис йўлга камдан кам чиқувчилар учун поезддаги сафар ташвишнинг ўзгинаси. Бунинг учун сичқон то йўлида давом этишга журъат этгунига қадар тоқат билан оёгини кўтариб турадиган филнинг бардоши керак бўлади кишига. Ҳатто қиммат вагонлар ҳам одамни ташвишлардан холи қила олмайди, айниқса маст-аласт футбол ишқибозлари чиқиб олган бўлишса.

Мана чипта хариди ҳам аллақачон амалга оширилди. Лоре поезд чиптасини харид қила олмагач уни интернетдан буюртириб қўйганим иш берди. Қанчалар даҳмаза. Мана шу оворагарчилик учун икки соат вақтим зое кетди. Алоқага чиқиш унча қийин кечмади. Жума тонги бориш, якшанба куннинг иккинчи ярмида қайтиш имконияти бор эди. Айнан фавқулоддаги алоқалар учун қўшимча имтиёзлар йўқ. Яна бошқа бир йўлини қилиб кўрдим ... худди ўшандай. Назаримда бундай қўшимча имтиёзлар умуман йўқ бўлса керак. Ҳечқиси йўқ. Шундоқ ҳам бизда чугирмали чипта йўқ, демак чипта нархи тўлалигича тўланади. То барини урдасидан чиққунимга қадар харид сайтига нақ уч маротаба кириб чиқдим. Икки йўловчи учун ўн иккинчи қиммат вагон, ўттиз бешинчи ва ўттиз еттинчи ўриндиқлар, сокин ҳудуд. Шу орада дўстим Эде ҳам қўнғироқ қилиб улгурди. Сокин ҳудуд, – ҳайратланди Эде, – у ерда қўнғироқ қилиш мумкин эмас. Буни хоҳламайман ҳам. Маъқул келган бўлса, буюртира қол. Сухбат давомида яна бир бор сайтдан чиқдим. Ўзимни олиб қочаяпман. Бу муаммони ҳал қилишни саёҳат идорасига қўйиб бер, – маслаҳат берди Эде. Ҳеч қачон, – халқаро тармоқдан фойдалана олмаганим иззат-нафсимга тегиб кетди. Ва ниҳоят ҳисоб бўлимига етиб келдим. Банк

ҳисобимдаги рақамларни терарканман компьютер ойнасида ушбу ҳисобдан уч ойдан бери фойдаланилмаётгани намоён бўлади. Меҳдорн ва унинг ўринбосаридан тилимининг ягона қисиқлик ери ҳам мана шу. Лекин нима сабабдан банк бир оғиз ҳам огоҳлантирмади ва ёки янги кредит картаси жўнатмадийкан? Тушунарли, боиси банкнинг ўзи йўқ, банк эгаларини бўлса чамаси бошқа муаммолар ўйлантираётган кўринади.

Хўп майли, сафар транспортига қайтсак. Қулай ўриндиқлар, одамлар билан гавжум бўлмаган вагон, Лоре иккимизга буюртирилган жойлар дераза қаршисида, ўртамизда бўлса катта стол. Ўйин қартасини бирга олиш керак. У ёддан кўтарилармиди.

Поезднинг сокин ҳудудида уяли алоқа воситасини таъқиқловчи қизил тамга кўрсатилганди. Мана поезд ҳам йўлга тушди. Кўнгил тўқ. Вагонда дарров мўъжаз компьютерини ишга тушириб, ғайриоддий тарзда компьютер тугмаларини зарда билан босаётган қандайдир ташкилот вакили кўринишидаги бир кимса ёнгинамизда бизга ҳамроҳлик қилиб борарди. Кутилмаганда уяли алоқа телефони жиринглайди. Чақирув қўнғироғи оҳангидан таъсирланганча бир ёш гўдак қиқирлаб кулиб юборади. Ўша кимса қўнғироққа жавоб қилди. Бу ўша йигитнинг турмуш ўртоғи бўлса керак деган тахмин хаёлимизга яшиндек урилди. Йигит аёлига: “Лайпциг шаҳридаги учрашувим жуда ҳам муҳим, бу шаҳардаги Мюллер қурилиш фирмаси билан олди-сотди шартномасини тасдиқлашим учун икки кун керак бўлади”, - деб ишонтирарди. У “тасдиқламоқ” сўзини бузиб талаффуз қиларди. Сўнг малика деб мурожат қилган жажжи қизалогига янги электрон ўйинлар совға қилиши учун унинг оми дадажониси бу бешафқат дунёда тер тўкиши кераклигини айтди. Биз эса катта бир хиё-

нат саҳнасини гувоҳи бўлиб қолдик. Ўша кимсага сокин ҳудуднинг ўзида диққатимни қаратарканман, у ўта қизгин суҳбат билан овора эди: „Сичқончам“ деб атаган хуштори билан узоғи билан икки соат ичида унинг ҳузурида бўлиши, аёлнинг бағрида ўзини бахтли ҳис қилиши, хуштори эса хаёлида аллақачон йигитни жуссасини бўсаларга кўмаётгани, унинг йигит учун эртага соат ўн учга қадар вақти бўлишини айтар ва ҳатто буни ёзиши ҳақида ҳуфя сирлашишарди. Йигит жуда кучли ҳаяжон қуршовида суҳбатга яқун ясади. Лоре ўзини тутиб туролмай баланд овозда кулиб юборди. Йигит уятдан қизариб, ўзини бошқа телефон суҳбати билан чалғитди. Мен эса эндигина телефон суҳбатларини бас қилишини таъкидламоқчи бўлган бир паллада, ортимиздаги йўловчининг телефон кўнгируги чалиниб, у ким биландир футбол ҳақида баланд овоз билан қизгин суҳбат бошлаб юборди. Вагон назоратчиси келиб, чиптамизни кўздан кечирмоқчи бўлди. Чипталаримизни кўздан кечиришидан олдин назоратчига биз поезднинг сокин вагонига буюртма берганимизни у эса авваламбор вагонда тинчлик сақланишига жавобгар эканини уқтирмоқчийдим. Лекин у бу менинг вазифамга кирмайди деб айтиши ҳам мумкин-ку. Эндигина чиптани кўрсатмоқчи бўлиб турганимда, ёнимдан безътибор ўтиб кетди. Газабланиб кетдим. Айни шу онда эса учинчи бир телефонлашаётган кимса дўстига маъшуқаси билан бутун умрга муносабатларини узиши, йўқса у йигитни ўз ҳолига қўймаслигини, унинг эса ўша қиз билан энди дон олишиб юришга тоқати йўқлигини айтарди.

Лоре сокин ҳудуддан чиқиб, вагоннинг тамадди бўлимига ўтишни тавсия қилди. Шундай қилдик.

Шампан виносидан баҳраманда бўлдик. Бу ер сокин, ҳеч ким кўнгиуроқлашмайди. Бироқ тамаддихона ходими

илтифотсиз, шампан виноси бўлса илиб қолгандек гўё. Навбатдаги бекатда кекса бир йўловчи поездга чиқади. Серҳафсалалик билан чамадонини жойлагач, типирчилаганича уяли телефонини чиқариб титроқ бармоқлари билан рақамларни теради ва Олгага эсон – омон поездга чиқиб олгани, аниқроғи поезднинг тамадди бўлимида экани, боиси омма учун ажратилган вагонлар йўловчилар билан тўлиб тошгани, тамаддихона бўлса, ўзида йўқ хурсанд, омма вагони эмас эканини хабар қиларди.

Шундан сўнг у Олгага таомномада тавсия қилинган таомларни номини ўқиб берди. Аёл бир қарорга келгани боис кекса йўловчи унга розилик билдирди ва қайнатилган тухум буюртирадиган бўлди, суҳбатларига бўлса якун ясалди. Тамаддихона ходими кекса йўловчига қайнатилган тухумлар тугагани учун қовурилган мол гўшт тавсия қилди. Мол гўшти менга маъқул, розилик билдирди қария. Таомни буюртириб бўлгач яна Олгага қайта қўнғироқ қилиб, қайнатилган тухум қолмагани, унинг ўрнига қовурилган мол гўшти буюртирганини хабар қилди. Мамнун бўлганча телефон суҳбатига якун ясаркан, бизга юзланиб ҳақиқатдан ҳам мол гўштини севиб истеъмол қилишини айтди. Биз ҳам мана шу таомдан татиб кўрмаймизми, дедим. Лоре таклифимга қўшилди. Биз ҳам ҳудди ўша қовурилган мол гўшtidан буюртирдик.

Шампан виносига сармаст бўлиб, тамаддихона ходими денгиз қалампири қолмади деган эслатмасига қарамай қовурилган мол гўштини буюртиришга қарор қилдик. Лоре бўлса мени ходим билан жанжаллашиб кетишимга тўсқинлик қилиб қолди. Ўша илиб қолган шампан виноси ҳақида шикоят билдирмоқчи бўлганимизда темир йўлнинг янги раҳбари исми ҳадеб ёдимизга тушавермади. Бояги кекса йўловчига бўлса шундоқ ҳам денгиз

қалампирини хушламаслиги боис қовурилган мол гўшти жуда ёқиб тушди. Ҳатто ўз мамнуниятини ўша ғойибона таниши Олга билан баҳам кўрди. Аксига олиб у темир йўл раҳбарининг номини ҳам яхши биларди: Грубе. Биз бўлса яна ёмон отлиқ бўлиб қолдик.

Лайпциг, поезд манзилга етиб келишидан бироз илгарироқ бояги йигит қаршимда намоён бўлди. Телефонни қулоғида, албатта. Худди шундай, жажжи маликам, дея шивирларди у, дадажонинг поездда манзилига етиб келди ... ҳа, поездда, энди дадажонинг бозорга бориб пул ишлайди. Хўш, мени жажжигина қироличам, онажониси билан ҳайвонот боғидаги айиқчани кўришга кетаяпти, шундайми. Дадажонинг сени жуда – жуда яхши кўради, онажонинг ҳам дадажонингни жонидан ортиқ кўради.

Темир йўл бекатида кўҳликкина бир аёл ўсиқ ва ўткир тирноқларини йигитнинг елкаларига ботирганича эҳтиросли билан кучоқлаб кутиб олганига кўзимиз тушди. Биз эса меҳмонхонага йўл олдик. Мана шундай аниқ ва равонлик билан ёлғон тўқиш қўлимдан келармиди? Йўқ, агар ҳислар ҳирс йўлида адашиб турган бўлса топиш керак бўлган вазҳам ҳеч қачон бунчалар журъатли ва ҳайратомуз чиқмасди. Ахир доим умр йўлдошига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган.

Меҳмонхона юқори мартабали миждозлар учун мансабдор иқтисодчиларнинг лойиҳаларига кўра сўнгги йигирма йил ичида қайта тикланган улкан ҳашаматли сарой. Ростини айтганда бундай дабдабали қасрларни ҳушламайман. Меҳмонхона залиданоқ бу ерга ҳануз қўлларида дунёларни кўтариб юрган рус ва немис тадбиркорлари кўниб ўтиши аён бўлади.

Хоналарни шунчаки хона дейишга қўрқасан киши. Улар икки, ҳатто уч хонали бутун бошли уй бўлиб, юқори

қисмидаги йўлақдан бутун шаҳарни кўздан кечирса бўлади. Ювиниш хонаси нақ ўзимиз истиқомат қиладиган хонадай келади. Бари ўта ҳашамат, тўкин, таърифга сўз ожиз. Анчагина ҳориган алфозда диванга ўтирарканмиз, бир-биримизга разм соламиз.

*

– Лоре, сенга айтсам, анави Олга кекса йўловчига бутунлай икир – чикиригача ўргатиб тураркан, шундаймасми? Йўловчи бўлса унинг айтганларини сўзсиз бажаряпти.

– Даҳшат. Поезда фақат савдойилар қатнайдами?

– Шунақага ўхшайди.

– Мана шу ҳақиқий ҳаёт. Ёзувчилар бўлса ҳаётнинг бундай жабҳалари ҳақида ёзишмайди.

– Лоре, анави ювиниш хонасига кўзинг тушдими?

– Ҳа, биринчи навбатда ювиниш тосига. Ёлғиз ўзим унда ювинишга юрагим дов бермайди. Шунчалар катта. Чўкиб кетишим ҳеч гап эмас.

– Ҳа, шунинг учун ювинишга фақат мен билан киришинг керак.

– Бир соат ичида ҳайдовчи бизни олиб кетгани келади.

– Никоҳдан ўтказиш идораси қаерда жойлашган экан?

– Никоҳдан ўтказиш идораси мана шу сарой.

– Қанақасига?

– Мана, қара, улар ҳатто бизга қабулдаги барча нарсани белгилаб беришибди. Расмий никоҳ ва меҳмондорчилик Лайпцигдаги Гоолис қасрида бўлиб ўтади.

– Расмий никоҳ маросимини қандайдир саройда ўтказиш?

– Худди шундай. Мана бу ерда саройнинг чизмаси. “Гоолис қасридаги никоҳ тўйи”. Ҳар ойнинг биринчи жумасида расмий никоҳдан ўтувчилар учун Гоолис қасри барокко услубидаги Оесег залида ўзига хос бетакрор кечани

тақдим этади. Тадбирнинг бошланиш ва якуний вақт тартиби: Қасрдаги маросим учун муддат 1,5 соат ... Расмий никоҳ ва пианино жўрлигидаги муסיқий маросим ... Барокко Ливрее²⁰ даги ходимлар томонидан меҳмонларни кутиб олиш ҳамда уларни кўнглига қараш ... ва ниҳоят никоҳ аҳди маросимидан сўнг қаср йўлаклари бўйлаб меҳмонларни кузатиб қўйиш.

– Ортиқ тоқатим қолмади. Лоре, ўзи қаёққа юришимиз керак.

– Авваламбор йўлда тўхтамай юриб, сўнг йўлак бўйлаб боришимиз даркор.

– Бас шундай экан, унда сийрак сочли барокко ливреелари томон олга!

– Булар менинг ҳам жонимга тегиб кетишди.

– Билиб турибман. Ҳа, қоралашга етарлича сабаб бор.

– Расмий никоҳ маросимимиз ёдингдами?

– Ёдимда, уканг Тео ва Фридолинлар никоҳимиз гувоҳлари сифатида қатнашишган, Фридолин келинлик гулдастасини олиб келганди. Бир даста мойчечак.

– Сен, мен ва ёлғиз улар, бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Фридолин ўзи билан кучугини ҳам етаклаб келганди. Кучугини бўлса бирга никоҳ идорасига олиб киришга тўғри келганди. Ўшанда идора ходими: "Кучугингизга қараб туринг, эътиборингиз учун оққон касаллиги билан оғриганман, - дея огоҳлантирганди.

– Унда сийрак сочли барокко ливреелари қаёқда эди ... эҳ Ҳарри, буларга нима бўлаяпти ўзи.

– Нима деб ўйлайсан, маросимдан аввалги даҳмаза шунча бўлса, эртанги черковда ўтказиладиган муҳташам никоҳ тўйи қандай ўтаркин?

²⁰ Барокко Ливрее – эски барока услубидаги заррин ёқали либос

– Ҳар ҳолда тўй қизиқ ўтади. Хўш, ўзимга қараб олсам дегандим.

– Мен эса шундоқ ҳам кўзга яқин одамман.

– Бундай демаган бўлардим.

– Ҳа, майли. Мен пастки қаватдаги майхонада бўламан.

– Ўн дақиқада чиқаман.

– Майли, кўришгунча.

29. ЛОРЕ

Бечорагина болам, шўрлик Глория. Глория Бредов, нима ишлар қилиб қўйди ўзи бу? Ҳаммаси кутилганидан кўра ҳам баттарроқ эди. Бу одамни қандай қилиб севиб қолди экан? Яхши, нима учун, кимни севишнинг сабабини тушуниб бўлмайди. Бироқ иккала одамни бирлаштирувчи қандайдир ришта бўлмоғи керак-ку: ҳамфикрлик, яқинлик, ҳамкорлик... Буларнинг бирортаси кўринмаяпти. Унинг бўйи қизимникидан анча паст, майли, гап бунда ҳам эмас. Том Круз ҳам Кети Холмсан паст эди. Кўп эркаларнинг бўйлари паст. Бундай бўлиши мумкин. Аммо куёв жуда паст-да. Уларнинг бўйларидаги фарқ менга эриш туюлди.

Ҳа, бу менга аҳмоқона ишдек туюлди. Бўйи паст бўлгани етмагандек, семиз ва беўхшов. Сочлари ҳам ўта сийрак. Камгап, Глорияга боқишлари ҳам севган ёрнинг қарашларидек эмас, қизимнинг ҳам уни севишига ишонмайман – келишилган никоҳ, ҳаммаси сохта. “Марҳамат қилиб, кулдонни узатиб юбора оласизми?” деганга ўхшаш сохта мулозаматлар билан яшашади умр бўйи бундай одамлар.

Севишганлар эмас, ҳамкорлар булар. Лауранинг ҳам қовоқлари солиқ. Куёвнинг отаси Ҳаррини суҳбатга тортган бўлди, менга эса бир аёл, исмини ҳам эсимдан чиқариб юборибман, Италияга қилган саёҳати ҳақида тинмай гапирди. Никоҳдаги гувоҳларни ҳам танимадим, бутун базм тинч-осуда ўтди. Имзо чекдилар, совуқ бўса, охирида таом тортилди. Қайнота сўзга чиқди, унинг нима деганини ҳам эслай олмайман. Ҳарри яхшироқ эпларди бу ишни, бироқ биз бу ердагиларнинг бирортасини танимаймиз. Таниганларимиз – фақат Глория билан Лаура.

Стол тагига туфлимни ечиб қўйдим, оёғимни қисиб юборди. Ҳаммаси совуқ, юзаки, бемаъни эканлигидан йиғлагим келди.

Ҳарри сизди шекилли, секингина: “Йиглаб ҳамма ёқни бузмайсан-а?” – деб сўради. Мен унга туфлимни кўрсатдим, оёғимни қисганини рўқач қилдим. У, албатта, ишонмади. Унинг ўзи ҳам бир аҳволда эди. Жуда кўп пиво ичди, егулик ўрнига ҳам фақат ичди. Аҳволи ёмоналашиб қолмасин, ишқилиб, ана, яна бар олдида ўтирибди. Соат неча бўлган экан? Ўну ўттиз. Эртага черковда маросим. Бугун ухлай олмасам керак, бундай оғир кундан кейин ухлаб бўладими? Мен ҳам пастга туша қолай.

Барга, Ҳаррининг ёнига бордим, бироқ у билан баҳслашгим йўқ эди. Бунга кучим қолмаган. Бир қултум қизил вино ичсам-да, ухласам, дейман. Айни дамда бошқа ҳеч нарсани истамас эдим.

*

- Хўш, Ҳарри, бу нечанчи шиша?
- О, Лоре, ухлагансан, деб ўйловдим.
- Бирор нима ичай, кейин.
- Сени тушунаман.
- Шарҳнинг кераги йўқ, илтимос.
- Мен фақатгина: “Сени тушуна оламан”, – дедим.
- Гапнинг тагида гап бор-да.
- Бу нима деганинг?
- Пичинг қиялпсан, деганим.
- Лоре, кел, қўй бу гапларни. Ҳозир гап талашмайлик. Илтимос, битта қизил вино. Шунақасидан хоҳлайсан, тўғрими?
- Ҳа.
- Калифорнияники борми сизда? Унда шунисидан беринг, ёнгоқ ҳам.

– Ёнгоқ керак эмас.

– Менга керак, демак, сенга ҳам керак. Ёнгоқни ёқтирасан-ку?!

– Бугун эмас. Ёлгиз ўзинг ея оласанми?

– Яхши, ўзим ейман. Шерик бўлиб турганингни ўзи ҳам катта гап.

– Мен бугун ухлай олмайман.

– Тушунаман, бундай ҳашаматли меҳмонхонада яхши ухлаб бўлмайди ўзи.

– Чиройли меҳмонхона экан, тўғрими? Ҳақиқий ҳашамат. Биз учун эса яна ҳам зўрини айтиб қўйишибди, кўрдингми, хонамизда учта телефонимиз бор экан?

– Йўғ-э?

– Ҳа, каравотда, столда ва ҳожатхонанинг ёнгинасида. Тасаввур қилгин-а?

– Учта телефон-у, бироқ бирор кимга қўнғироқ қилишга хоҳиш йўқ.

– Нега энди, қизимиз бор-ку?!

– Қизимиз борлиги яхши.

– Аҳ, Ҳарри.

– Ҳеч нарса дема, Лоре. Кел, вино ичамиз. Соғ бўлайлик! Биз учун!

– Унинг бахти учун!

– У бахтиёр.

– Ундайга ўхшамаяпти.

– Бахт ўзи шундай: уни сезиб бўлмайди. Қизимизда ҳам, ҳатто сенда ҳам.

– Нима?! Шунча йиллардан кейин топган гапинг шуми? Яхшилаб қарсанг, сезган бўлардинг. Соғлигимиз учун!

– Менга яхшилаб тикилсанг, ичимга қарай олсанг, нимани сезасан, Лоре?

- Менга муҳтожлигингни.
- ...ҳа, аммо ҳозир яхшиман. Хафа эмасман. Кел, қўй, шуларни. Уларнинг ҳаёти бу.
- Онаман мен...
- Бўпти, қўй энди... “Онаман...”, “Онаман...”, сен яхши она бўлдинг, вазифангни аъло даражада бажардинг. У ўз йўлидан кетди, холос. Ҳозир ўз йўлида. Яна битта пиво беринг. Кўпиклари тўкилиб кетмасин. Раҳмат.
- Ҳа, мени ҳам бу ҳақда гаплашгим келмаяпти. Сен билан шу ерда ярим соатгина ўтиргим келганди, холос.
- Анчадан бери барда бирга ўтирмаган эдик-а?
- Бу ердаги одамлар қанақа ўзи? Аёллар йўқ деса ҳам бўлади... Иккитагина экан... Улар ҳам эркакларга ўхшашади. Бизнесменларнинг костюмини кийиб олишибди.
- Шуларга ҳам биров уйланармикан?
- Унақага ўхшамайди. Ҳамиша ўйлайман: бундай ҳашаматли меҳмонхоналарнинг кимга кераги бор?
- Ёнғоқдан ол. Ҳа, егинг келмаяпти-ку!
- Йўқ, қорним тўқ. Бундай овқатни қандай қилиб тановул қилишаркан-а?
- Туфлингни ечиб қўявер, ҳеч ким кўрмайди.
- Нега?
- Сиқяпти шекилли?
- Унчалик эмас, аҳ...
- Алдагани одамани топибсан.
- Эслатмагин шуни, Ҳарри.
- Бўпти, ёнғоқдан ол.
- Эй, Худо, ҳалиям туришибди-я. Қандай қилиб маймунларнинг хўрагидан ейишяпти-я?
- Қовурилган картошка бўлсайди.
- Бу овқатлар жуда қиммат бўлса керак-а?

– Бўлмасам-чи?

– Пул учун шунга тегди-я, болам шўрлик. Турган-битгани тўнка-ку, бирор мартаям машинанинг эшигини очиб бермаса керак.

– Мен сенга бирор марта машина эшигини очиб турганманми?

– Ҳар доим. Сен ҳамиша шундай қиласан.

– Соғлигинг учун, ўзимнинг Лорем!

– Саломат бўл, ўзимнинг Ҳаррим!

30. ҲАРРИ

Сўзга чиқишим шарт эмаслиги мени жуда мамнун қилди. Бу одамлар қаршисида нима ҳам дердим? Қизимиз шундай олийжаноб оилага келин бўлаётганидан фахрланиб қалбимда миннатдорчилик ҳиссини туйяпман дейманми, ё Бредовлар корхонаси бизнинг немис иқтисодиётида қандай мазмун касб этишини яхши билишимни айтиб ҳаволанайми? Шундоқ ҳам бу сўзларни ёқимсиз оҳангда ўша жаноблар йўлбошчиси турқи совуқ кекса устомон отахон Бредов таъкидлаб ўтди.

- Ташрифингиздан хурсандман, – дея бизга пешвоз чиқаркан, менсимаган бўлиб қўл узатди. Катта дастурхон бошида оиласи ва унинг кўп асрлик тарихини мақтаб, акциядорларнинг кўнгилларини хотиржам қилиш мақсадида мана шундай иқтисодий оғир вазиятда ҳам Бредовлар корхонасининг муваффақиятли фаолияти ҳақида айтиб лоф ураётган бир паллада нима деб сўзга чиққан бўлардим, деб ўйлаб қолдим:

“Ҳурматли хонимлар ва жаноблар, аёлим ва мен ўртамиёна фуқаролар деб аталувчи кимсалармиз. Бизни на банкда қимматбаҳо қоғозлар уюмию, катта еримиз бор, на бир ҳашаматли вилла ва на бир корхона эгасимиз. Бизни фақат тирикчиликка етадиган маблағимиз бор, ундан ортигини кераги ҳам йўқ, қўлимизда борига шукур қиламиз. Бироқ ўзимиз сиёсий тимсоллар тарафдоримиз ва шуниси аниқки, бу қарашларимиз сиз каби жанобларнинг нуқтаи назарларингиздан тубдан фарқ қилади. Шу боисдан ҳам айнан Сизнинг корхонангиздан инқироз важи билан ишдан бўшатилиши лозим бўлган тўрт юз ҳодимларингиз орасидамиз. Бироқ агар мувофиқ иймон ва эътиқод билан тарбиялаган қизимиз Сиз каби олий марта-

бали кишилар сулосасига келин бўлишга қарор қилган экан, Сиздан бир нимани илтимос қилиб қолардим: Қизимизга шафқат қилиб уни қанотингиз остига олган экансиз, Глорияга сиз орқали мавқега эришиши ҳақидаги миннат дашномлари ўрнига қизимизнинг барча орзулари чинакамига ушалишига гамхўрлик қилинг. Яна набирамиз фақатгина Сизнинг пулларингиз қиймати ва унинг қудрати билан улғайишига эмас, балки ботиб бораётган умрингиз уфқидан бошқа ҳаёт йўлларини ҳисобга олишига ҳам қайғурсангиз.

Мана шу даврада, азиз хонимлар ва жаноблар, тўкинлик нафаси кезса-да, аслида ҳар бирингизнинг юрагингиздаги нотинчлик қарашларингиздан намоён, фақат ўшшайган, норози нигоҳларни кўряпман. Бу ҳолга бажонидил бахтиқаро чехралар, деб баҳо берган бўлардим. Виллангиз қаршисидаги ясама яйловда, ҳурматли куёв, жуда ҳам бахтли, қувноқ, шод отларга кўзим тушганди. Агар аввалроқ қизим ва набирамга оила аъзоларингизнинг бир бўлаги сифатида мана шу жониворларга қилган муносабатни қилишингизни ўтинганимда, бугун улар ҳам шундай бахтли кўринган бўлардилар эҳтимол.

*

– Мана шу сўзларнинг барини бажонидил тўкиб солган бўлардим.

– Буни хаёлингга ҳам келтирма.

– Ё тангрим! Ростдан ҳам. Бироқ мана шу жамиятга сингиб кетишдек даҳшат мени қанчалар ғазаблантираётганини биласанми?

– Буни пайқаб турибман. Бироқ бундай машмашалар фақатгина фильмларда рўёбини топади.

– Аттанг, яхши гапларни эшитмай қолишадида: ўз қизига кўрсатган ихлоси шундай бўлса, Глория қандай аҳволга тушарди, отаси ...

– ... Ҳарри, бари бефойда. Барибир сенга сўз беришмайди.

– Мен ҳам истеҳзоли нутқ қила олардим. Қандай қилиб шунчалар ўртамиёна кимсалар бўла туриб қизимиз мана шундай аслзодалар даврасига қабул қилингани, бундан қалбимизда фахр ва миннатдорчилик ҳиссини туютганимиз шиори остида, албатта.

– Истеҳзо! Бу ерга йиғилганлар истеҳзо нима эканини тушунади деб ўйлайсанми?

– Сен ҳақсан.

– Истезойингни чин деб қабул қилишадида, ич – ичларида тантана қилишади. Бу эса нохуш ҳолга олиб келади.

– Анави қария Бредов аслзода меҳмонлари олдида бизни қандай қарши олганини кўрдингми?

– Гапларининг ҳар бир сўзини диққат билан тингладим.

– Етар.

– Амалий санъатга ҳаддан ортиқ муккасидан кетган ўғлим Франк умр йўлдошини маданият гуллаган оиладан, маҳбубасининг ота-онаси басавлат, номдор меъмор ва аёли немис адабиётининг машҳур қалам аҳли билан жуда яқин алоқада бўлган шаҳар кутубхонаси раҳбарининг қизини танлагани бежиз эмас, албатта.

– Бемаънилиқ.

– Биз ҳақимизда қаердан била қолдйкан?

– Қизинг Глориядан-да, албатта. Хонимча наслнасабидан ор қиладилар.

– Бундай деб ўйламайман. У сен айтган қизлардан эмас.

– Лоре, қизимизнинг бахтли кунида барига бардош беришга уринаяпман ... ақл бовар қиладиган ҳар қандай ҳолга. Ҳатто бугун черковдаги қоракузан мўйнали камзулчага ҳам.

– Бугун ҳавонинг ҳарорати йигирма даражадан ошиқроқ.

– Ҳа, шунга қарамай бу либос қизингга ортиқчалик қилмайди. Римдаги кунларимиз ёдингдами? Март ойининг илик кунларига қарамай Рим аёллари чарм пўстинлари билан сайрга чиқишарди.

– Эҳ Ҳарри, бу даҳшат.

– Мен эса буни бир вақтнинг ўзида ҳам ҳайратомуз, ҳам беъманилик деб биламан. Саройдаги расмий никоҳ уйига извошда ташриф. Бунақа маросимни қаерда кўргансан. Нақ уч кун байрам – томоша! Негадир энди бундан кайфиятим чоғ бўлиб бораяпти.

– Ростдан ҳам тантанадан кетиш ниятинг йўқми.

– Эринганимдан, азизим Лоре.

– Ишонгим келмайди ... ҳозир кўнглимга гулгула солаётган барча нарсалар авваллари сени хавотирга соларди.

– Ростини айтганда, шундай ҳазилга қарамай, ҳозир менинг ҳам ҳолим айни сеникидай. Мен учун энг оғири нима эканини биласанми? У бу ерга йиғилган киборлар эмас. Уларни парвойимга ҳам олмасдим. Аммо жамиятда заррача бўлса ҳам қадри йўқ ўша милғимдак кимсага шов-шув учун хотин керак бўлган бир паллада унинг разил мақсадини амалга оширишда ўз қизинг мана шу молдавлатга сармаст бўлганча кўмаклашаётгани азоб.

– Эҳ, Глориянинг ёқасидан силтаб, қизим, кўзингни оч, ўзингни олтин қафасга маҳкум этаяпсан, дегим келади.

– Бу ишинг энди уни шаштидан қайтара олмайди.

– У ғамхўрлик ва меҳрга муҳтож эмасми? Бу йигит қуриган тўнканинг ўзгинаси – ку, ахир.

– Куёв аёлидан кўра кўпроқ ов қуролини яхши тушунади. Яна ... пайқадингми ... сарой олдида ... Глория

никоҳ от араваси ёнида отларни суйиб сийпалади. Куёв бўлса қизингни бетоқатлик билан судраб олиб кетди.

– Ҳарри, боришимиз керак. Диний никоҳ аҳди. Томошанинг иккинчи пардаси.

– Дарров-а? Черков анави бир четда – ку ахир. Яна ўн дақиқа вақтимиз бор.

– Бироқ вилага боришимиз керак, карета айнан ўша ердан жўнайди.

– Яна каретага чиқамизми? Жин урсин.

– Худди бояги маросим такрорланади.

– Лоре, ушбу иккинчи саҳнадан жуфтакни ростласак бўлмайдами?

– Афсуски йўқ. Кемага тушганнинг жони бир.

- Ҳа майли.

31. ЛОРЕ

Черков, черковдаги ўриндиқлар, ҳамма ёқ гуллар билан ясатилган, тўй марши, орган садоси. Глория Ҳаррининг қўлидан тутган. Иккинчи марта. Биринчи мартаси шунчаки, қаердадир бўлган тўй эди. Иккинчи, учинчи марта Глория отасининг қўлидан тутиб, никоҳ учун руҳоний ота ёнига секин қадам ташлаб келяпти. Лаура пушти ранг кўйлақда. Мен эса кўзёшларим шашқатор бўлиб, тўқ кўк кўйлагимда турибман. Кўзёшлар дарёдек оқяпти, ҳам сийратим, ҳам сувратим йигламоқда. Кўнглим туб- тубидан вайрон бўлганга ўхшайди, юрагим парча парча бўлмоқда, зарраларга бўлинаётгандекман, эриб тугаётгандекман. Фикрларим миямда чарх урмоқда, уларни бир тизгинда ушлолмаяпман. Нега черковдамиз? Тушунмаётибман. Биз ахир бирор динга мансуб одамлар эмасмиз-ку. Кейин яна норкали нимча, ўта кўзга ташланадиган, юмшоқ, ипақдек майин. “Глория, билмасмидинг...?” “Эҳ, онажон, бунга анча бўлган-ку, умр-бод қарши чиқиб бўлмайди. Бу нимча Франкнинг онасига тегишли бўлган, нега энди уни киймаслигим керак экан?” Ҳарри ўта жиззаки. Куёвнинг отаси эса кеккайган. Куёвнинг ўзи эса ҳиссиз тўнканинг ўзгинаси. Менинг дилбандим эса ниҳоятда жозибали кўринарди. Қорақузанли нимчасида ва калта очиқ рангдаги кўйлагида, пошнаси қизил туфлисида янада дилбар, кўнгиरोқдек сочлари ҳамда кичкина мўъжаз шляпасида ниҳоятда мафтункор кўринарди. У бахтдан сармаст эди. Мамнуният ила меҳробга етиб келишди. Ниҳоят жигаргўшам ҳақиқий ҳаётини қурмоқда, мен энди ундан хавотир олмасам ҳам бўлади. Бундан хурсанд бўлмоғим даркор. Мен эса ўта ҳорғин, ҳаммасидан толиққанман. Ўзимни ҳам ўйлашга фурсат етгандир, дам олишим керак, югур югурдан, ҳамма ерга бурнимни тикишдан, ташкилотчилик

фаолиятимга ниҳоят барҳам беришим зарур. Одамларга зарур бўлишни ишташни бас қилишим керак. Мен зарур эмасман. Ҳеч ким бундай бўла олмайди. Ҳеч нимага ярамай-диган қари, бемажол одамман. Шу дамда уйга кетгим келаяпти. Уйимга қайтиб ором олмоқ истаяпман. Кечадан буён нафасим сиқаяпти. Нафас олсам кўкрагимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлаяпти. Бу ҳаммаси тугаётганига ишора. Тўй ҳам, ҳаётимнинг ўзи ҳам хатоликдан иборат бўлди. Шу ергача етиб келиш менга қимматга тушадигандек, ўтирмоқчи бўлсам, бирор ерда ўриндиқ ҳам йўқ. Умримнинг йўллари узайиб кетгандек назаримда. Ҳарри мен суянишни истаган одамми? Йўқ, биз бир биримиздан кўпинча йироқ бўлдик. Мана шу тўй эса бизни қайта яқинлаштирди. Бироқ бу яқинлик қанча давом этаркан? Жон жон деб ёлғиз яшаган бўлардим, йўқ, бундай ўйлаб бўлмайди, бу билан Ҳаррига ўлим истамаяпман, фақат ўз хонам бўлса дейман, Виржина Вульфнинг “Ўз ўзим учун макон” асаридагидек. Ҳар бир аёлнинг ўз ошёни бўлмоғи даркор. Тўғри, албатта ўз хонам бор, шундай бўлсада, йўқ, мен истаган макон йўқ. Ошхона, зал, овқатланиш учун хона, ваннахона, ётоқхона, меҳмонхонага айлантирилган Глориянинг собиқ хонаси, кийимлар жавонлари ва дазмол тахтаси ҳамда Ҳарри хуррак отган кунлари ҳайдаб солсам, у ором оладиган курсилар турадиган омборхона. Дарҳақиқат ўз ошёним йўқ, иш кабинетимни ҳам Криста билан бўлишганман. Криста ва унинг доимий кавшаниши учун хизмат қиладиган егуликлари билан бўлишганман, дарвоқе, хонада егуликлар китоблардан ҳам кўп. Ўз хонам бўлиши зарур. Шундай хонам бўлсинки, ҳатто Ҳарри киришга рухсат сўрасин. “Мумкин эмас”, десам ичкарига кирмаса. Нега бунга хоҳлаяпман, ундан яширадиганларим борми? Унчалик эмас, йўқ, ҳеч қандай сирим йўқ ундан бекитадиган. Ёлғиз бўлишга баҳона қидираяпман,

холос, жаҳлим чиқса негалигини ҳеч кимга изоҳламасдим ўшанда. Ҳеч кимга нима билан машғул эканлигим ҳақида ҳам ҳисобот бериб ўтирмасмидим. Ҳарри ҳам ўшанда ўз ишини билиб қилармиди.

*

- Ҳарри, хуррак отдинг.
- Ҳали ухлаганим йўқ, эснаяпман холос.
- Аксинча, қаттиқ уйқуга кетиб, хуррак отдинг.
- Хўп, нима бўпти?
- Мен эса миҳжа қоқмадим.
- Яна нималар ҳақида бошингни қотирдинг? Ҳозир катта балл бўлаётгандир, шу билан ҳаммаси якунига етади.
- Қаёқда, эртага оила даврасида нонушта ҳам бўлади.
- Ё худойим, унга боришим шартми?
- Унгача етиб боролмасам керак.
- Ундай дема, барака топгур.
- Эътибор берма.
- Ўзимни ўта лоҳас ҳис қилаяпман. Ҳолсизман. Жоним чиқиб бораётганга ўхшайди.
- Бугун қулайроқ пойабзал кийиб олгин.
- Наҳотки ҳамма гап шунда деб ўйласанг.
- Бошқа нима ҳам бўлиши мумкин? Ҳозир мен ҳам боғимда мазза қилиб пивохўрлик қилиб тамаки чекиб ўтирган бўлардим. Дарвоқе, бу ерда чекса бўлармикан?
- Хонада чекишга руҳсат йўқлиги аниқ, балки пастдаги барда чекилар.
- Жин урсин бундай меҳмонхонани.
- Чекишга вақтинг етмаса керак, секин аста йўлга отланишимиз зарур.
- Бир пасда тайёр бўламан. Юзимни муздек сувга чайиб, кийинсам бўлди.
- Бўйинбоғ ҳам тақасанми?

– Албатта. Эдедан олиб турганим кип-қизил бүйинбогни тақаман.

– Бугун эрталаб черковда кўринишинг зўр эди.

– Сен эса роса йиғладинг. Нега? Тўйдан тўлқинланиб кетдингми, дейман.

– Йўқ, бундан эмас.

– Унда нимага?

– Ҳаёт фалсафаси юрагимни ларзага солди. Ҳаммасини ўйлаб ўксиниб кетдим. Гўё ичимда бир туйнук очилиб, ундан ёғаётган шаррос ёмгир киргандек.

– Нақадар гўзал сўзлар. Кўз ёшлари дарёдек оққан ажойиб қайнона.

– Душ қабул қила қоламан. Эҳ, сочларим пуссайиб қолади-ку. Яхшиси кейин.

– Мен ҳам. Хўш, нима киймоқчисан?

– Гулли ипак кўйлагимни.

– Қулайроқ пойабзал ҳам кийиб олгин, илтимос.

– Бу кўйлакка қулай туфли мос келмайди.

– Унда бутун оқшом яна қийналаркансан-да.

– Столда ўтираминг-ку, туфлимни ечиб қўйсам бўлади.

– Барибир ечиб қўяркансан-ку, унда нима қиласан ўзингни қийнаб?

– Сен бунақа нарсаларни тушунмайсан.

– Шу кунларда кўп нарсаларга ақлим етмаяпти, Лоре.

– Масалан?

– Сени? Дилингнинг тез озор топишини? Қалбинг бир зумда чилпарчин бўлишини? Лов этиб ёниб пов этиб ўчишингни. Нима бўлди ўзи? Ҳаммаси шу жин ургур бўлмагур тўй туфайлими?

– Ўзим ҳам тушунмайман. Ўз ҳолимга қўя қолгин. Барчасига кўз юмиш лозим.

– Ҳаммасига кўз юмиш даркор.

32. ҲАРРИ

Ҳеч ким мени Глория ҳақиқатдан ҳам бахтли эканига ишонтира олмайди. Қизимни черковда қўлидан тутганча кўёв томон элтарканман, у қалтирарди. Кўз ёшлари ҳам, назаримда, онаси Лореники каби севинч ёшларига ўхшамас, ўзи бўлса, келганингиз учун раҳмат дадажон, дея менга қайта-қайта миннатдорчилик билдирарди. Илгаригидек Ҳарри деб эмас, дадажон, деб мурожаат қиларди. Демак қизим мени авваламбор мана шу киборларнинг гап сўзидан ранжимас, онаси Лорега қараганда қатъиятли, кескин ва изчилроқ деб билади. Глориянинг нигоҳларида ўтинч бор эди: илтимос, ушбу саҳнада очиқ чеҳрали бўлинг, ёлвораман неки қилишим керак бўлса шунга изн беринг, мени тушунинг, дея ўтинарди унинг кўзлари. Глория то бугунга қадар кечган умрида биз ўйлагандан кўра кўпроқ таҳликада яшаган деб биламан. Икки бахтиқаро ёш, ҳисобсиз омади чопмаган эркаклар ўтмиши, ёлғиз тарбияланган бола, касб ва пул ташвишлари мажбурияти. Киборлардан бири конвертда пул билан сўзга чиқиб, келин- куёвга мурожаатини муҳаббат ҳақидаги маърузадан бошларкан, уларга тўкин-сочинлик ва ташвишлардан холи яшашликка ҳамда жамиятда ўз муносиб ўринларини эгаллашларига тилак билдирди. Глория на сиёсий ва на танқидий қарашдаги одамлар тоифасига киради. Менинг жамиятга бўлган қарашларим анови киборларникидан тубдан фарқ қилади ва табиийки, уларга хуш келмайди. Қизимни бошдан-оёқ кузатиб, ўзини қандай тутаётганини танқид қилиш ва ёки баҳолаш бизга ҳам жоиз иш эмас. Қизимизни аллақердаги бетайин бир кимса билан Ҳиндистонга кетиб қолгани, унинг то бугунга қадар бо- сиб ўтган ҳаёт йўли қандайдир танқидий қарашларимизда

сақланиб қолгани бизга ҳам ёқмайди, албатта. Эҳтимол умрида биринчи бор тўғри ва эзгу йўлни танлаб, мана шундай турмушга кўнишни истаган экан, Глорияни ўз ҳолига қўйиб, уни тушунишга ҳаракат қилишимиз даркор. Тўғрисиём, шу. Энди бу никоҳга қилган қаршилигимиз бефойда. Эҳтимол уни (зора шундай бўлса) келажакда бахт кутаётгандир. Эркаклар масаласига келганда, энди Глория кўпам хомхаёлга берилавермас, турли зиддиятларда уларга ён беришга тайёр деб ўйлайман. Шундай қилиб, Ҳарри, асабийлашма, сабр-бардошли ва қатъий бўлмоқ, кекса инқилобчи ролдан воз кечмогинг керак. Бу эса қўлингдан келади.

Бир вақтлар набирам Лаурани бизникига олиб келиб яна қайта олиб кетган ҳайдовчи жаноб Молитор бизни виллага элтиб қўядиган бўлди. Лоре машина ойнасидан ташқарига кўз тикиб, жимгина кетаркан, ҳайдовчини суҳбатга тортдим. У Германия бирлашишидан аввал халқаро махфий хавфсизлик агентлари ҳайдовчиси бўлган экан. Жаноб Молитор асар қилиб ёзгулик ўтмиш воқеалиklarини сўзлаб бергиси келарди. Албатта у ҳозирги ҳаётидан мамнун, бугунги кунга тасаннолар ўқир, бироқ айнаи чоқда худди мен каби ўтмишдаги инсониятга қарши қилинган катта – кичик жиноятларни шунчаки назардан четда қолдиришга ҳам қарши эди.

Йўл – йўл ўтлоқди теннис майдонида улкан оппоқ чодир қад ростлаган, теннис майдонида жуфт-жуфт кимсалар ўйин билан машғул. Вилланинг ҳайбатли кириш эшиги олдида машғала тутган барокко маданиятига оид либосдаги олти хизматкор саф тортиб турарди. Хизматкорларни танидим, улар кечаги никоҳ маросими кошонаси ходимлари эди. Ташриф буюрган меҳмонлар аъъаналарини бузган ҳолда хизматкорларнинг ҳар бири билан қўл

бериб сўрашдим, улар андак хижолат тортишди. Кечаги оқшомда улардан бири менга авваллари Германия Демократик Республикасида тартиб посбони лавозимида ишлагани ҳақида сўзлаб берганди. Бу ҳам бир мартаба, дея кўнглимдан ўтказдим. Меҳмонлар оқими бизни кулбайи вайронамиз унинг бир бурчагига жо бўладиган залга олиб кетди. Ҳозир боёқиш Лени ҳаёт бўлганида: Ҳарри, бу зални қандай иситишаркин, шунча дераза ойналарини ким тозаларкин, дея ажабланган бўлармиди.

Зал жонланиб кетди. Меҳмонлар бари бизга нотаниш, асосан кекса авлод вакиллари. Бизнес кишилари ўзларига қараганда бир мунча ёш, обдон ясаниб, роса бўянган хушторлари билан келишган. Зални оқ – қора ранг мавҳ этган, фақат эркаларнинг смокинг костюми-ю, аёлларнинг оқшом либослари. Лоре бўлса ёзги рангли куйлагиданодир ва ажойиб гулдек ажралиб турар, менга эса шу кўриниши ёқарди.

Тугёнларимиз уммонига гарқ бўлиб борардик. Залда бир-биримиздан ажралиб, ўз йўлимиздан кетдик. Кейинроқ очиқ ҳаводан нафас олгани ташқарига чиққанимда Лорени боғ ўриндигида учратдим.

*

– Нима гап, Лоре, ташқарида бир ўзинг ёлғиз ўтирибсан?

– Ҳа. Зал жуда шовқинлик қилди. Бу ер эса анча тинч экан.

– Унда сенга ҳамроҳлик қиламан.

– Бу ердаги ҳамма нарсалар ажойиб. Шундаймасми?

– Ҳа, бироқ, мен учун бу ер ўта ҳашаматлилик қилади.

– Рост айтасан, мен учун ҳам. Менга сенинг боғинг афзал.

– Меники эмас, бизнинг боғимиз, Лоре.

- Шунча вақт қаерда эдинг?
- Эркаклар салониди. Макс билан бироз тамаки торт-дик.
- Макс деганинг ким бўлди.
- Анави, Глориянинг қайнотаси.
- Ҳа-я. Макс билан тил топишиб улгурибсан-да?
- Макс, Ҳаралд ва Ҳарри – учаламизнинг ҳам фикри-миз бир ердан чиқиб қолди. Ҳаррининг ҳеч нима демаслиги Максга ҳурматсизлиги бўларди.
- Қандай мавзуда суҳбатлашдинглар?
- Фақат Макс гапирди. Ёввойи чўчқалар ҳақида. Бу унинг севимли мавзуси экан.
- Ёввойи чўчқалар?
- Худди шундай.
- У ким ёки нима ...
- Ёввойи чўчқалар – бу қаршингдаги Виллани мана шундай таназзулга келтириб қўйган собиқ шарқий Германия фуқаролари ҳисобланармиш. Яна унга гўё вафот этган турмуш ўртоғига тегишли бўлган ерни қайтиб бермаган словакияликлар, Намибия давлатини бошқараётган занжилар ҳам. Буларнинг бари ёввойи чўчқалар экан.
- Бунга Намибияни нима дахли бор экан?
- Намибияда Макснинг укаси бир фермага бошқош. Макснинг ўзи бўлса у ерда мунтазам иқтисодий ҳамкорлари билан катта шикор базмини уюштириб тураркан.
- Бу девордаги суратлардан аён-ку ахир, шундаймасми?
- Баъзан мўлжалимга бўғоз ёввойи кийиклар тўғри келади, деди у. Яна, муртаги занжиларга тегади. Уни занжилар нақ икки ҳафта чайнашади, дея қўшиб қўйди.
- Бу ҳақиқатдан ҳам жирканч-ку!

– Макснинг ўзи жирканч, Лоре.

– У “занжи” дедими?

– Янглишмадинг. Уларни бошқараётган ёввойи чўчқалар – бу “қора танлилар”. Фермада меҳнат қилаётганлар эса “занжилар”.

– Улар ростдан ҳам ўша нарсани “ейишадими”?

– Ҳа, занжилар ёввойи кийик муртагини ейишади.

– Етар, бас! Шўрлик Ҳарри, гапни охиригача эшитсанг, бунчалар газабланмаган бўлардинг. Мен шунчаки до-вдираб қолдим.

– Яна ҳам қизиғи: Намибия, дейди Макс, тўғриси қора танли босқинчилар томонидан бошқарилган бўларди, бироқ улар ўлка учун камида немис фермаси хизматини қадрлашади. У ернинг ҳар бир бурчагида немис маданиятини ҳис қиласан киши. Шубҳасиз, дедим мен гапга қўшилиб, ушбу маданият 1904 йили императорнинг саксон минг банту қабиласига мансуб аҳолини қириб ташлаш фармойишига биноан генерал лейтенант Тротҳа билан кириб борди ахир.

– Бунга у нима деб жавоб қилди?

– Қўйсангизчи, Ҳаралд, бу ваҳшийлик эди ... бугунда у ердагиларни бирортаси бу мапъум ўтмиш воқелигини кўп ҳам ёдга олаверишмайди, дейди без бўлиб.

– Ақли жойидами ўзи унинг?

– Йўқ, Лоре, бу одамлар ақлини еб қўйганлардан эмас. Улар ҳатто ўта маълумотли кимсалар. Мисол учун куёвинг Франк хусусий Салем гимназияси толиби. Шунга қарамай бу оила эскиликни ёқлаш руҳи билан суғорилган.

– Уларнинг хулқ-атвори ҳам ўзига яраша. Франкни овқатланишини кўрдингми? Чўчқа боласининг ўзгинаси-я.

– Кимнинг қўлида давлат бўлса, унинг гапи гап. Бизнинг тушунчамиздаги хулқ-атвор борасидаги ақидалар устидан маза қилиб кулиб юришади.

– Ҳа, худди шундай.

– Назаримда куйлаш навбати ўша Петер Маффаига келган кўринади?

– Биласанми, у энг қиммат хонанда бўлган.

– Ҳа, ҳозир қалтис пайт, қачондир оч қолмаслик учун маблағни тежамоқ керак.

– Йўқчилик оғир, деб таъкидларди шўрлик онам Лени.

– Ҳа.

– Маросимга собиқ ГДР нинг олдинги эстрада хонандаларидан бирини таклиф қилишган экан. У ўз даврининг номдорларидан бўлиши керак. Бироқ уни танимадим.

– Исми нима экан?

– Ёдимдан кўтарилибди.

– Жон Фергусон, қизиқ исм. Бироқ шунга қарамай шарқий Германия фуқаросига ғарбий Германия мустамлақачиларининг ажратган бадали.

– Ҳарри, ҳали бу мавзуга яқун ясамаганмидинг?

– Йўқ, Лоре. Биз ушбу масалани узил-кесил ҳал қилиб олишимиз даркор. Авваламбор пиво ғамини ейман, сўнг эса куёвимиз жаноби олийларини қистовга оламан. Бошида бирор тайинли фикр борми, ё у ҳам отасининг бир нухасими, буни ҳозир синаб кўраимиз.

– Лекин илтимос, қуюшқондан чиқиб кетма ... қизинг Глория ҳаққи-ҳурмати. Ваъда берасанми?

– Сўз бераман.

– Мен эса Глорияни овутаман.

– Ҳа, шундай қил.

– Глория мени қаттиқ ташвишга солапти. Бу ўринда она фарзандига бироз далда бўлмоғи даркор.

- Менга қара, Лаурангга кўзинг тушмадими мабодо?
- У-ми, хонасидаги Караокеда дугоналари билан қўшиқ куйляпти. Лаура яхшигина куйлайди ... уни қўшиқчиликка қобилияти бор кўринади.
- Қани энди ичкарига кирайлик. Ҳислар оғушига. Курашга!
- Кайфиятинг яхши кўринади, Ҳарри. Бу ер сенга маъқул келяпти, деб ўйлайман.
- Етар, азизим, жуда унчалик эмас.
- Хўп яхши.
- Дарвоқе, Лоре, тўй саёҳатини Намибияда ўтказадиган бўлишяпти.
- Кўйсанг-чи!
- Бу ҳақиқат. Heia Safari!²¹

²¹ Heia Safari – Наубияда (1884-1915) немис истебдодига қарши куйланган кўшиқдан парча

33. ЛОРЕ

Агар мендан бир дақиқанинг бу қадар гўзаллиги боисини сўрашганида эди.

“Уриб турган юрагимиз ҳам тафаккур қилишга лаёқатли бўлганида, уришдан аллақачон тўхтаган бўлармиди”. Бунни адашмасам, Пессао айтган. Ҳақиқатдан ҳам Пессао шундай деганмикан ёки? Бироқ юрак ўйламоқликдан ҳоли эмас. Аммо ҳозир ундай эмас, айти дамда уришдан тўхтаган. Юрак, вақт, нафас, ўйлар, ҳамма ҳаммаси тўхтаган. Нечоғли гўзал эди бари? Бу бўлмағур тўй сафари, кўнгилга тегадиган тўй тантанасидаги барча бўлмағур ишларни шу бир дақиқага алмашмасдим. Шу дақиқаларни онгим ва шууримга бутун умрга сингдирмоқчиман. Балки бундай қилиб бўлмас. Бироқ ўша дақиқалар барига арзийди.

Мен бахтиёрман.

Анчадан буён бахт ҳақида ўйламай кўйгандим, бахтиёрлигим тўғрисида гапирмасдим ҳам.

МЕН ҲОЗИР БАХТЛИМАН.

Аввалига бари ғалати туюлди. Оркестр, мусиқа... нима қилишимни билмасдан бир чеккада туриб, семиз эркакларни ва очиқ-сочиқ кийинган, улар билан хушламай рақсга тушаётган аёлларни кузатиб турардим. Шунда кўкқисдан Ҳарри ёнимда пайдо бўлиб, менга тикилиб қараркан, пиво солинган қадаҳини кўйиб, мени қучиб олди ва рақсга туша кетдик. Шунчалик берилиб кетганимиздан ҳамма бизга жой бўшатиб берди. Ҳарри оркестрга нимадир деб қичқирган эди, зум ўтмай бизга таниш мусиқа янгради. Бу мусиқани қачон эшитганимни ҳам эслолмайман, бироқ шу куй остида қачонлардир Ҳарри билан рақсга тушганимизни аниқ биламан. Ҳозир ҳам чарх

уриб рақсга тушарканмиз, йиқилиб тушсам керак деб ўйладим, мувозанатимни йўқотишим заҳоти Ҳарри худди ёш йигитлардек мени маҳкам қучиб олар ва яна гир айланнишда давом этардик. Рақс тугаганида эса ҳамма чапак чалиб бизни олқишлади. Шунда у мени бағрига тортиб шивирлади: “Бўлди, Лоре, юр, кетамиз. ШУ ОНДАЁҚ.” Зудлик билан залдан отилиб чиқдик. Ҳамма бизни тоза ҳаводан нафас олишга кетганликка йўйгандир. Ҳарри ҳайдовчига ишора қилди ва биз меҳмонхонага жўнадик. Ҳа...Сўнгги марта қачон бирга бўлганимизни ҳам эслолмайман. Икки йилми ёки уч йил? Билмадим. Анча бўлди бунга, бироқ у билан қовушиш менга хуш ёқарди. Биз худди илгаригидек висолдан сармаст бўлдик...ҳали бундай ишга қурбимиз етишини англадик, гўё янги севишганлар каби бир биримизга талпинардик. Бизни ҳеч ким кексайиб қолишган демасди шу дамда. Хўш, биз қариб қолдикми? Кексайиброқ қолгандирмиз, аммо уларда ҳам қовушиш сустроқ бўлиши лозим-ку, бизда эса аксинча, шижоат билан содир бўлди. Ҳаммаси ажойиб кечди. Кейин эса бир биримизни маҳкам қучганча ширин ишқ огушида қаттиқ уйқуга кетибмиз. Орадан бир соат ўтди, икки соат ўтди, телефон тинимсиз жиринглай бошлади. Глория бўлса керак, тўғриси айтсам, айнаи дамда бунинг умуман аҳамияти йўқ эди. Ҳарри ўта ҳашаматли ваннахонага ювингани киришимизни айтди. Биз ювина бошладик. Бир шиша шампан виноси буюртирди, худди Глориянинг тўйию, менинг никоҳ кечам бўлаётгандек ҳис этардим. Бу ёқимли кеча бунга гувоҳ бўлаётгандек...

У мени чақирди. Ванна сувга лиммо лим. Навбатдаги ишқ огуши. Жуда ажойиб. Ташаккур, сенга, тақдир, қандай бўлсанг ҳам.

– Жуда ажойиб, Ҳарри. Ифори ўта ёқимли экан. Нима ўзи бу?

– Билмадим. Ванна четида турган экан, шу ерга тегишлидир-да.

– Бир пайтнинг ўзида икки марта бирга чўмилаяпмиз.

– Яхшиси мен душ қабул қила қоламан.

– Илгарилари бирга чўмилардик. Кейинчалик ванна ичига мен билан бирга тушиб олардинг, бир қадаҳ вино келтириб берардинг, ўша ернинг ўзида суҳбат қурадик.

– Қачон шу каби ишларни яқун ясадик, Лоре? Қачон ва бунга нима сабаб бўлди? Тушунмайман сира.

– Одам кексаяди, бир биридан тўяди, бир биридан зериқади.

– Мен буни истамайман.

– Ҳа, ҳозиргина буни исботладинг.

– Яна давом эттиришим мумкин.

– Эй, қариб қуюлмаган. Ҳа, бунга яна қодирсан.

– Мен бахтлиман, Лоре.

– Мен ҳам.

– Яна иссиқ суя очайми?

– Ҳа, озгина.

– Қанчалик яхши-я? Эй худо, нақадар ёқимли-я.

– Ажойиб. Шу онда ёдимга бир шеър тушди...

– ... бироз ёнимда қол, сен лобар...

– ...ришталар-ла боғларсан мени...

– ...шунда беармон дунёни этардим тарк.

– Бироқ айна дамда дунёни тарк этгум йўқ.

– Бунга умид қиламан.

– Ҳарри, жуда қизиқ-а, бахт билан қайгу ҳамиша ёнмаён юради.

– Бўдиши мумкин. Шу винони топтириб келганимдан бахтаиман.

– Бу оддий вино эмас, шампан виноси-я.

– Ҳа. Энг қиммати.

– Буларнинг ҳаммасини меҳмонхона хизмати ҳисобига ёздирамиз, қудамиз тўласа керак, а?

– Сени таниёлмай қолаяпман.

– Эсингдами, ёзувчилар конгрессига борганимиз, голландиялик бир расво менга кўз олайтиргани-чи.

– Албатта эсимда, тўнка жўнаб кетгач, тун бўйи унинг хонасида қолган ичимликлардан бўкиб ичгандик.

– Ҳануз ёдингда экан-да!

– Куп нарсалар ҳануз ёдимда. Қара, очилди! Тезроқ бўл, қадаҳингни тут!

– Глория биздан ранжиган бўлса-чи?

– Лоре, менга энди барибир. Нима бўлганда ҳам тўйга келдик, нутқ сўзладик, едик-ичдик, рақсга тушдик, биз кекса ота-оналармиз, кетишга ҳақимиз бор.

– Хайрлашсак бўлармиди?

– Олдик.

– Олдик.

– Сен учун.

– Биз учун.

– Уларга эртага тушунтирсак ҳам бўлади.

– Ҳа, оила даврасидаги нонушта ҳам бор-а ҳали? Бу ҳақда ўйлагим йўқ.

– Мен ҳам.

– Ўша ерга боришим шартми?

– Йўқ.

– Йўқ?

– Йўқ.

– Кейин-чи?

– Кейин? Яхшилаб ором олгач, эрта турамиз-да, ҳеч кимга билдирмасдан вокзалга борамиз, уйга кетамиз, нонушталари бошларидан қолсин.

– Бундай қилолмаймиз, Ҳарри.

– Қиламиз! Кўрасан.

– Чипталаримиз кечки поездга- ку.

– Азизам, Лоре, биз поезд ресторанида кетамиз, мазза қилиб нонушта қиламиз, кейин бирор бўш ўриндикда ўтириб кетаверамиз, якшанба кунлари, айниқса тонгда бўш ўриндиқлар муаммо бўлмайди, тушгача уйда бўламиз.

– Кимдир қўнғироқ қилса, трубкани кўтариб: Уйда ҳеч ким йўқ деймиз.

– Авваллари шундай эдинг.

– Ҳақсан. Бу ерда бошқа қиладиган ишим йўқ.

– Аксинча. Худди кинолардагидек, кўпикли ванна ҳамда шампан виноси завқи қолиб кетмасин.

– Ҳарри, ўйлашимча, мен бахтлиман.

– Уйлашимча? Сен ўйлама. Шундай бўл.

ЭПИЛОГ

Азизим Лоре, мана мени ташладинг кетдинг. Кутубхонадан Криста қўнгироқ қилди.

- Аёлингиз, – деди у, – ёзув столи устидаги компьютер қаршисида уйқуга чўмди.

Унинг гап оҳангидан ҳеч қандай машғумликни пайқамабман ҳам.

- Шундайми, йўқса уни уйготсангиз, – дедим мийигимда кулганча. Унга айтинг, бир неча дақиқадан сўнг уни олгани бораман.

- У мангу уйқуга кетди, – деди-ю, хўнграб йиғлаб юборди Криста. Гангиб қолдим. Сўнги иш кунингдан бир ҳафта олдин иш столингни саранжомлаб, компьютерни ўчирганча бошингни ўша разил столга қўйдинг-да ...

- Юрак уришдан тўхтаган, – таъкидлади доктор.

Ҳали ҳам юрагимнинг ҳовури билан ҳамоҳанг ураётган юрагинг кутилмаганда тўхтади, қолди. Буни сокин ва беозор қазо дейишади. Ким ҳам умрининг охирини шундай якунлашни истамайди?

Бу сўзлар менга таскин бўла олармиди. Энди мени овутадиган бирор тасалли бормикан? Ҳа, заррагина, шу куни эрталаб сени кутубхонага элтган чоғим бир-биримизла ёқимли хайрлашган онлар... ҳечам бундай хайрлашмас эдик. Йўқ, чинакам таскиннинг ўзи йўқ. Қолгани талофатли умрдан бошқа ҳеч нима ... ёки ... хаёлимга келган илк қарор ... муштарак ниҳоя.

Кристага, ҳозироқ етиб бораман, дедим-у, айвонда, қўлимда телефон гўшаги, боғ томонга тикилганча туриб қолдим. Биз уни яқиндагина биргалашиб қишга тайёрлаган эдик. Сен учун бу ишларни бирга адо қилишимиз, энди бу боғ иккимизники бўлиши жуда муҳим эди.

Лайпцигдаги маросимдан кейин бир-биримизни қайта тушуна бошлаганимиздан буён таъкидлаганинг - қолган умрни бирга ўтказишга умидвор эдик.

– Ҳарри, ким билсин, яна қанча умримиз қолдйкан, кел, қолган умр гаштини сурайлик, – дея ўтинардинг.

Режалар туздик, сафарга чиқмоқчийдик. Қишни жанубнинг исталган ерида ўтказиш ниятимиз бор эди. Диванда сен келтирган каталог варақлари ётар, унда Гран Санариа , Тенериффа , Кариб денгизининг барча ороллари намоён, ўзимиз эса ҳали тайинли бир қарорга келиб улгурмагандик. Кутубхонадаги ишингдан воз кечдинг. Аллақачон нафақа кишиларига айланиб, ўзимизни соҳиллар бўйида кезаётган, ажойиб меҳмонхоналарда яшаб, ҳаётдан завқланадигандек кўрардик. Бир- биримизни яна қайта тушунаётганимиз боис гўё ёш ошиқларга айланиб қолгандай эдик.

Шу турганимча деярли қўлга ўрганиб қолган қизил тумшуқ чумчуқ гул уруғдонидан сўнги донни чўкилаётган боққа разм соламан.

– Ҳарри, – дейман ўзимга, – энди қандай қилиб бир ўзинг ёлғиз яшайсан? Нима қилиш керак, энди нима бўлади? Бас қил, дейман кейин қатъий, унинг ортидан бор, сен учун ортиқ ҳаётнинг маънисини қолмади.

Хонамизга боқаман. Ҳамма ерда сенинг аксинг. Бари фақат Сен, биз билан файзли эди. Стол устида кеча тунда ичганимиз шампан виносини стаканлари. Кечагина бахтли, мардонавор истиқбол режаларимиз билан банд эдик. Янги йилни Нью Йоркда кутиш истагида туни билан инглиз тилида сўзлашиб чиқдик. Сен менга “Ҳэрри”, мен эса Сенга “Лоури” дея мурожаат қилардик. Ширакайф эдик. Наҳот энди буларнинг бари ўтмиш. Ҳаммомга ўтдим. Қаергадир уйқу дорисини қўйгандим. Уни топа олмадим.

Кўзгуда бўлса маъюс, мункиллаб қолган кимсага кўзим тушди. Шунда сўнги ҳафтада гўзал ўтмишимизни ёдга олган ётоғимизга чўқдим. Йиғладим. Яна телефон жирингларди, бироқ кўтармадим. Чунки у сен эмас.

Сўнг кутубхонага отландим. Йўл бўйи уканг Теонинг қисмати ёдимдан кетмади. Ҳозир мен ҳам катта йўлда, тезликни ошириб, машинамни кўприк устунларига бориб урайми. Бунга журъатим етмаслигини яхши билардим.

Дафн маросими ҳам аянчли ўтди.

Қуруқ расмиятчилик қилиб менга тасалли бергани келган қизим Глория ўзлигига содиқ қолганча ўз мавқеи учун қайғуларди. Сен ҳақингдамас, гап ушбу томоша ҳақида борарди. Дафн маросими учун кейинчалик ёқиб юборишларига ишончим комил бўлмаган ҳашаматли тобут сотиб олинди. Бу ерда гулчамбарлар, гулдасталар, мен танимаган кимсалар исми ёзилган богич ленталар... Ёш бир пианиночи йигит бўлса Шуберт басталаган куйлардан бирини ижро этарди. Шуманн ижодидан бирор нима чалиб берсангиз, таклиф киритади Глория, онам Шуманнинг барча асарини севиб тингларди. Бироз аниқлик киритишим мумкин. Шуберт ижодидан ижро этсангиз, гапга қўшилдим, – аёлим унинг асарларинигина мароқ билан тингларди.

Бир протестант мазҳабидаги руҳоний ... ҳа, ўша руҳоний умуман черков остонасини ҳатламаган бўлсангда ... бемаъни нутқ қилиб, вафотингдан сўнг сени черков бағрига олган бўлди. Ким билсин қизинг Глория унга сен ҳақингда нималарни сўзлаб бердийкан. Рита-чи, мотам маросимини машқ қилганми, зорланган аёл қиёфасида хўнграб йиғлар, қилиқлари эса беўхшов эди. Набиранг Лаура ва куёвинг Франк ушбу маросимга келишмади. Болани бундай маросимлардан холи тутиш ке-

рак экан. Охирги вақтларда жуда кўп дафн маросимлари ўтказилди, таъкидлади қизинг. Франкни бўлса Токиога қолдириб бўлмас ўта муҳим хизмат сафари бор экан.

Эҳ, Лоре, ҳаёт чоғларинг қадамимизни босмаган, ҳамиша ўзимизни олиб қочадиган маҳаллий – кўримсиз кенгаш уйидаги зиёфатга қизинг Глория мени таклиф қилди. У ерда ҳам мен танимаган кимсалар, Глориянинг синфдошлари, уларнинг турмуш ўртоқлари – ю, фарзандлари менга ҳамдардлик билдиришар ва ёки далда, таскин беришарди. Мен карахт эдим. Бардошимнинг қалин мудофаа деворларига тинмай бир тасалли урилади: “Ҳаёт давом этади”. Ҳа, дейман ўзимни тутиб, ташаккур, барчангиздан миннатдорман, лекин ҳозир уйга кетсам дегандим.

Глория кетишимга йўл қўймади. Охирги кунларда менга ягона таянч бўлган дўстим Эде маст эди, масхарабозлик қилганча, Ҳарри меникига кўчиб ўтади ва биз эркаклар жамиятига асос соламиз-да, сўнг “савдойи жуфтлик” бўламиз, дерди. Рита бўлса қабр бошида беўхшов ҳўнграганча ёқимсиз оҳангда кулиб юборди.

Глория мени уйга элиб қўйиш – у, мунтазам аҳволимни назорат қилиб туришдан ўзини тўхтата олмади. Хонада ўтирарканман, у уй атрофида ивирсиб юрарди. Аввалроқ олиб кетмоқчи бўлиб юрган, мен учун эса ортиқ қиймати қолмаган буюмларни йиғиштираркан, онамдан ёдгорлик, дерди у.

Сал ўтгач ... Глорияни тезроқ кетишини ич – ичимдан истасамда ... қаршимга келиб ўтирди ва худди руҳий касални овунтиргандек мени аврай кетди. Мен, дерди у, шу қарорга келдим: Биз уйни сотишимиз мумкин ... Биз деган сўзи гашимни келтирди ..., сизларникига кўчиб борсам, Лайпциг мен учун гўзал маданий ва маърифат шаҳрига айланса, мени уйнинг хароба бир қоровулар

кулбасига тиқиб қўйсанглар, у ерда етарлича майсазор бор, мен эса истироҳат боғи ишларида баҳоли қудрат заҳмат кўрсатсам, сен бу ҳақда Франк билан аллақачон келишиб қўйгансан, куёвимизга таклифинг мойдек ёққан ... шу жумладан, қайнотангга ҳам, албатта.

Қизимнинг кўзларига боқарканман ҳозирги гапларимнинг бари унинг наздида кўрнамаклик бўлиб туюлганини пайқайман.

- Йўқ, қатъий рад жавобини қилдим, ўзимнинг қадрдон уйим бор ва уни ҳеч қачон сотмайман, менга қоровулнинг кулбаси керак эмас. Ўзимнинг жонажон боғим бор, истироҳат боғи менга бегона, шу ер ҳам мен учун гўзал маданият ва маърифат шаҳри. Мана шу уйдаги ҳар бир буюм менга ўтмиш хотира, ягона ўтинчим - улардан мени айирма.

Глория ҳеч нима демай ўрнидан турди-да, кетиш мақсадида нарсаларини йиғиштира бошлади. Баъзи мана шундай ҳолларда ўз қизим менга бегонадек туюлиб кетади. Эшик олдида яна бир бор совуққина кучаркан, ўзингизни эҳтиёт қиласиз – а, дадажон, - деди.

- Ҳа.

Мана ниҳоят ўз ҳасратим, Сен билан, азизим Лоре, ёлғиз қолдим. Йўқ, мен ножўя ишга қўл урмайман. Мен мана шу уйимизда деярли қирқ йилдан ошиқ йиққан барча гўзал буюмлар билан қолган умримни давом эттираман. Улар менга яшашда тасалли бўлади, чунки улар менга гўзал ўтмишимизни мудом ёдга солиб туради. Қариялар уйи ва ёки қоровуллар кулбаси ҳайбати мен учун яқун ясовчи палладир. "Ё Ҳаёт, ё Мамот", Сен ҳикоя қилган асарнинг сарлавҳаси шундаймасмиди? Билмай қолдим. Эҳтимол Глорияга буни ётиги билан тушунтиришим даркормиди. Нимани хаёл қилган бўлса тўғри ўйлаган. Бироқ унга ҳеч нимани тушунтириб бера олмадим ахир.

Мана ҳозир никоҳ тўйимизнинг йигирма беш йиллигида сенга совга қилганим - кичик Янги услубдаги – Котиба аёл сурати ёнида ўтирибман. Бу ерда яна сен учун қадрли китоблар ётибди. Жуда яқин, қўл узатса етгулик ерда бўлишини истаб уларга ажойиб жой ажратгандинг. Уларни жонингдан ҳам ортиқроқ кўрардинг. Эҳ, қанчалар китобларингдаги воқеаларни сўзлаб, ўқиб берардинг.

Мана ўша сен севган китоблар. Марлен Ҳаусхофер, “Гов”. Ушбу асарни ҳаётлигингдаёқ ўқиб чиққандим. Бошқаларини эса... афсуски йўқ. Криста Волф “Болалик хотиралари”, Катерине Мансфилд, “Ҳикоялар”, Пер Олов Энквист, “Капитан Немо кутубхонаси”. Ҳа-я, яна Ҳаллдор Лакснесс ижодига мансуб “Балиқлар тантанаси” асари. Исландиянинг қайси бир ўтлоғида дам олмайлик ва ёки сайр уюштирган чоғларимиз доим ушбу китобдан ўқиб берардинг. Булар - сен севган китоблар, азизим Лоре. Сенга янада яқин бўлиш учун, нима сабабдан ушбу китоблар Сенинг қадрдонларинг бўлганини англаб, тушуниб етиш учун ҳам уларни ўқийман.

Котиба аёл сурати юқорисида одатингдагидек деворга игна тўғноғич билан қия осилган суратинг. Уни бир неча ҳафта муқаддам менинг ўзим осандим. Яшил фартукда, қўлингда курак.. Шунчалар гўзал ва бахтли кўринардинг, кўзларимни қамаштирасан. Сурат остига эса ўчмас қилиб ёзиб қўйгансан: “Муҳаббат боғбони”.

Эҳ Лоре, менга Сен етишмаяпсан. Нега энди ёнимда эмассан, нега мен билан видолашиб кетмадинг. Бундай одатинг йўқ эди – ку. Бирор нима де...

АЗАЛИЙ ИШҚ АБАДИЙДИР.

6000 с.м.

УЎК: 821.112.2

КБК 84(4Нем)

84(4Нем)

X18

Ҳайденрайх, Элке, Шредер, Бернд.

Азалий ишқ: роман / Э. Ҳайденрайх, Б. Шредер; тар-
жимонлар: Ҳ. Қўчқорова, Ф. Соатов. - Тошкент: Nihol на-
шриёти, 2013. - 200 б.

ISBN 978-3-446-23393-5

УЎК: 821.112.2

КБК 84(4Нем)

Тақризчилар:

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
профессори Шавкат Каримов, Филология фанлари докто-

ри, профессор Баҳодир Каримов

Муҳаррир: Эргашев Орзукул

Мусаҳҳиҳ: Дилдора Раҳмонова

Саҳифаловчи: Фурқат Соатов

Техник муҳаррир: Беҳзод Нурмухамедов

Нашриёт лицензияси АИ № 219, санаси:

1.10.2013 йил. Босишга 31.10.2013 йилда рухсат

этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Офсет қоғози.

Офсет босма. "Арно Про" гарнитураси.

Шартли босма табоғи 3,72. Босма табоғи 6,25.

Адади 500 нусха. Буюртма №10.

Баҳоси келишилган нарҳда.

"Ofset print" МЧЖ босмахонасида босилган.

Босмахона ва нашриёт манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман, Махтумқули 1-уй

Тел.: 228-90-14.